

АЙИМХАН ЭШНИЯЗОВА

ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД:
АНЪАНА ВА УСЛУБ



ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ


АЙИМХАН ЭШНИЯЗОВА

ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД:
АНЪАНА ВА УСЛУБ

МОНОГРАФИЯ

«ТАФАККУР ТОМЧИЛАРИ»
ТОШКЕНТ - 2022

36557



КБК 83-3(5 Ў)
УЎК 821.512.133.09
Э 99

Айимхан Эшниязова. Хуршид Дўстмуҳаммад:
анъана ва услуб /монография/- Тошкент: «Tafakkur
tomchilari», 2022. – 168 б.

Маъсул муҳаррир:
Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори, профессор, академик

Тақризчилар:
Баҳодир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори, профессор
Санобар ТўЛАГАНОВА,
филология фанлари доктори
Латофат ТОШМУҲАМЕДОВА
филология фанлари номзоди, доцент

Ушбу монографияда адабий таъсир, типология, қи-
ёсий-чоғиштирувнинг муҳим компонентлари, бадий
моҳиятни ёритишдаги имкониятлари ҳамда ижодкор
бадий концепциясидаги бетакрорлик Х.Дўстмуҳаммад
қиссалари асосида илмий ёритилган.

*Монография Ўзбекистон журналистика ва омма-
вий коммуникациялар университети Илмий кенга-
шининг 2021 йил 29 ноябрдаги № 4/4-5 сонли мажлис
баённомаси билан нашрга тавсия этилган.*

ISBN: 978-9943-7690-7-6

© А. ЭШНИЯЗОВА, 2022
© «ТАФАККУР ТОМЧИЛАРИ», 2022

*Отам Шеринбой ЭШНИЯЗОВ
хотирасига бағишлайман.*

КИРИШ

Жаҳон адабиётшунослигида ижодкор лабораторияси, бадий маҳорат, услуб ва усулдаги изланишларни муайян жанр қамровида белгилаш, бадий-эстетик тараққиёт қонуниятларини ўзида акс эттирадиган адабиётлараро жараёнларни тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш илмий муаммо сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бунда қисса (повесть) жанри канонларидаги ўзгаришлар, унинг специфик хусусиятлари, табиатан шакл ва мазмунга хос янгилашишга мойиллиги каби жиҳатлар етарли асос саналиб, қиссачилик тараққиётига туртки бўлган омиллар ҳамда уларнинг бадий-эстетик қийматини кашф этишда адабий таъсир, адабий алоқа, типологик тадқиқотларни олиб бориш давр талабига айланди.

Дунё адабиётшунослигида бадий асарнинг жанр канонларини белгилаш, жанр структураси ва специфик хусусиятларини очиб бериш, илғор таҳлил методларидан самарали фойдаланиш ва бадий-услубий изланишларни тадқиқ этиш давом этмоқда. Зеро, глобаллашув даврида ижтимоий тафаккурда юз бераётган ўзгаришлар адабиётшуносликда мавжуд ҳар бир жанрда шакл ва мазмун жиҳатдан юзга келаётган янгилашишларни тамойиллар асосида ёритиб бериш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Қисса жанрининг эволюцияси, жанр архитектураси, поэтик имкониятлари, образлар структураси, муаллиф ва қаҳрамон ўртасидаги параллелизм ҳодисасини ўрганиш адабиётшуносликдаги муҳим масалалардандир.

Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида кечаётган жанрий изланиш ва янгилашнилар кўлами ниҳоятда кенг. Ўзбек қиссачилиги ўзининг ранг-баранглиги, қамров кўламининг кенглиги, шакл ва мазмунидаги янги жиҳатлари билан мустақиллик даври адабиётида ўз ўрнини эгаллади. Қисса жанрида самарали ижод қилган, миллий адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган Хуршид Дўстмуҳаммаднинг бадий маҳорати, услуб ва усул борасидаги изланишлари, экспериментлари ҳамда эришган натижалари шу жиҳатдан эътиборга сазовордир. Ёзувчи қиссалари ифоданинг қабариқлиги, тасвирнинг серқатламлиги, мазмуннинг залворлилиги, руҳий ҳолат манзараларининг ранг-баранглиги, қаҳрамон ҳаёлот ва кечинмаларидаги жараёнларни тасвир объектига айлантириш орқали инсон кечинмаларини янада кўпроқ илғашга интилаётгани билан ажралиб туради.

Жаҳон адабиётшунослигида қиссанинг жанр канонизацияси, табиати, специфик хусусиятига доир бир қанча тадқиқотлар яратилган. Жумладан, Арасту, В.Г.Белинский, А.А.Потебня, В.В.Виноградов, М.М.Бахтин, В.М.Головко, В.Кожин, Л.С.Лихачев, Н.Д.Тамарченко, Л.Б.Чернец, Г.Л.Абрамович, В.Е.Хализев, М.Б.Храпченко каби олимларнинг олиб борган тадқиқотларида қиссанинг жанр хусусиятлари, ёзувчи услуби, бадий асар таҳлили ҳақидаги назарий қарашлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек адабиётшунослик илмида И.Султон, М.Қўшжонов, С.Мамажонов, О.Шарафиддинов, Б.Назаров, И.Ғафуров, Б.Саримсоқов, Ҳ.Каримовлар илмий изланишлар олиб борганлар. Бевосита қиссачиликка бағишланган ишларда эса кўпроқ шу жанр билан боғлиқ муайян муаммолар тадқиқ этилади. А.Расулов ҳозирги ўзбек қиссаларида ёшлар характерининг

ёритилиши муаммоларини, А.Рашидов ўзбек повестида меҳнаткаш инсон образи масаласини, К.Тағма-тов қиссачиликда қаҳрамон маънавий оламини ёри-тиш йўлидаги бадиий изланишларни, Ғ.Тошпўлатов қиссачиликда инсон маънавиятининг бадиий инъи-косини тадқиқ қилган. Қиссачиликнинг даврлараро ривожланиши борасида С.Зоҳидова 60 – 70 йиллар-да яратилган ўзбек қиссаларини жанрий ва услубий хусусиятларига кўра, М.Тенглашев 80-йиллар ўзбек қиссаларидаги конфликт, Қ.Кўбаев 60 – 80 йиллар ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат миқёсида ўрганган.

Қисса жанри спецификасидаги янги ланишларни аниқлаш, воқеликнинг бадиий қиёфаси ва қиссанавис образи, ёзувчи маҳорати, услуб ҳамда усул янги ланишларни кўрсатиш, ёзувчи ижодида рамзий-мажозий тасвир ва метафорик талқин имкониятларини ҳамда жанр структурасида шахс концепцияси талқинини қиёсий-типологик таҳлил асосида ўрганиш вазифаси қўйилган.

Тадқиқотга манба сифатида Х.Дўстмуҳаммаднинг “Нигоҳ”, “Паноҳ”, “Сўроқ”, “Оромкурси”, “Чаёнгул”, “Ҳижроним мингдир менинг”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз”, “Куза...”, “Ёлғиз” қиссалари олинди. Қиёсий-типологик таҳлил учун Ф.Достоевскийнинг “Камбағаллар”, Г.Маркеснинг “Ошкора қотиллик қиссаси” романлари, Э.Аъзамнинг “Шоирнинг тўйи”, “Чапаклар ва чалпаклар мамлакатида”, Н.Эшонқулнинг “Тун панжаралари”, “Қора китоб” қиссалари танланди.

Монографияда Хуршид Дўстмуҳаммаднинг қиссачиликдаги индивидуал услуби, сюжет, композиция ва қаҳрамон каби муҳим поэтик компонентлардан фойдаланишда ўзига хослиги ҳамда инсон шахси масалаларини бадиий тасвирлаш маҳорати, унинг ўзбек қиссачилиги тараққиётида тутган ўрни қиёсий-типологик тадқиқ асосида ёритиб берилган.



БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЖАНРНИНГ СПЕЦИФИК ХУСУСИЯТИ ВА ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ЁНДАШУВ



ЖАНР КАНОНИЗАЦИЯСИ: ТАСНИФ МАСАЛАСИ, ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК УСУЛ

Қисса бугунги адабий жараённинг қадимий жанрларидан бўлиб, узоқ адабий тарихий жараённи босиб ўтиб, бадий мукамаллик касб этган. Қисса эпик турнинг ўрта жанри сифатида роман ва ҳикоя оралиғидаги жараённи акс эттиради. Қиссанинг жанрий хусусиятлари хусусида адабиётшунос олимлар ўртасида бир қанча қарашлар илгари сурилган, баҳс-мунозаралар юзага келган. Қисса жанрига берилган барча таърифларда эпик кўлам, сюжет қурилиши, қаҳрамон тасвири асосий ўлчов сифатида кўрсатилади. Қиссанинг поэтик қурилиши объектга – қаҳрамонга қаратилган бўлади. Қисса сюжети якка қаҳрамоннинг бутун ҳаёт йўлидаги саргузаштларини эмас, балки қаҳрамон ҳаётининг муҳим ва муайян даврига оид воқеаларни ёритиши билан характерланади.

Рус адабиётшунослигида В.Белинский, С.Лихачев, Н.Надеждин, Л.Головенченко, В.Головко, В.Кожинов ва М.Бахтин¹ тадқиқотларида қисса табиати, қурилиши, жанр канонларининг роман ва ҳикоя оралиғида ўз ижодий вазифасини бажариши, якка қаҳрамон кечмиши ҳикоя қилиниши назарий асосланган.

Ўзбек адабиётшунослигида қисса жанрида И.Султон, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, А.Аброров, У.Норматов, Б.Назаров, С.Мирвалиев, Б.Саримсоқов,

¹ Белинский В.Г. Собрание сочинений. Т №3. – М.: 1978. – С. 271; Белинский В.Г. Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши. Мақолалар. – Т.: Ўздавнашр. 1948. – Б. 85; Лихачев Л.С. Неравнодушная проза. – М.: Художественная литература, 1984. – С. 3; Головенченко Л.В. Введение в литературоведение. – М.: Высшая школа, 1964. – С. 255.

А.Расулов, А.Улуғов, Д.Қуронов ва А.Қозихўжаев ² каби олимлар тадқиқот ва изланишлар олиб борган. Замонавий қиссачиликнинг юзага келиши, жанрий ранг-баранглик, мустақиллик даври қиссачилигининг ўзига хос хусусиятлари юзасидан А.Холмуродов “Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт ва муаммолари”, У.Расулова “XX аср ўзбек қиссачилиги (поэтик изланишлар ва тараққиёт тамойиллари) докторлик диссертациясини, М.Рустамова “Истиқлол даври ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари”, Ю.Каримова “Пиримқул Қодиров қиссаларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадий талқини”, М.Бобохонов “Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм”, Д.Холдаров “Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадий услуб муаммоси”, Ф.Раджапова “Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил”, Ю.Эшматова “Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида аёл руҳиятининг бадий талқини” номзодлик диссертациялари ёзилди. Олиб борилган тадқиқотларнинг салмоғи ва миқдори қиссанинг ҳозирги адабий жараёнда энг фаол ва ҳаракатдаги жанр эканлигидан

²Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 170; Аброров А. Ўзбек повести. – Т.: Фан, 1973. – Б. 52; Норматов У. Насримиз уфқлари. – Т.: Ё.Ғулом нашриёти, 1974. – Б. 55; Расулов А. Ўзбек совет прозасининг камоли. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 19; Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Т.: Фан, 1969. – Б. 277; Каримов Э. Адабий тур ва жанрлар. – Т.: Фан, 1991. – Б. 166; Улуғов А. Ҳозирги ўзбек қиссачилиги. – Т.: Ўзбекистон, 1987. – Б. 6; Улуғов А. Қиссачилигимиз қирралари. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – Б. 13; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 169; Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 11-том. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: 2005. – Б. 23; Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Навоий университети, 2018. – Б. 373; Қозихўжаев А. Қисса жанри хусусида // XX аср ўзбек адабиёти масалалари. Илмий мақолалар тўплами. –Т.: Фан, 2012. – Б. 214.

дарак беради. Қисса жанрининг назарий асосларини ўрганишда мазкур тадқиқотлар асосий манба вази-фасини бажаради.

Қисса арабча сўз бўлиб, “ҳикоя”, “саргузашт” маъноларини англатади. Қисса жанрининг келиб чиқиши муқаддас китоб билан боғлиқ. Адабиётшунос А.Қозихўжаевнинг қисса жанри бўйича олиб борган кузатишлари салмоқли экани билан ажралиб туради: “Қисса жанри спецификасига назар ташлар эканмиз, айнан илоҳий моҳиятга яқинлашиб келган қиссалар жанрнинг ёрқин намунаси сифатида кўзга ташланишини кузатамиз. Қиссанинг бу олий кўри-ниши барча замон қиссалари учун намуна вази-фасини ўташи мумкин. Инсон бадий тафаккури илоҳий манбадан озикланади. Инсонга ато этилган илоҳий илҳом уни илоҳий ҳақиқатлар сари етаклайди”³.

Қуръон оятларида қиссалар берилади, 28-сурани-нг номи “Қасас” яъни қисса деб номланади. “Бу су-рада Аллоҳ таолонинг суюкли пайғамбарларидан Мусо (алайҳиссалом)нинг туғилишларидан тортиб, қандай пайғамбар бўлганлари ва кўрган-кечирган ибратли ҳаётлари бошқа сураларга нисбатан муфас-сал ва мукамал зикр қилингани сабабли у “Қасас” – “Қисса” деб аталгандир”⁴. “Албатта, бу воқеий қис-садир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Аллоҳ, албатта, Азиз (қудратли) ва Ҳаким (ҳикматли)дир. (Оли Имрон су-раси, 62-оят); “Бу ўша оятларимизни ёлғонга чиқар-ган қавм кишиларининг мисолидир. Бу қиссаларни (уларга) айтиб беринг, шояд тафаккур қилсалар!” (Аъроф сураси, 176-оят). “Биз Сизга ушбу Қуръон

³ Қозихўжаев А. Қисса жанри ҳақида / XX аср ўзбек адабиёти масалалари. – Т.: Фан, 2012. – Б. 206.

⁴Қуръон сўз ва иборалари // Изоҳли луғат. – Т.: Movarounnahr, 2018. – Б. 336-337.

(сураси)ни ваҳий қилишимиз билан бирга гўзал қиссани айтиб берурмиз. Сиз эса, (эй Муҳаммад!) ундан (ваҳийдан) олдин беҳабарлардан (бири) эдингиз” (*Юсуф сураси, 3-оят*). “Бас, (Мусо Шуайбнинг ҳузурига) келиб, унга ўз қиссасини. сўйлаб бергач, у: «Кўрқмагин! Сен золимлар қавмидан нажот топдинг”, – деди (*Қасас сураси, 25-оят*).

Илоҳий манба ва ҳадислар асосида яратилган Рабғузийнинг “Қиссаи Рабғузий” асарини мумтоз адабиётимиздаги қисса жанрининг мукамал намунаси, дейишимиз мумкин. Замонавий қиссачиликнинг юзага келишида мумтоз қиссачилик асос вазифасини ўтаган. Замонавий ўзбек реалистик қиссанинг илк намунаси Ҳамзанинг “Янги саодат” асаридир. Чўлпоннинг “Дўхтир Муҳаммадёр”⁵ асари ҳам қисса. Туркий халқларда, жумладан, ўзбек адабиётида замонавий қисса 20-йилларда юзага келди. Қирғиз адабиётида К.Баялинов “Аждар”, қозоқ адабиётида М.Авезовнинг “Ҳимоясизнинг тақдири”, Б.Майлиннинг “Шугенинг ҳайкали”, туркман адабиётида М.Ҳамроев “Оғир кунларда” қиссалари фикримизнинг исботи.

Қисса жанрида қиссанавис образи алоҳида аҳамиятга эга. Қиссанавис асардаги барча образларни бирлаштириб туради ва у орқали ёзувчининг кечинмалари, ўй-хаёллари берилади. Қиссанавис-муаллиф образини рус адабиётида В.В.Виноградов, М.Бахтин, М.П.Брандес, Ю.М.Лотман, Б.О.Корман ва ўзбек адабиётида О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, Н.Каримов, У.Норматов, С.Мамажонов ва С.Мирвалиевлар ўрганган. Рус олими В.Виноградов қиссада қиссанавис образи масаласини ўрганар экан, қиссанавис ҳамиша қаҳрамонлар орасида бўлишини таъкидлайди. Қис-

⁵ Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 44.

санавис қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини кузатади, уларга баҳо беради, хулоса чиқаради. “Бу образда, энг аввало, ёзувчининг кечинмалари мужассам бўлади. Шунингдек, қисса қаҳрамонлари ўртасидаги ўзаро кураш психологик аспектда қиссанависнинг ўз-ўзи билан курашишини намоён этади”⁶. Кўриниб турибдики, қиссанавис асарда фақат қаҳрамонларнинг тақдиринигина эмас, ўз “мен”ини ҳам ифода этади.

Қисса бўйича яратилган кейинги тадқиқотларда жанр канонлари билан биргаликда муаллиф ва қаҳрамон муносабатларига ҳам урғу берилади.

И.Кумскова “XIX асрда Америка қиссачилиги” диссертациясида роман ва қиссанинг жанрий хусусиятларини ўзаро таққослаб қуйидагича хулоса қилади: “... қисса ва ромanning фарқи шундаки, романда ёзувчининг ижодий кучи тўлиқроқ, одамнинг дунё билан алоқаларини чуқур ривожлантиришга қаратилган бўлиб, қаҳрамоннинг ички дунёсига, онгининг индивидуал-шахсий жиҳатларига алоҳида эътибор беришда ифодаланади. Қиссада эса қаҳрамоннинг феъл-атвори, унинг дунё билан боғлиқлигининг баъзи бир жиҳатларигина келтирилади, бу ўз-ўзидан қаҳрамоннинг индивидуал-шахсий хусусиятларининг аҳамиятини сусайтиради ва атроф муҳитнинг ижтимоий онг билан алоқасини, яъни қаҳрамоннинг ижтимоий-типик характеристикасини биринчи планга олиб чиқади...”⁷ И.Кумскова ўз тадқиқотида қиссада муаллиф ва қаҳрамон муносабатида қаҳрамоннинг ижтимоий муҳит билан муносабатини бош планга қўтаради. Қиссада инсон ва

⁶ Виноградов В.В. О теории художественной речи. – М.: Высшая школа, 1971. – С.118.

⁷ Волков И.Ф. Теория литературы: Учеб. пособие для студентов и преподавателей. – М.: Просвещение; Владос, 1995. – С. 256.

жамият муносабатлари асосида Шахс “мен”и шаклланишини таъкидлайди. Н.Тамарченко қисса жанрининг табиати ўзгарувчан эканлигини асослайди: “Қисса жанри канонларига кўра у романдан кичикроқ, ҳикоядан каттароқ ҳажмга эга бўлишдан ташқари ўзига хос архитектуроникаси билан ҳам фарқланади. Жанр канонларига қатъий мезон сифатида ёндашиш бугун ўзини оқламайди. Жанр табиатида қоришиқлик ҳодисаси учраши табиий ҳол”⁸. Қиссанинг гоҳ романга, гоҳ ҳикояга томон оғиш ҳоллари жанр канонларининг қатъий мезонга асосланмаганидан далолатдир. Адабиётшунос олим И.Султон жанрдаги бу хусусиятни қуйидагича изоҳлайди: “...ҳеч бир жинс ва жанр адабий ижодда соф ҳолда учрамайди. Жинслар ва жанрларнинг маълум даражада аралашлиги, қоришиқлиги адабий ижоднинг характерли хусусиятидир”⁹. Мутлоқ соф ҳолатдаги жанрнинг ўзи йўқ. Ҳар бир жанрда бошқа жанрларга хос элементлар учраши табиий ҳол.

Эпик жанрларнинг ўзак нуқтасини аниқлашда адабиётшунос олим Д.Қуронов фикрлари асосли: “Роман муаллифи учун қаҳрамон восита – дунёни англаш (буниси мақсад) воситаси, қиссанавис учун қаҳрамоннинг ўзи – мақсад (воқеанавислар восита), ҳикоянавис учун воқеанинг ўзи мақсад бўлиб қолади. ...Қиссанинг поэтик қурилиши мақсадга – қаҳрамонга қаратилгани билан белгиланади”¹⁰.

Н.Тамарченко жанр канонлари ва унинг поэтик имкониятлари, образлар структураси, муаллиф ва қаҳрамон муносабатларига эътибор қаратади:

⁸ Тамарченко Н.Д. Русская повесть Серебряного века: (Проблемы поэтики, сюжета и жанра). – М.: Intrada, 2007. – С. 205.

⁹ Султон И. Адабиёт назарияси. Икки томлик. – Т.: Фан, 1979. – Б. 306.

¹⁰ Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Навоий университети, 2018. – Б. 373.

“Романга қараганда қиссада баён қилувчининг ва қаҳрамоннинг воқеликка муносабати аралаш тарзда берилади, яъни икки овознинг қоришиб кетиши кузатилади”¹¹. Н.Тамарченко ўз тадқиқотларида қисса жанри эволюциясида қаҳрамонларнинг ўзини англаши ва иқдор сўзининг биринчи планга чиқиши, сюжет синовлари натижасида қаҳрамон ички дунёсининг шаклланиши ва финалда мақсаднинг аниқлигини бирлаштиради. Даврга хос бадиий эволюция йўналиши – қаҳрамонга эътиборнинг тасвир ва идрок этиш (баҳолаш) субъекти сифатида ўзгариши – бу жанрда романга қараганда воқеалар ривожини секинроқ кечади, персонажлар тизими эса ихчам бўлади.

Қиссанинг специфик хусусиятлари ва структурал тузилишини тадқиқ қилган Н.Тамарченко назарий-чи олим М.Бахтин томонидан шакллантирилган “уч ўлчов” концепциясини изланишларига татбиқ этиб, жанрнинг уч аспектдаги структураси: сюжетдаги доминант схема, баён типининг композицион асосни ташкил қилиши, қаҳрамон дунёси ва муаллифнинг борлиги ўртасидаги алоқа типини ҳисобга олади¹².

Қиссанинг архитектуроникаси ҳақида Н.Тамарченко куйидаги таркибни талқин қилади¹³:

¹¹Тамарченко Н.Д. Русская повесть Серебряного века: (Проблемы поэтики, сюжета и жанра). – М.: Intrada, 2007. – С. 205.

¹² Тамарченко Н.Д. Русская повесть Серебряного века: (Проблемы поэтики, сюжета и жанра). – М.: Intrada, 2007. – С. 20-23.

¹³ Поэтика: словарь актуальных терминов и понятий / Гл. научный руководитель Н.Д.Тамарченко. – М.: Издательство Кулагиной Intrada, 2008. – С. 171.

1. Қисса жанрига хос хусусиятларнинг эпик формуласида сюжетнинг “ҳикоя қилинаётган воқелик” (“события, о котором рассказывается”) типи доминантлик қилади. Қаҳрамоннинг вазиятга кўра синовдан ўтишида мана шу усулдан фойдаланилади. Қисса композициясини ташкиллантиришда баён қилинаётган воқелик воситасида қаҳрамон синовдан ўтади, характери очиб берилади.

2. Бу типда “ҳикоя қилиш воқеаси” (“события самого рассказывания”). Асосий воқеани қайта кўриб чиқиш ва унга умумлаштирувчи тугал маъно бериш, қаҳрамоннинг ахлоқий позицияга йўналтирилиши ҳамда финалда қўшимча аналоглар асосида ёритилишини кўзда тутади.

3. Қаҳрамон “образнинг ҳаракат майдони”да муаллиф ва қаҳрамоннинг жамият ҳаётидаги номувофиқлиги, мана шу номувофиқликда характер ёритилади, қиссадаги чиқарилиши лозим бўлган ҳисса очиб берилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек қисса жанри канонларини рус адабиёти мисолида ўрганиш жараёнида Н.Тамарченко қисса структураси, сюжет ва композицияда синов сюжети муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди ва учта асосий турини ажратади: “борлиқни синаш, қаҳрамонни синаш ва ғояни синаш”. Олим “борлиқни синаш” босқичидаги кузатишларида қаҳрамоннинг дунёни баҳолаш мезонига бўлган нуқтаи назарининг аҳамияти ортганини, диққат тасвир субъекти мавзусига ўтганини кузатади. Демак, қиссаларда қаҳрамоннинг ташқи олам билан муносабатини қайта назорат қилишда муаллиф нуқтаи назари асосий ўринда туради.

Х.Дўстмуҳаммад қиссаларида реал воқеликнинг жамият ҳаётига номувофиқлиги (жамият синови),


қахрамон тафаккурида ғалаённинг бошланиши (қахрамон синови), ўзлигини қидириши ва ечим топиш йўлидаги интилишлари (ғоялар синови) шаклидаги сюжет тизимига асосланади. Адиб ижодида “борлиқ” ижтимоий-сиёсий вазият, “қахрамон борлиқни англаши”, “қахрамоннинг борлиққа муносабати” тарзида “борлиқ ва қахрамон” кабилар дастлабки сабаб, туртки асосида юзага келади. Кейин мана шу сабаб инсонни ўзини ўзи тафтиш этиш томон етаклайди. Ўзлигини англаш жараёнини ёзувчи бир неча босқичга бўлиб тасвирлайди. Туртки ҳамма қатори бирдай яшаб юрган одамни гўёки уйғотади, сарҳисоб қилишга ундайди. Айни сарҳисобда қахрамон яшашдан маъни нима эканлигини англайди, ўзини айбдор санайди. “Нигоҳ”да йўл ҳалокати, “Паноҳ”да зилзила, “Оромкурси”да эса ўқишга кириб, ётоқхонага жойлашув воқеаси, “Сўроқ”да учар ликопчада келган “келгинди”ларнинг ташрифи туфайли қахрамон руҳиятида кескин ўзгариш рўй беради ва бу инқилоб қахрамон онги, тафаккурини уйғотиб юборади.

Қисса бошқа жанрлар каби мавзу ва муаммоси, йўналишига кўра таснифланади. Қисса жанрида олиб борилган тадқиқотларда жанр классификациясида фарқлар кузатилади. У.Расулова тадқиқотида қиссанинг қуйидаги турларини шарҳлаб ўтади: тарихий, замонавий, фантастик, детектив, сатирик, ҳужжатли, биографик қисса¹⁴. Ф. Раджапова тадқиқотида қисса жанрини икки хил тасниф қилади. Мавзу ва муаммоси, йўналишига кўра: 1) автобиографик; 2) биографик; 3) тарихий; 4) фантастик; 5) ахлоқий; 6) ҳужжатли қиссалар. Реализм имкониятлари до-

¹⁴ Расулова У.Й. XX аср ўзбек қиссачилиги (поэтик изланишлар ва тараққиёт тамойиллари). Филол. фан. д-ри. (DSc) дис... – Т.: 2020. – Б. 47.

ирасида кейинги даврда юзага келган қиссанинг ички турлари: 1) драматик қисса; 2) монолог-психологик қисса; 3) хангома қисса; 4) эссе қисса; 5) саргузашт-детектив қисса; 6) мактуб-қисса; 7) лирик қисса; 8) киноқисса¹⁵. Кейинги тасниф, яъни қиссанинг ички турларга бўлиниши истиқлол даври қиссачилигида адибларимизнинг жанр имкониятларини ишга солгани, янги қирраларини кашф қилгани натижаси дейишимиз мумкин. Жанрнинг ички турларида яратилган қиссалар янгилиги ва турфа экспериментларнинг ўзини оқлагани, натижасининг самарали эканидан далолатдир.


Х.Дўстмуҳаммад қиссаларини қуйидагича тасниф қилишимиз мумкин:



¹⁵ Раджапова Ф.А. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил. Филол. фан. б-ча. ф-фа д-ри. (PhD) автореф... – Т.: 2018. – Б.11.

Лотин америка ёзувчиси У.Фолкнер замондоши Э.Хемингвейнинг ёзувчилик маҳорати ҳақида қуйидагича мулоҳаза билдиради: “У дунёни тўғноғичнинг бошига ўхшатди, ўзи турган ҳудудни маъқул билди, бошқа ҳудудга бориб кўришга таваккал қилмади, худди мана шу унинг ҳам ютуғи ҳам камчилиги эди”. Х.Дўстмуҳаммад эса Э.Хемингвейдан фарқли равишда қиссачиликда турли усуллардан фойдаланишни, қўллаб кўришини хоҳлади ва бунга муваффақият билан эришди.

Қиёсий-типологик чоғиштирма усули филологиянинг асосий йўналишларидан бири саналади. Бундай тадқиқ усули замирида қиёс, яъни чоғиштирув туради. Икки ижодкорнинг асари турли аспектдан қиёсга тортилиши мумкин. Бунда адабий таъсир, тур ва жанр, мавзу ва мазмун каби жиҳатлар қиёсланади. Қиёсда асосий эътибор мавзу қўламига қаратилади. Қиёсий-типологик адабиётшуносликда А.Н.Веселовский, В.М.Жирмунский, Н.И.Конрад, Б.Г.Реизов, Д.Дюришиннинг олиб борган илмий изланишлари алоҳида ўрин эгаллайди. Адабиётшуносликда қиёсий-тарихий, қиёсий адабиётшунослик, адабий алоқалар, адабий компаративистика (лот. *Comparativus* – қиёсламоқ сўзига синоним ўрнида қўлланилади.) атамалари қўлланилади. Қиёсий адабиётшунослик термини франциялик Ж.Кювье томонидан дастлаб “қиёсий анатомия” шаклида ишлатилган. Кейинчалик тадқиқ усуллари такомиллашиб, турлари кенгайиб қиёсий-типология, адабий алоқалар, адабиётлараро алоқалар, адабий жараён ва глобализация, замонавий адабиётшунослик каби йўналишлари ривожланиб борди. Тадқиқот объекти саналган асарларда дунёнинг икки қутби ижодкорларининг асарлари муаммо нуктаи назаридан ўрга-



нилади. Бунда, албатта, ҳар бир миллатнинг ўзига хос қадриятлар тизими асос бўлиб хизмат қилади. Бундай изланишларда муаллиф шахсияти, унинг тафаккур тарзи, миллий колорит, услуб ҳамда усулдаги индивидуал ҳолатлар бирламчи асос вазифасини бажаради. Бундай тадқиқ усулида қиёсий-тарихий метод восита бўлиб хизмат қилади. Қиёсий-тарихий методда икки ва ундан ортиқ адабий ҳодисалар таққосланади, илмий-назарий умумлашмалар чиқарилади. Адабиётшунос Б.Каримов қиёсий-тарихий методнинг асосий йўналишларини кўрсатади:

– дунё адабиёти дурдоналари ёки миллий адабиётнинг гўзал намуналари ўзаро қиёсланади;

– адабий асарлар яратилган даврига кўра таққосланади;

– миллий адабиёт намуналари дунё адабиёти контекстида текширилади;

– адабий жараён ёки адабиёт тарихида мавжуд адабий ҳодисаларнинг фарқли ва ўхшаш қирралари тадқиқ қилинади;

– мавзу ёки илмий муаммо нуқтаи назардан ўзаро яқин бўлган адибларнинг асарлари текширилади¹⁶.

Қиёсий-тарихий метод миллий адабиёт намуналарини дунё адабиёти дурдоналари билан таққослаш, таққос асосида ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларни топиш ҳамда таъсирланиш омилларини кашф қилиш усулидир.

Тарихий-маданий мактаб вакили И.Тэн бундай тадқиқ усулини “турли даражадаги тафаккур ва тарихий-адабий муҳитнинг намоён бўлиши” деб атайди. Қиёсий-тарихий метод асосчиларидан А.Веселовский мифологик мактаб анъаналарини “Панча-

¹⁶ Карим Б. Адабиётшунослик методологияси // Қиёсий-тарихий метод. – Т.: Муҳаррир, 2011. – Б.74.

тантра” мисолида Ғарб ва Шарқ контексти асосида ўрганеди¹⁷. В.Жирмунский мазкур метод асосида жаҳоний миқёсдаги изланишларни, қиёсларни олиб боради. “Байрон ва Пушкин”¹⁸ тадқиқотида поэтик анъаналарни қиёсга тортади. В.Жирмунский А.Веселовскийнинг ғояларини ривожлантириб, тарихий-адабий жараён бутунлиги, инсониятнинг ижтимоий-тарихий жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги, адабий таъсир ва типология, адабий-эстетик жиҳатдан уйғунлик каби қонуниятларни илмий-назарий аспектда ўрганеди, типологик қиёсни илмий тадқиқ усули сифатида адабиётшуносликка татбиқ қилади. Олим адабиётшуносликда қиёсий типологияни учта аспектда: тарихий-типологик, тарихий-генетик, адабий алоқа ва маданиятнинг таъсири сифатида тадқиқ этади (Фольклорни қиёсий-тарихий жиҳатдан ўрганиш. 1958). Юқорида саналганлардан тарихий-типологик ва адабий алоқаларни энг сермаҳсул ёндашув деб ҳисоблайди.

В.Жирмунский тадқиқотларида типологик ворисийлик концепциясига кўра параллелликни талаб этади ҳамда турли замон ва макондаги адабий ҳодисаларни реал адабий жараёндаги бадий асар муқобилида ўрганеди. Типологик ворисийликда тарихий-адабий жараёндаги адабий алоқаларни тадқиқ этади¹⁹. Олим талқинида қиёсий-тарихий методнинг асосий мақсади адабий ҳодисанинг тарихий илдизларини ўрганиш асосида бадий қонуниятларни кашф этишдир. Ҳолбуки биз назарда тутаётган қиё-

¹⁷ Веселовский А.Н. Сравнительное и сопоставление литературы. – Казань. 2001. – С. 7-149.

¹⁸ Жирмунский В.М. Пушкин и Байрон. Пушкин и Западные литературы. – Л.: Наука, 1979. – С. 383-403.

¹⁹ Жирмунский В.М. Проблема сравнительно-исторического изучения литературы. – М.: 1960. – С. 177-186.

сий-типологик тадқиқда ҳам адабий воқеликнинг турли ракурсда ифода этилиши ва улар орасида ўхшашлик ҳамда тафовутларни изчил тарзда ўрганиш назарда тутилади.

Н.Конрад ўзидан олдинги олимлардан фарқли равишда қиёсда компаративистик ёндашувни маъқул билади. Унинг фикрига кўра қиёсга тортилган бадиий асарнинг бири ўзга тилдан таржима қилинган бўлади²⁰. Бундай вақтда адабий матн бошқа тус олиши аниқ. Бунда муаллиф – таржимон – тадқиқотчи учлиги юзга келади. Иккиликда эса муаллифнинг тафаккур тарзи ва қарашлари кейинги планга ўтиб, таржимоннинг “қиёфаси” ўз таъсирини ўтказиши айни ҳақиқат. Учинчи – тадқиқотчи эса мана шу икки “қиёфа”нинг бирлашувини уйғун тарзда ҳис қилмоғи ҳамда таҳлилда буни эътибордан соқит қилмаслиги лозим.

А.С.Бушмин қиёсий-типологик тадқиқотни “икки адабий ҳодисанинг тўқнашуви” деб баҳолайди²¹. Рус олими Топоровда эса: “қиёсий-типологик чоғиштирмада “ўз” ва “ўзга”ники тушунчаси кенг маънода изоҳланади. Бунда эътибор тилдан бошқа тилга, макондан бошқа маконга, замондан бошқа замонга, маданиятдан ўзга маданиятга қаратилади”²². Демак, қиёсий-типологик усул диологик тарзда амалга ошиб, унда миллати, элати, қадриятлари нуқтаи назаридан бутунлай бошқа-бошқа адабий ҳодисаларнинг “маданиятлараро тўқнашуви” (М.Бахтин) юз беради.

²⁰ Конрад Н.И. Проблема современного сравнительного литературоведения. – М.: 1978. – С. 20.

²¹ Бушмин А.С. Методологические вопросы литературоведческих исследований. –Л.: Наука, 1969. – С. 67-72.

²² Топоров В.Н. Пространства культуры т встерчи в нем. Восток и Запад. Переводы. Публикация. – М.: 1989. – С. 7.

Типология грекча сўз тип – белги, логос – сўз деган маънони англатиб, сўзнинг ўзига хос белгиси сифатида қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Типология – бу англаш ва ёндашувнинг ўзига хос усули бўлиб, айна ўхшашликни топиш ва бир қанча жиҳатларни тизимли равишда умумлаштириш, уларни маълум бир тип асосида гуруҳларга мувофиқлаштириш, яхлит тип шаклида ташкиллантириш демакдир. Типологияда типлар ўзига хос айрича белгилари, характер ва хусусиятига кўра классификация қилинади. Адабий типларнинг психологик, социологик, рамзий, киноявий, фожиавий каби турлари мавжуд. Тадқиқот объектларимизда “асарнинг номлари”, оила, сингил ор-номуси учун қотилликка қўл урган, туйғуларидан паноҳ излаётган, меҳр-муҳаббат тимсолига айланган, давр фожиасининг қурбонига айланган, руҳий пўртаналар ичра ҳаловат излаётган, дунё синоатини тафтиш қилишга уринаётган уйғоқ инсонлар, давр қолипига сиғмаган исёнкор типларни кузатдик.

Типология объектларни мавҳум, умумлашган модел(тип)лар ёрдамида илмий тасниф қилиш усули. Бунда ўрганилаётган объектларнинг энг муҳим таркибий ва функционал хусусиятлари қайд этилади. Ўрганилаётган объектлар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутни очиб беришга, уларни айнан ўхшатиш ва тенглаштириш йўлларини топишга асосланади. Айна пайтда типология “вақт ва манзил, давр ва замондан қатъий назар, турлича яқин ва узоқликдаги турли адиблар ижоди ва миллий адабиётлараро: дунёқараш, ирқ, дин, тараққиётга боғланмаган равишда, таъсир рол ўйнамаган ҳолда бадиий тафаккур хосликларида зоҳир топувчи ижодий метод, йўналиш, оқим, ижод типи ва услубдан тортиб, ҳар бир алоҳида санъ-

аткор ижодида дунё ва инсонни кўриш ҳамда уларни бадиий акс эттириш масалаларида намоён бўлувчи яқинлик, ўхшашлик, муқобиллик, ҳаммонандлик, ай-ниятдошлиқдир”²³.

Қиёсий-типологик тадқиқда ўзга миллат адабиётидаги айни типологик ўхшашликни топиш лозим бўлади. Бу ўхшашлик турли кўринишда бўлиши мумкин. Бундай типологик ўхшашликка ғоявий жиҳатдан, психологик ёндашув усули ва мотивга, сюжет ва композицион қурилишга кўра, поэтик образ ва жанрнинг ўзига хос канонларига кўра тартибланади. Биз таҳлил этаётган тадқиқот объектлари ғоявий-бадиий, психологик тасвир усули, мотив, бадиий шартлилик қоидалари, адабий таъсир қонунияти, ёзувчи концепциясининг қаҳрамонларда аксланишига кўра, образлар тизими, сюжет ва композицион қурилишига кўра типологик жиҳатлари тадқиқ қилинди. Қиёсда бир ёки турли миллат ижодкорлари асарлари қиёсланиши мумкин. Бунда, албатта, бадиий матн бирламчи унсур вазифасини бажаради. Адабиётлараро қиёсда турли маданиятларнинг қадриятлари ўзаро солиштирилади. Бунда, албатта, диалог, яъни икки маданий ҳодисанинг чоғиштируви юз беради. Бундай тадқиқ усулида “диалог”, “қиёсий”, “чоғиштира” каби адабий терминлар бирламчи вазифани бажаради. Чоғиштира маданият ва санъатнинг муҳим тамойилларига таянган ҳолда амалга оширилади. М.Бахтин шундай ёзган эди: “қачонки матнга бошқа матн орқали мурожаат этилгандагина унинг контекстдаги ҳаёти бошланади”²⁴. Биз тадқиқ этмоқчи бўлган асарларда жанрий номувофиқлик

²³ Назаров Б. Адабий таъсир ва типологик яқинликни ўрганишнинг айрим методологик масалаларига доир // Ўзбек адабиёти: таъсир ва типология. – Т.: Muhammad, 2013. – Б. 6-16.

²⁴ Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. Изд. второе. – М.: Искусство, 1986. – С. 384.

бўлиши мумкин. Қиёсий таҳлилнинг бу жиҳатларини Д.Дюришин ўз тадқиқотида илмий ёритган: “Ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни фақатгина адабий йўналишлар, жанр ва жанр кўринишлари доирасидагина эмас, балки ғоявий, психологик йўналиш, персонажлар тавсифи, композиция ва сюжет қурилиши, мотивлар, образлар тизими, бадий асосини ташкил этувчи унсурларни назарда тутган ҳолда ҳам таҳлил қилиш керак”²⁵. Роман жанри канонлари қисса жанри канонларидан фарқ қилиши табиий. Тадқиқотда қўйилган муаммо нуқтаи назардан ёндашилса, мақсад ва муддаомиз аниқлашади. Х.Дўстмуҳаммад дунё адабиётининг катта ўқувчиси сифатида Ф.Достоевский асарларининг чин мухлиси, бу ўринда мактуб жанрига асосланган асарлари тадқиқот марказига чиқарилди. “Ёш Вертернинг изтироблари” романи билан чоғиштиришда эса инсоннинг энг бокира туйғулари воситачиси мактуб жанри ва туйғулар инкишофидаги ўхшашликлар тадқиқ қилинди.

Ўзбек адабиётшунослигида бу мавзу бўйича Ф. Сулаймонова, Б.Саримсоқов, Ш.Холматов, Н.Комилов, М.Иброҳимов, Б.Назаров, Н.Каримов, С.Мелиев, Г.Халлиева каби олимлар тадқиқотлар олиб борган. Б.Назаров қиёсий таҳлил бўйича тадқиқотида Н.Конраднинг “ҳеч қандай тарихий муштараклиги бўлмаган, ўзаро ҳеч қандай алоқалари кузатилмаган, ҳатто турли тарихий даврларда яратилган, турли адабиётларда содир бўлган ҳодисалар ўрганилиши мумкин” қарашларига таянилса-да, яратилаётган тадқиқотларда бу назарий фикр моҳиятини татбиқ этишдан кўра,

²⁵ Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М.: Прогресс, 1979. – С. 183.

аксар ҳолларда фактография исканжасидан чиқолмай қолиш ҳолларини эътироф этади²⁶.

Типологик таҳлилнинг бинар типология (икки-та объектнинг қиёси) ва тринар типология (учта объектнинг қиёси) каби турлари бор. Типологик тадқиқотнинг моҳиятини адабиётшунос олим С.Мелиев ўз мақолаларида таҳлил асосида ёритган: “... Бирининг ёнига иккинчи ҳодиса пайдо бўлиши билан, шу заҳотиёқ қиёс вужудга келади. Ҳатто уларни қиёслаш ҳам шарт эмас, ёнма-ён туришининг ўзиёқ потенциал қиёсни туғдиради. Потенциал қиёс эса бутун оламнинг ялпи хоссаси, дейишга лойиқ”²⁷. Типологик таҳлил қонуниятлари, тадқиқ ва натижа нимага асосланишини изоҳлайди: “Ақл-идрок (интеллект) ўхшашликда тафовутни, тафовутда ўхшашликни топиш қобилиятидир” (Монтескьё). Ушбу афоризмда қиёсий типология тадқиқотнинг етакчи қонуниятларидан бири акс этган. Бундай тадқиқот йўлида шахс ёки бадиий асардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ўта нозик илғамда, диалектик фикрлаш воситасида қиёсланиши, сўнг улар муайян синтезда жамланиши лозим”²⁸. Демак, типологик таҳлил ёзувчиларнинг дунёқараши, бадиий асарлардаги объектив яқинликлар ва қахрамонлар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини анализ ва синтез қилиш жараёнидир.

²⁶ Назаров Б. Адабий таъсир ва типологик яқинликни ўрганишнинг айрим методологик масалаларига доир // Ўзбек адабиёти: таъсир ва типология. – Т.: Muharrir, 2013. – Б. 13.

²⁷ Суворон Мели. Сўзу сўз. Бинар типология. – Т.: Sharq, 2020. – Б. 335.

²⁸ Кўрсатилган манба. – Б. 337.

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ҚИССАЛАРИДА ЯНГИ БАДИИЙ-УСЛУБИЙ ТАМОЙИЛЛАР

Ҳозирги ўзбек қиссалари шаклан ва мазмунан янгилашиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Қиссаларда руҳий ҳолатнинг теранлиги, тафаккур тарзининг сероҳанглиги, энг чигал, зиддиятли ҳолда кечувчи ҳодисалар ҳам сахна ортида юз бериб, деталлар, штрихлар, ихчам лавҳаларда тасвирлана бошлади. Адиб Х.Дўстмуҳаммад фикрича: “Бадиий адабиётда жанрнинг яхши-ёмони йўқ, роман салмоқдорлиги билан, ҳикоя ихчамлиги билан ўзига хос. Қисса эса романга, ҳикояга нисбатан эркинроқ, эрқароқлиги билан жозибали, кўнгилга яқин. Халқимизда азал-азалдан қиссанавислик, қиссахонлик кенг расм бўлган, бизнинг замонларга келиб бу ижод тури жаҳон адабиёти тажрибаларига чагишиди, жанр сифатида анча-мунча “маданийлашди”, натижада жанр табиатидаги эркинлик, очиқлик туфайли қиссанинг имкониятлари орта борди, кўлами, қамрови беҳад кенгайди”. Натижада, ўз мазмун-моҳияти билан фольклор ва мумтоз қиссалардан фарқ қилувчи, ўзида олам ва одам манзарасини чуқур акс эттирувчи қиссаларнинг янги типи вужудга келди. Жаҳон адабиёти таъсирида қиссада қатор янгилашишлар, яъни воқеликнинг мактуб асосига қурилиши, услуб ўзгачалиги, мозаика усули (воқеаларнинг парчаланishi ва парчаларнинг яхлит ғояга асосланиши), абсурд қаҳрамон, онг оқими каби ҳолатларнинг кириб келиши, қаҳрамоннинг ижтимоий ҳаётдаги фаол ҳаракати эмас, ички дунёсида кечаётган ғалаёнларни тасвирлаш, ўз ички “мен”и билан курашаётган, ўз дунёси билан овора қаҳрамонларнинг қисмати ёритила бошлади. Нореалистик тасвир усуллари,

бадий шартлилик, рамзлар, метафорик тафаккур асосий ўринга чиқди. Муаллифлар қиссаларда инсон оламини турли ракурсларда талқин эта бошлади.

“Мустақиллик даври қиссаларида услубий янгила-нишлар, аввало, нималарда кўринади ва бунинг асл сабаблари нима?” деган савол атрофида фикр юрита-диган бўлсак, бу қуйидагиларда кўринади.

1. Жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий янгила-нишлар, ўз навбатида, санъат ва адабиётга ҳам таъси-рини ўтказди. Бадий адабиётда кузатилаётган ўзга-ришлар, маълум бир авлоднинг шаклланиши, намоён бўлиши қисса жанри табиатига таъсир қилди.

2. Истиқлол муносабати билан ижтимоий-сиёсий муносабатлар доирасидаги ўзгаришлар ўз навбатида ўзбек адабиётига адабий алоқалар ва таъсир масала-сини олиб кирди. Дунё адабиёти билан танишиш, кат-та адабиёт орзуси ифода ва услубда янги воситаларни, поэтик ҳамда мифопоэтик талқин имкониятларининг кенгайишига олиб келди. Ижодда, бадий ифодада рамз ва тимсолларга таяниш бирламчи аҳамият касб этди. Бадий маънони рамз ва тимсолларга юклаш, қўшимча маъно урғуси бериш анъанага айланди.

3. Қайта қуриш, ошкоралик даврида жамият та-факкуридаги ўзгаришлар, эрка эҳтиёж бошқа даврга нисбатан фаолроқ тарзда рўй берди. Бу давр қиссачи-лигида ижтимоий ҳаёт ва инсон табиатидаги мурак-кабликлар, зиддиятларни тафтиш қилишда киноя-вий руҳ устуворлик қила бошлади. Айниқса, бу ҳолат Эркин Аъзам ижодида ёрқин кўзга ташланди.

4. Шахс концепцияси ижодда етакчи тамойилга, ўзликни англаш жараёнларини бадий йўсинда ифо-да қилиш эса эҳтиёжга айланди. Мустақиллик даври қиссаларида эркин бозор шароитида инсон таби-атида кечаётган ўзгаришлар, моддиятнинг маънави-

ятдан устунлашуви оқибатлари тасвирлана бошлади. Ана шундай мураккаб шароитда ўзликни англаш муаммоси биринчи планга чиқди, бугунги кунини тафтиш қилиш орқали келажакка назар ташлаш, кузатиш, таҳлил қилиш кучайди.

5. Ўзбек адабиётида икки йирик йўналиш юзага келди: анъанавий реализм ва модернизм. Бу вақтда ўзбек адабиётида реализм устувор усул саналиб, модернизм йўлида ижод қилиш, бадиий эксперимент ўтказишга уриниш ҳам бир журъат эди, аслида. Ўша даврнинг етакчи авлод вакиллари Ш.Холмирзаев, М.М.Дўст, Т.Мурод, Э.Аъзам қисса жанрида гўзал намуналарни яратиб улгурган эди. Х.Дўстмуҳаммад тенгдошларидан фарқли равишда бадиий экспериментни маъқул билди. У қиссаларида адабий макон сифатида инсон қалбига чуқурроқ назар солиб, унинг кечинмаларини асар марказига чиқарди.

6. Х.Дўстмуҳаммад асарларида магик реализм усулидан фойдаланиб, янги, юрилмаган йўллардан юришни афзал билди. Чунки реализм ўзбек адабиётида деярли ягона йўл сифатида ўзининг ҳукмронлигини юритиб турган паллада ижодкор “ҳавасда жасорат” сездди. Бугунги ижодкорлардан фарқли равишда ёзувчи мансуб авлод вакиллари дунё адабиётидан кенг кўламда бохабар эди. Бохабарлик, ўзбек ижодкорларини ижобий маънода “мубтало”ликка олиб келди, адабий таъсир ва тақлид муаммога айланиб улгурди.

Реализм йўлидаги ёзувчилар эса бунга, “чангалзор-сельва” (М.М.Дўст)га эргашишни танқид қилишди. Х.Дўстмуҳаммад ўз ижодий концепциясига шундай изоҳ беради: “Ёзганларим менинг дардларим, менинг изтиробларим. Мен тушунган, мени изтиробга солган оғирдан оғир туйғуларни, эҳтимол, бошқалар тушунмас? Ҳамма тушунган туйғуларни такрорлаш

эмас, уларни ўзимча талқин этиш мен учун қизиқарли”²⁹. Адиб янги йўллардан юришга умидланиш, усул ичида усул топишда магик реализмдан фойдаланди. Ижодкор дунёқарашида диний эътиқод, илоҳий мазмун-моҳиятга эга тушунчалар айрича аҳамият касб этиши ижодида етакчи тамойилга айланди. Натижада Х.Дўстмуҳаммад ижодига хос индивидуал хусусиятлар икки хил йўналишнинг синтезидан ҳосил бўлгани кузатилади: а) диний-маърифий оҳангни рамзлар воситасида асар тағматнига жойлаш. Адиб қиссаларида ўз мақсадини, айтмоқчи бўлган фикрларини Қуръон оятлари, ҳадислар билан асослайди. Диний-маърифий тафаккур асосида адашиш ва яратишларга қодир инсоннинг муқаррамлигини рамзий ифодалайди. Бу эса ёзувчининг диний ва дунёвий илми мукамаллигидан далолат беради; б) қаҳрамоннинг онг ости ҳолатини тасвирлаш, ўзбек адабиётида онг оқими ифода усулини ғарб адабиёти анъаналари асосида янгилаш ва ифодалашда акс этади. Қиссаларида инсоннинг онги, тафаккури бадий асар учун мазмун ва шакл, макон ва замон вазифасини бажаради. Китобхон қаҳрамон билан эмас, балки унинг “тафаккури” билан мулоқотга киришади, унинг тафаккур жараёнидаги ҳолатлари тадқиқ этилади. Инсонни ўзини ўзи англаш жараёни, айни паллада юз берадиган иқрорлар, таскин, юпанч, оқловларда қаҳрамон тобланади, товланади. Ёзувчининг асосий мақсади жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни танқид қилишдан кўра инсонни, унинг руҳий кечинмаларини тадқиқ этишда кўринади.

Хуршид Дўстмуҳаммад қиссалари таҳлилига киришишдан олдин адиб ижодий фаолиятини кузатиш мақсадга мувофиқ.

²⁹ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. – Т.: Mumtoz so‘z, 2011. – Б. 309.

Адиб, журналист, олим, таржимон Хуршид Дўстмуҳаммад 1951 йилда Тошкентда туғилган. Биринчи ҳикояси 1981 йилда “Гулистон” журналида босилиб чиқди ва биринчи китоби “Ҳовли этагидаги уй” 1989 йилда нашр этилди. Биринчи қиссаси “Нигоҳ” 1987 йилда “Ёшлик” журналида чиққан. Кейинчалик “Жажман”, “Қазо бўлган намоз”, “Ҳижроним мингдир менинг”, “Беозор қушнинг қарғиши” (2006), “Бозор”, “Қиссалар” (2011) каби бадиий ва “Озод изтироб қувончлари” (2000), “Ижод – кўнгил мунавварлиги” (2011) публицистик асарлари чоп этилган. “Бозор” романи, “Озод изтироб қувончлари”, “Ҳижроним мингдир менинг” китоблари учун 2000 йилда “Офарин” мукофотини олди. Таржимон сифатида Рюноске Акутагаванинг “Расёмон дарвозаси” ҳикоясини, Франц Кафканинг “Хукм” ҳикоясини ва Темур Пўлатовнинг “Етти ҳузур-ҳаловат ва қирқ қайғу-алам” романини рус тилидан маҳорат билан таржима қилган. Ёзувчи Катта адабиёт вакиллари: Э.Хемингуей, Ф.Достоевский, А.Камю, М.Пруст, Р.Акутагава ва Эдгар По асарлари ўқувчиси. Жаҳон адабиётини ўрганиш ва ижодий таъсирланиш асосида Ф.Достоевскийнинг ёзувчи ва оддий инсон сифатида маънавий қиёфасини акс эттирувчи “Ёлғизим – Сиз” ҳикоясини, Эдгар Аллан По ҳақида “Ал-Аъроф” фожиасини, А.Камюнинг “Сизиф ҳақида асотир” асари мотивлари таъсирида “Донишманд Сизиф” романини ёзди. Адиб бадиий асарлар яратиш билан биргаликда адабиётшуносликка оид қарашларини акс эттирган мақола, ижодий портрет, очерк, суҳбат, лавҳа ва эсселар жамланмасидан иборат “Ижод – кўнгил мунавварлиги” тўпламинини яратди. Тўплам ижодкор истеъдодининг янги бир қирраси бўлди. Тўпламга миллий санъатимиз ривожига ўз истеъдодлари билан муносиб ҳис-

са қўшган ижодкорлар ва жаҳон санъат усталарини қахрамон қилиб танлайди, уларнинг руҳий олами, бадий ижод моҳиятини ўрганади ва ўрганганларини ўқувчига ўзгача услубда етказишга интилади. “Ҳақиқий қобилиятнинг туғилиши шу миллатнинг бахти, ифтихори эканлигини юракдан ҳис этиб куюнади. Чинакам ижодкорлар миллатнинг маънавий юксалишида ўта муҳим ва зарурий миссияни бажаришларини урғулайди”³⁰. Тўплам мутолаасига киришган ўқувчи адабиёт оламининг сир-асрорларини, буюк асарлар моҳиятини ёзувчи нигоҳи орқали қайта кашф қилади. “Инсониятнинг қисмати, умрининг мазмуни – ўрганиш. Ўрганиш йўлидаги ҳеч қандай саъй-ҳаракатни камситиш мумкин эмас, лекин бир ҳақиқат борки, уни инкор этиш қийин. У ҳақиқат жуда оддий ва жуда боқий: инсон дунёни ва ўзини ўрганиш учун энг катта, энг беқиёс, энг беҳисоб, энг беминнат бойлиги ва минг афсуски, энг... қадрсизи ҳам Инсон!”³¹ Ёзувчининг ижодий концепцияси муқаррам қилинган инсоннинг ички олами, сир-синоатини ўрганиш, ўзлигини англатишга бўлган интилишлар самараси эди.

Ёзувчи ижоди тадрижини кузатар эканмиз, унинг қиссаларидан олдин ҳикояларига тўхталиб ўтишимиз лозим. Боиси Х.Дўстмуҳаммад ҳикояларидаги ижодкор “мен”и, оламини бадий тадқиқ этиш ҳолати қиссалари билан муштараклик ҳосил қилади. Адиб “Киова қуёши”, “Қазо бўлган намоз”, “Қоялардан баландда”, “Жажман”, “Ибн Муғанний”, “Жимжитхонага йўл”, “Беозор қушнинг қарғиши”, “Жоди”,

³⁰ Тўлаганова С. Катта адабиёт орзуси // Жаҳон адабиёти. – Т.: 2012. №2. – Б. 173-176.

³¹ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. – Т.: Mumtoz soʻz, 2011. – Б. 3.

“Катта кўча” каби етук асарлари билан ўзбек адабиётида ҳикоя жанри ривожига салмоқли ҳисса қўшди. “Жажман”, “Жимжитхонага йўл” ва “Катта кўча” ҳикояларида асосий моҳият ёзувчининг ижодий кредоси бўлган рамзий тасвирлар орқали жамият ва инсоният олдида турган муҳим муаммоларни ёритади. Машхур санъатшунос Ортега-и-Гассет айтганидек, бир майсанинг униб-ўсишида бутун олам, бутун кинот иштирок этганидек, Х.Дўстмуҳаммад ижодий манерасининг шаклланишида барча катта-кичик асарлари муҳим ўрин тутаяди. “Жажман” ҳикоясини ёзувчининг ёшлик кузатишлари натижаси дейиш мумкин. Зеро, адиб таъкидлаганидек, “ижодкорнинг туғилиши, вояга етиши ва умуман, мавжудлигининг ўзи ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Чунки жамият ва халқ ҳаётига дахлдор воқелик унинг интеллектда мужассамлашади, марказлашади ва акс садо янглиғ ташқарига — жамият ва халқнинг ўзига қайтади”³². Болалиқдан ёзувчи характерида ҳамдардлик, ачиниш туйғуси кучли эди. Болалигида ўртоқлари билан мусобақа қилса, ким ютқазса унга кўпроқ ачинарди. Энг яхши кўрган ўйини “Қутқармачоқ” бўлган. Ёзувчи дунёни, одамларни ҳамдардлик билан қабул қилган. Адибнинг болалиги, ёшлик даврлари бозор билан боғланади, чунки отаси тиккан маҳсиларни сотиш унинг зиммасида эди. У бола нигоҳи билан бозорни, одамларни кузатади. Бу одамларни, жараённи кузатувчанлик, бозор тасвири адиб асарлари моҳиятида акс этади. Ёшлигида бозорда бир кампирнинг оиласини боқиш учун туршак сотаётганини бир неча марта кузатган. Бир куни ўрта ёшдаги барзанги харидор келган ва кампирнинг туршакла-

³²https://kh-davron.uz/kutubxona/xurshid-dostmuhammad-aytmishlari_va_fiqralar.html

рини тарозига тортмасдан, пулини ҳам тўламасдан текинга, зўрлик билан олиб кетган. Сотувчи кампир додлаганча, зор йиғлаб қолган. Бу воқеа бўлажак ёзувчини ларзага солган. Бозор ёзувчи учун инсоният суврати ва сийратини намоён этувчи макон. “Жажман” ҳикоясида инсон ва давр маънавий қиёфаси “бозор”да акс этади. Жажман биз яшаётган давр иллатларининг, маънавий кемтиклик ва ёвузликнинг рамзий тимсоли. “...ёзувчи миллат табиатидаги салбий хусусиятларни кўрсатади. Нафс орқасидан келиши мумкин бўлган фалокатлардан инсониятни огоҳлантиради”³³.

Ёзувчи “Ёқуб изкуварнинг ҳийласи” ҳикоясида давр ва инсон қиёфасини “бозор” тимсоли асосида ёритади. Ёқуб тўранинг янги “хунар”и икки ёшнинг бахтли яшаб кетиши учун оилаларда муштараклик, мослик бўлиши керак. Икки оиланинг туриш-турмуши, ҳаёт тарзи, феъл-атворини бозорда кузатади, хулоса чиқаради: “Олди-сотдининг устида ниқоблар йиртилади, йўқолади, йўқолмаса-да, одамнинг рўзғордаги, оиладаги ички қиёфаси яққолроқ кўзга ташланади”³⁴.

Бозор ёзувчи ижодида алоҳида аҳамият касб этади. *Бозор – олам, бозор – ёзувчи тафакқурида дунёнинг фалсафий жиҳатдан идрок этилиши, бозор – муносабатлар мажмуаси, бозор – тирикликнинг реал воқеликда намоён бўлиши, бозор – синов майдони, бозор – адабий макон, бозор – бадий мақсадни ифодалашда восита, бозор – романнинг сарлавҳаси, бозор – “Жажман” ҳикоясида воқелик кечадиган адабий макон, хронотон, Бозор – қисса қаҳрамонининг номи.*

³³ Сатторова Г. Миллий характер ва бадий талқин. – Т.: Фан, 2007. – Б. 58.

³⁴ Дўстмуҳаммад Х. Беозор қушнинг қарғиши. – Т.: Шарқ, 2006. – Б. 370.

Х.Дўстмуҳаммад “Нигоҳ”, “Паноҳ”, “Сўроқ”, “Ором-курси”, “Чаёнгул”, “Ҳижроним мингдир менинг”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз”, “Куза...” ва “Ёлғиз” қиссалари билан мустақиллик арафаси ва миллий истиқлол даври ўзбек қиссачилиги тараққиётига сезиларли ҳисса қўшди. Бу ҳолат танқидчиликда ижобий баҳолашиб, ҳозирги ўзбек адабиётининг жиддий ютуқлари қаторига киритилди. Чиндан ҳам, Х.Дўстмуҳаммад қиссалари ҳозирги ўзбек адабиётида катта ҳодиса бўлиб, реализм ва модернизм унсурлари ўзаро чаптишиб кетаётганлигини кузатиш мумкин. Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, “Донишманд Сизиф” романи ва кўпчилик қиссаларида мустақиллик даври ўзбек адабиётида реализм ва модернизм синтези энг яхши самаралар берганлиги кўринади.

Х.Дўстмуҳаммад қиссаларида воқеликни ўзгача идрок этади. Ғарб адабиётидаги баъзи бир тасвирий ифодаларни ўзбек насрида қўллаб, турли экспериментлар воситасида ҳам шаклан, ҳам мазмунан янги-ча талқин қилаётган ижодкорлардан ҳисобланади. Адиб қиссаларининг қаҳрамонлари оддий инсонлар бўлиб, уларнинг маънавий-руҳий қиёфаси ўй-хаёллари, онг ости кечинмалари, руҳий тўлғонишлари орқали ёритилади. Ёзувчи қиссаларига хос хусусият, қаҳрамонларнинг ҳаётида содир бўлган реал воқелик сабаб, уларда шахслик сифати, ўз-ўзини англаш, тафтиш қилиш, ўтган умрига, қилаётган ишларига, умрнинг мазмунига, яшашнинг мақсад-муддаоларига бўлган қарашларида ўзгариш юз беради. Воқеалар ривожиди адиб қаҳрамонлари кам гапиради, кам ҳаракат қилади, асосан воқелик ривожиди ва воқеликка муносабат қаҳрамон тафаккури (онги ости)да кечади. Сиртдан қараганда, сокин кўринган қаҳрамонларни ботиний зиддият ва изтироблар қийнай-

ди. Адиб қахрамонлари жамиятдан ҳеч нарсани даъво қилмайди, сабабни ўзидан қидиради, ўзини айблайди, ўзини тафтиш қилади, синиқ, оғир-босиқ, ўйлайдиган ва ўйлатадиган инсонлар.


Қиссаларнинг мавзу ва услуб ранг-баранглиги ёзувчи жамиятнинг илғор журналисти, сиёсат оламининг билимдони, илмда олимлик мақомига етишганлигининг натижаси дейишимиз мумкин. Адиб суҳбатида буни алоҳида таъкидлайди: “Лекин яна бир ҳақиқатни айтай: сиёсат олами ёзувчига шу қадар кўп ижодий мавзу берадики, башарти мен, дейлик, шу оламини кўрмай-нетмай ижод билан машғул бўлиб юрганымда жуда-жуда кўп ҳақиқатларни билмай-нетмай яшаган, ёзсам – билмай-нетмай ёзган бўлар эканман... Бу борада, сиёсат ижодкор учун кони фойда...”³⁵

Х.Дўстмуҳаммаднинг ижодий манераси, асар яратишдаги ўзига хос услуб ва янгиланишларни, мустақиллик даври адабиётига қўшган улушини ёрқин ифодалаш мақсадида қиёсий-типологик таҳлил асосида адиб қиссаларини таҳлил қилишни мақсад қилдик. Бадиий яратилганнинг ўзаро таъсир типологияси ҳам муҳим аҳамиятга эга ва бадиий жараёни таҳлил қилишга ҳисса қўшади.

Қиёсий-типологик таҳлил имкониятлари доирасида уч миллат вакили, уч хил ижтимоий муҳитда ижод қилган, уч хил ижодий методда асар қоралган, уч хил ижодий манерага эга бўлган ижодкорларнинг севги мактублари асосига қурилган немис ёзувчиси И.В.Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” (1774) асари, рус ёзувчиси Ф.М.Достоевскийнинг “Камбағаллар” (1844) романи ва ўзбек ёзувчиси

³⁵ http://www.nurzamon.uz/article_view.php?id=504. Абдулкарим Баҳриддин суҳбатлашди.

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ҳижроним мингдир менинг”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз” (1996-2010) қиссаларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.



Тадқиқот объекти сифатида қисса ва романларнинг танланиши қиёсий-типологик таҳлил имкониятларининг кенглигидан далолат беради. Таҳлил жараёнида асосий эътибор адабий таъсир, танланган мотив ва туйғулар тасвирига қаратилади.

Типологик таҳлил кузатувчининг тийрак нигоҳи бадий яратикнинг сирли томонларини, яширин қирраларини очиш имкониятига эга бўлади. “Тринар – учлик типология бўлиб, бинар типологияда кўрилмаган жиҳатлар – муштаракликлар очилиши, ҳатто пайдо бўлиши мумкин. “Ҳиссий нарсалар моҳияти учбурчакдир” (Платон)”³⁶. Таърифдан шундай хулосага келиш мумкинки, тринар типологиянинг имконияти кенг.

Х.Дўстмуҳаммад жаҳон адабиётининг етакчиларидан рус адиби Ф.Достоевский услубий изланишларига ўхшатма тарзида мактублардан иборат “Ҳижроним мингдир менинг” ва унинг мантиқий давоми бўлган “Мен – сенсиз, сен – менсиз” қиссаларини яратди. Жаҳон адабиётининг нодир дурдоналаридан бири бўлган Ф.Достоевскийнинг “Камбағаллар”

³⁶ Сувон Мели. Сўзу сўз. Тринар типология. – Т.: Sharq, 2020. – Б. 263.

романи каби Х.Дўстмуҳаммаднинг бу қиссалари ҳам хатлар асосига қурилган. Ҳозирги глобаллашув, технология ривожланган, инсонлар тинимсиз ҳаракатга, уйғоқликка чорланаётган замонда ижодкор инсон қалбида кечаётган изтиробларга асосий эътиборини қаратади. Инсон ўзини англаса, яшаш моҳиятини англаб етади деган ақидага амал қилади. Адибнинг: “Яратилган ҳар бир бадиий асар воқеалари, сюжети, фалсафаси – бари энг эзгу ва энг улуғ мақсадга – инсонга муҳаббат таҳлилига хизмат қилади”³⁷ ғояси барча асарларида ўз тажассумини топади. Ф.Достоевский ўз даврининг ижтимоий муаммоларини Макар Деушкин ва Варвара Алексеевнанинг мактубларида руҳий кечинмалар воситасида ёритади. Асардаги ҳар бир образда ёзувчининг нияти, мақсади, муносабати, дунёқараши акс этади. Х.Дўстмуҳаммад мактубларида инсоннинг олий қадрият эканлиги, унинг инсонлигини белгиловчи соф илоҳий ва заминий муҳаббатнинг тараннуми, куч-қудрати, икки қалб (Жондил ва Дилдўст) ошуфталигини мусаввир каби маҳорат билан тасвирлайди, ҳассослик билан мадҳ этади. Муаллиф муҳаббатдек покиза, бокира, тоза ҳис-туйғусини ҳар нарсадан устун кўювчи рассом йигитнинг дардларини қоғозга муҳрлашга ҳаракат қилади. Қиссаларда салбий туйғунинг ўзи йўқ, фақат самимий, покиза туйғуларга йўғрилган идеал қаҳрамонларни яратди. Энг гўзал туйғу меҳр эканлигини асослайди, нозик туйғулар ва кўнгил розларини мактубларда жамлайди. Инсон руҳиятида кечаётган инжа ҳисларни инсонга хатлар орқали етказди. Худди Ф.Достоевский сингари Х.Дўстмуҳаммад ҳам ўз қаҳрамони айта ол-

³⁷ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. – Т.: Mumtoz so'z, 2011. – Б. 260.

маган эзгин туйғулари, кўнгил изҳори ифодасида мактуб усулидан ўринли фойдаланади. “Ҳижроним мингдир менинг” қиссаси сўзбошисида адиб шундай ёзади: “Инсон қалбининг энг нозик, энг дахлсиз, энг эрка туйғуси – муҳаббат! Ёзма ижоднинг энг самимий, энг сирли ва энг жозибали шакли эса – мактуб. Муҳаббат жозибаси-ю, сеҳрини баён этишда мактубдан кўра қулай ва табиий шакл йўқ”³⁸. Қисса қаҳрамони ўз мактубларига қуйидагича изоҳ беради: “Хат кўнгил кўприги, бу кўприк икки киши учун бунёд этилади, унга шу икки кишидан бўлак ҳеч ким қаддам босмайди ва унга бегона назар ҳам тушмаслиги керак. Чунки икки кўнгил тўридаги энг бокира, энг эрка орзу-армонлар ушбу кўприк – мактуб воситасида йўлланади”³⁹. Ф.Достоевский “Камбағаллар” романини 24 ёшда ёзган эди. Роман ҳали эълон қилинмай туриб қўлма-қўл бўлиб кетади. Белинский романини ўқиб, “Ўзингиз сезмаган ҳолда ижтимоий иллатни фош этиб ташлабсиз”, дея ҳайратини яширолмайди. Улкан танқидчининг назаридаги ижтимоий иллат инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббатнинг йўқолиб бораётганида эди. “Соф инсоний меҳр-муҳаббатга, меҳр-мурувватга муҳтож жамиятни ҳалокат ёқасидан фақат мана шундай қалб гўзаллигигина қайтариши мумкин эди”⁴⁰. Мана шу моҳиятни биз Х.Дўстмуҳаммад қаҳрамонлари нутқида ўқиймиз: “Агар ҳар бир одам кимгадир сиз ва мен каби кўнгил қўйса эди. Кўнгил қўя олса эди – бутун инсоният қавми орасидаги гина-қудуратлар, ихтилофлар барҳам топарди. Чунки, оламини оқ рангларда меҳр кўзи билан кўра

³⁸ Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Ҳижроним мингдир менинг. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 330.

³⁹ Кўрсатилган манба. – Б. 331.

⁴⁰ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. – Т.: Mumtoz so'z, 2011. – Б. 259.

олган инсон нигоҳида иллат қолмайди”⁴¹. Ф.Достоевский эса “тавқи лаънатга учраган худо беҳабар оилаларда меҳр-муҳаббат бўлмайди... Муҳаббатдан бенасиб жойда фаҳм-фаросат ҳам йўқ...” деган бадий ҳукми “Камбағаллар” романига сингдиради. Х.Дўстмуҳаммад инсонни самимий ва беғараз сева олиш, муҳаббатнинг юксалиши қалб покизалиги билан эканини англатувчи романга ҳамоҳанг муҳаббат қиссаларини яратди. Адиб қиссалари насрда ёзилган бўлса ҳам, назмий туйғулар симфониясини тинглаймиз. Қаҳрамонлар характери, ҳис-туйғулари, кечинмалари, табиат тасвирлари, воқеа-ҳодисалар моҳиятини англатишда лирик тасвирларнинг қўлланиши – ёзувчи маҳоратидан далолат. Ёзувчининг бу қиссалари инсоннинг нозик туйғулари тараннумига бағишланган бўлиб, уларнинг мавзуси – изтироб, қаҳрамонлари эса – муҳаббат.

Ёзувчининг мактублар асосига қурилган иккита қиссаси анъанавий ва ноанъанавий услубнинг синтези асосида яратилган. Қиссада ҳолат, кайфият, туйғулар жунбиши, ҳиссиёт оқими, қалб кечинмалари қаҳрамон онги, тафаккурида аксланади ва ички монолог сўз орқали мактуб шаклида битилади. Ошиқлар қалби фақат мактубларда суҳбатлашади, тушда учрашади. Воқеалар ривожини эса мактуб алмашилиши жараёнидаги қаҳрамонлар туйғулари билан боғлиқ ҳолда кечади. Қиссада мўъжизакор туйғу бўлган муҳаббатнинг қудрати, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати на кўнгил майли, на орзу-ҳаваслар билан ҳисоблашиши, икки севишган қалбнинг дил изҳори армонли муҳаббати мактубларда акс этади ва илоҳий муҳаббат тараннум этилади, улуғланади.

⁴¹ Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Ҳижроним мингдир менинг. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 361.

Зеро, ислом илмининг машхур олими Абу Ҳомид Газволий талқинига кўра, илоҳий муҳаббат инсоний муҳаббатнинг ривожланиб, камол топган кўринишидир. Мустамлий Бухорий ўзининг “Шарҳ ат-таъриф” китобида “Муҳаббат – ҳам Худонинг бандалари ўртасида ҳамда банда ва Ҳақ ўртасида юз берадиган ҳолат” дея изоҳлайди. Асарда заминий муҳаббатнинг даражаси осмоний муҳаббат (илоҳий)га юксалишини ошиқ қалбларнинг Соғинчидан илғаймиз. “Асардаги асосий мотив ошиқларга хос соғинч бўлиши керакдек, лекин бир қарашда бундай эмас, балки асарнинг Жаҳоний Соғинч ҳақида эканлигини турли ишорат, рамзлардан билиб оласиз”⁴². Қиссага эпиграф қилиб Машраб ижодидан: “Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг” мисрасининг танланиши бежизга эмас. Чунки икки қалбнинг самовий муҳаббати, жаҳоний соғинчи фақат мактубларда қолди. Асар қаҳрамони ошиқ йигит – рассом, инсон руҳиятининг кашшофи. Шунинг учун ранглар асосий маъно ифодаловчи восита. Қаҳрамон оқ рангни ёқтиради. Оқликка ошуфта йигит. Оқ ранг – тозалик, поклик тимсоли. Саҳобалардан бирининг айтишича, иймон қалбда оқ нуқта бўлиб кўринади. Иймон (қуввати) ошса, оқлик ҳам зиёдалашади. Қаҳрамон дунёни, одамларни фақат ва фақат оқ тусда кўришга одатланди. Йигит ва қиз дунёқараши, қалб ойнаси, инсоният ва жамиятга бўлган муносабатини уларнинг бир-бирига йўллаган дил изҳорларидан илғаймиз. Қиздан садафдек оппоқ нур таралишини фақат йигит сезади, ҳис қилади. Ислом илмининг нуктадоли Маҳмуд Аъсад Жўшон “Аллоҳ бир қулини севди-ми, уни севгисига лойиқ ҳолга келтиргайдир. Пок-

⁴² Тўлаганова С. Катта адабиёт орзуси // Жаҳон адабиёти. – Т.: 2012. №2. – Б. 173-176.

лагай, гуноҳлардан тозалагай, ғафлатдан поклагай, жаҳолатдан поклагай, ичини нурлантиргай, қалбини нурлантиргай”⁴³ дея муҳаббатнинг илоҳийлигига далил келтиради. Йигит маъшуқасида илоҳий хислатларни кўради, ҳис қилади. Унга “Парвардигор ато этган гўзаллик”, “Илоҳий хилқат”, “Дуру жавоҳирнинг асили” дея таъриф беради ва ҳайратланади: “Илоҳий хилқат суратида яратиб, бандалари орасига тушириб қўйилгансиз-у, ҳеч бир кас кўнгил кўзини очиб сизга қарамаган, сезмаган. ...Сиздаги шу илоҳий тароватни илғаш, ундан баҳра олиш ёлғиз менгагина насиб этса.. ”⁴⁴. Бу йигитга Яратганнинг инояти, инъоми эди. Адабиётшунос олим И.Ҳаққул “кўнгил кўзи” иборасининг тасаввуфий талқинларини шарҳлайди: “Мутасаввуф Имом Ғаззолий инсоннинг зоҳирий – ташқи кўзига муқобил бир ботиний – ички кўзи ҳам бор бўлиб, унга “қалб кўзи”, “маънавий кўз” дейилади, деган фикрни баён этган”. “Зумар” сура-сида “Оллоҳ мушоҳадаси учун Сизга Роббингиздан кўнгил кўзлари (басар) келмишдир. Ким шу кўзлар ила кўрса ўзига фойда, ким кўр бўлса, ўзига зиён”⁴⁵. Берилган мулоҳазалардан англашиладики, муҳаббат улуг туйғу ва уни фақатгина қалб кўзи очиқ инсонгина ҳис қилади, кўра олади. Бу туйғу Яратганнинг инсонга буюк ва илоҳий инояти, эҳсонидир. Қиссада “...ҳамма бирдек англаган ҳақиқатлардан-да юксакроқ, муқаддасроқ ҳақиқат бор. Бу олий самовий ҳақиқатни кўра олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Уни икки қалб туташган лаҳзалардагина кўриш мумкин... Қалб жавҳарларининг яқинлигидан кўн-

⁴³<https://kh-davron.uz/kutubxona/islomiy-adabiyot/tasavvuf/mahmud-asad-joshon-haqiqiy-sevgi.html>

⁴⁴ Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Ҳижроним мингдир менинг. – Т.: Шарқ, 2011. – Б.334.

⁴⁵ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. –Т.: Фан, 2007. – Б. 94.

тил кўзи очилади..."⁴⁶. Ёзувчи оддий ишқ ҳавасини эмас, балки Олий ишқ, Оллоҳ ишқи, қалб кўзи очиқ инсонларга насиб бўладиган ишқни назарда тутлади. "Қалб латифдир. Агар у солиҳ бўлса, қолган барча тавбаҳолатлар ислоҳ топади"⁴⁷. Қалб поклиги ва қалб кўзи очиқ бўлиши бу комилликнинг белгиси. Комиллик эса Шахс демакдир. Қиссада ошиқликнинг рутбаси нечоғлик баланд эканлигини ўқиймиз: "Юксак туйгуларга муносиб яшамоқ учун руҳ юксалмоғи керак. Руҳнинг юксаклиги таннинг латифлигидан қувват олади"⁴⁸. Нажмиддин Комилов: "Инсонни Илоҳ оламига боғлайдиган жавҳар – руҳдир. Агар Илоҳ оламини билмоқчи бўлсангиз, инсонни, яъни ўзингизни ўрганинг, ўзингизни танинг. Инсоннинг қалби, руҳи, кўнглини билиш, кашф этиш воситасида Парвардигорнинг сифатлари, мўъжиза – кароматлари, илму ҳикматини кашф этиш мумкин. Худони англаш, таниш, инсонни англаш ва таниш орқали кечади"⁴⁹. Ҳадисда айтилганидек, "Кимки ўзини таниса, Раббисини танийди".

Бутун борлиқ муҳаббат, оила қуриш, авлодлар давомийлиги қонуниятига амал қилади. Дарҳақиқат, инсон барча яратикларнинг мукаммали. Муқаддас китобда Холиқ "Дарҳақиқат, биз инсон фарзандини улуғладик" дейди. Муҳаббат, Соғинч изтиробининг ортиб бориши инсонни илоҳий юксалтиради, яратувчи томон яқинлаштиради. Қиссада ошиқ йигит:

⁴⁶ Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Ҳижроним мингдир менинг. –Т.: Шарқ, 2011. – Б. 348.

⁴⁷ Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихёю Улумид дин. –Т.: "O'zbekiston", 2019. – Б. 58.

⁴⁸ Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Ҳижроним мингдир менинг. –Т.: Шарқ, 2011. – Б. 341.

⁴⁹ Комилов Н. Тасаввуф. –Т.: Movarounnahr-O'zbekiston, 2009. – Б. 257.

“Ёзишмаларимиз нарвон янглиғ бизни арш чаманзорларига олиб чиқади. Бу оппоқ самимият, тонгдек беғубор, норасида гўдак нафаси янглиғ ҳалоллик нарвони бўлади...”⁵⁰ дейди. Арш – Аллоҳ таоло томонидан халқ қилинган нарсаларнинг энг улуғидир. Аршнинг етти осмондан ҳам кенглиги яратган Холикнинг қудратига далилдир (*Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф тафсири -А.Э.*). “У, Арш эгаси ҳамда қадри улуғ зотдир” (“*Буруж*” сураси, 15 оят). Арш фақат Аллоҳгагина хос. Ошиқ муҳаббати покланиш йўли эканига иқрор, ўз ишқида собит ва Аллоҳ Арши чаманзорларига орзуманд. Пайғамбаримизнинг “Киши севган кишиси билан жаннатда бирга бўлгайдир” ҳадиси ошиқнинг Жаҳоний Соғинчига таскин, умид беради.

Соғинч изтиробидан оловланган қалблар учун учрашув хронотопи тушда кечади. Туш мотиви ёзувчи бадийий ниятининг қулфи. Тушнинг моҳиятини, калитни қаҳрамонлар дилидан уқиб оламиз: “Бола, йўқ, ёғду тўла тонгни етаклаган жувон – Сиз. Қиш тонгидан оқроқ, қор жилвасидай тоза ниятлар етаклаган фаришта – Сиз. Қирчиллама қиш тонгида ҳаяжондан энтикиб, вужудидан тер қуяётган йигитнинг тирик соғинчи – Сиз”. “С...с..”, салом беролмайман. “С..с-салом”га жуфтланган лабларим орасидан “С...с-соғиндим” деган сўз чиқишини, бундай демаслик учун иродам, қурбим етмаслигини тушунаман”⁵¹. Қаҳрамонлар руҳиятини янада ёрқинлаштириш, самовий муҳаббатнинг заминий муҳаббат билан омухталиги учун ҳаётий асослар берилади. Меҳр-муҳаббатнинг қудрати, кўнгил майлига қулоқ солган ўн уч ёшли

⁵⁰ Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Ҳижроним мингдир менинг. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 359.

⁵¹ Кўрсатилган манба. – Б. 356.

бола изтироблари, ўн уч ёшли қиз кузатишлари, эгасини йўқотган итнинг ҳолатларида акс этади.

Қиссада муҳаббатнинг даражаси заминдан осмонга қадар юксалади. Муҳаббат – ошиқлар қалбига Яратганнинг энг буюк тортиғи эди. Шунинг учун ҳам уларнинг дийдори илоҳий дийдорга, илоҳий тақдирга айланади:

*“Бизнинг дийдоримиз – энг буюк ато.
Бизнинг дийдоримиз – илоҳий тақдир...
Ахир иккимизга зор эди дунё
Севги нималигини билмоқлик учун!”⁵²*

Қалб изтироблари, кўнгил кечинмалари, тақдир инъоми ва тақдир битигидан қаҳрамон шундай хулосага келди: “...висол – ҳаловат, бироқ висолда Соғинч бўлмайди, Соғинч – ҳижронда, ҳижронда – изтироб, изтиробда эса муҳаббат!..”⁵³

“Ҳижроним...”нинг мантиқий давоми “Мен – сенсиз, сен – менсиз” қиссасида муҳаббатнинг қудрати, соғинчнинг дил ўртовчи олов тафтини йигитнинг монологларида ўқиймиз, яъни ошиқ изтиробларининг алангасига асосий эътибор қаратилган. Қаҳрамон туйғуларининг тафти китобхонни покланишга чорлайди: “Мактублар мутолааси кўнгилдаги ўша ёшлик ва жўшқинлик даври изтиробларини янгилайди. Изтироблар қанчалик армонли бўлмасин, у туйғуларни, туйғуга қўшиб инсоннинг ўзини янгилайди, ёшартиради, баҳор ёмғири янглиғ шуурини ювади, беғуборлаштиради”⁵⁴.

⁵² Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Мен – сенсиз, сен – менсиз. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 434.

⁵³ Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Ҳижроним мингдир менинг. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 381.

⁵⁴ Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Мен – сенсиз, сен – менсиз. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 385.

Ошиқ йигит бизни муҳаббат номли вужуд аъзоси борлигига ишонтиради: “Вужудимда тиббиёт олами учун номаълум бўлган аъзо пайдо бўлганини кашф қилдим. Ўша номаълум аъзо худди бош мия ва юрак сингари вужудимдаги энг муҳим аъзолардан бирига айланди. Бу аъзонинг номи МУҲАББАТ эди”⁵⁵. Муҳаббат қалби уйғоқ инсонларгагина насиб қиладиган илоҳий туйғудир. Диний манбаларда қалб аъзоси борлиги асосланган. “Қалб деганда кўкрак қафасига қамалган бир парча этни назарда тутмаяпмиз. Қалб – амр-фармон оламининг сиридир. Маҳлуқот оламидан бўлган парча эт эса, қалбнинг арши, кўкрак унинг курсиси, бошқа аъзолар унинг салтанати. Яратиш ва буюриш ёлғиз Аллоҳгагина хосдир”⁵⁶. Илоҳий қудратни таниган шахсгина қалб аъзоси борлигига иймон келтиради. Имом Ғаззолий бу ҳолни қуйидагича изоҳлайди: “Фақат кўз кўриб, ҳислар сезадиган нарсаларнигина тасдиқлайдиган бўлиб қолишдан сақлан. Сен инсонни ҳайвондан ажратувчи илоҳий сирга эгасан. Бу сир осмонларга, ерга ва тоғу тошларга ошкор этилганида улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўрқдилар. Бешта сезги оламидан ташқаридаги нарсаларни идрок қилиш инсонни ҳайвондан ажратувчи ўша сир оламидагина мавжуд. Кимки бу ҳақиқатни унутса, уни эътиборсиз ташлаб қўйса, ҳайвоний даража билан қаноатланиб, моддиятдан нарига ўтмаса, демак, у ўзлигини ўлдирибди”⁵⁷. Яратганни таниш – унга муҳаббат қўйиш, унинг ишқида ўзликдан кечиш – покланиш, унинг қудратига иймон келтириш – ўзлигини танишдир.

⁵⁵ Кўрсатилган манба . – Б. 388.

⁵⁶ Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихйой Улумид дин. “O‘zbekiston”, 2019. – Б 58.

⁵⁷ Кўрсатилган манба . – Б. 65.

Соғинчни қиёматли дўстим, иним, синглим, акам... онам – жигаргўшам дейди. Соғинч изтироби дилни ўртаган лаҳзаларда “...Кўриш, дийдорлашиш насиб этса Сени кўрмаган, сенга етишолмаган кунларим, дақиқалар ҳисобидан соғинаётган бўламан. Сени ичимга яшириб қўйсам ҳам, ўзим ичингга кириб, яшириниб олсам ҳам соғинаман!”⁶⁰. Ошиқ хаёл кишиси, у хаёлларига топинади. Муҳаббат саройини хаёллари ипидан тўқилган олтин саройга ўхшатади. Ёзувчи қиссаларда ҳар бир детал, нарса-буюм, ранг, ҳарф, тиниш белгиларни ҳам икки қалб Соғинчини, Соғинчининг изтиробларини ифодалашга, ўқувчига юктиришга хизмат қилдиради. Қаҳрамонлар туйғуларини ифодалашда сўз, ифодалар ожизлик қилган пайтда тиниш белгилар ёрдамга келади:

–

– ...-...?

–

– Мен Соғиндим.

– Сен-чи ?

– Мен ҳам сизни Соғиндим!

Соғинчининг тафти шунчалик куйдирадигани, буни биз калит сўзнинг доимий равиш бош ҳарфда берилиши ва қаҳрамоннинг сўзни қандай талаффуз қилишидан ҳис қиламиз. Қаҳрамон бу сўзни изтироб ва муҳаббат билан ифода этаётганини ёзувчининг тиниш белгига сингдирган маъносида илғашимиз мумкин. *Соғинч?????!!!!*

– *Қаердасаанн?????!!!!*

“Бешликнинг ҳар бир тартиби, сониди соғинчининг даражаси юксалиб боради. Ердан кўтарилади. Ҳар бир сўров, ҳар бир ундов коинотга кўтарилиш учун пиллапоя. Ёзувчи баъзи ўринларда кўнгил кечмиши

⁶⁰ Кўрсатилган манба. – Б. 403.

ниҳорини тиниш белгиларига юклайди”⁶¹. Тиниш белгиларнинг шакли ва сони ҳам муҳаббатга ишора, севгининг ифодаси. Ошиқнинг Соғинчи – севги, излагани, топингани – севги!

Соф инсоний туйғулар тасвири шеърларда акс этади. Меҳр, муҳаббат, армону соғинч изтиробларига йўғрилган Бахтиёр Ваҳобзоданинг шеъридан таъсирланиб қиссани номлайди.

*Энди на СЕН – СЕНСАН,
На да МЕН – МЕНМАН!..*

Мактублардан иборат бу қиссалар ёзувчининг ўзи эътироф этганидек, ошиқларнинг жуда катта қисмати, тақдирини акс эттирган романнинг “сочмалари” эди. Мактублар ошиқнинг кардиограмма аппаратида суратга туширилган юрак зарбалари. Муҳаббат, изтироб, Соғинчга ошно қалблар боқийлик умиди билан яшаётгани қиссанинг якунида тиниш белгиларида акс этади.

Ф.Достоевскийнинг “Камбағаллар” романи қаҳрамонлари оғир ижтимоий шароитдан азият чеккан, бир-бирига интиқ, бир-бирига маънавий мадад бўлиб яшаётган ўрта ёшдаги муштипар инсонлар. Маккар Девушкин хатлари меҳр-муҳаббатга тўла. Унинг Варенкасига соф ва самимий меҳрни хатларида мурожатининг ўзида туямиз: “Менинг бебаҳом...”, “Марҳаматли маликам...”, “Азизим...”, “Мусичаи безаволим...”, “Кабутарим...”, “Онажоним...”, “Меҳрибон маликам...”, “Фариштам...”, “Кабутаргинам...”, “Мурувватли малика ва самимий дўстим...”, “Меҳрибоним...” “Онажон, Варенька, кабутарим, бебаҳом”. Варвара Алесеевнанинг хатлари эса “Муҳтарам жаноб...”, “Марҳаматли жаноб...”, “Қимматли...”, “Қадрдоним...”, “Мурувватли

⁶¹ Тўлаганова С. Катта адабиёт орзуси // Жаҳон адабиёти. – Т.: 2012. №2. – Б. 173-176.

жаноб...”, “Меҳрибон...”, “Қадрли...”, “Хурматли...”, “Азиз дўстим...”, “Дўстим...”, “Бебаҳо дўстим...” мурожаатлари билан бошланади. Хат бошланмаларнинг ўзида бир-бирига интиқ, интизор, бир-бирини қадрловчи, ижтимоий муҳитдан азият чекиб яшаган икки қалб туғёнларини ўқиймиз. Уларнинг хатларида жўшқинлик, ёшлик эҳтирослари ва қайноқ муҳаббатдан йироқ бўлган соф, самимий қалб кечинмалари тасвирланади. Мактубларининг ёзилиш саналари хронологик кетма-кетликда баён этилади. Қаҳрамонларнинг ўй-хаёллари ва воқеалар баёни қоришиқ ҳолда ҳаракатланади. Қиссаларда эса қаҳрамон тафаккурида кечаётган жараён аксланади. Йигит ва қизнинг мактублари қачон ёзилди, хат ташувчи воситачи ким, ижтимоий фаолияти, моддий дунёси тафтиш қилинмайди, уларнинг маънавий дунёси, тафаккур оламидаги жараёнлар диққат-эътиборда бўлади.

Романда реал шароитдаги реал қаҳрамонлар ҳаёти бутун тафсилотлари билан ёритилади. Ёзувчи моддий олам, ижтимоий муҳит танглигига диққатни қаратади. Макар Девушкин ижара уйда яшайди, моддий аҳволи танг бўлса ҳам Варенкага ёрдам беришни, у учун яшашни, меҳнат қилишни хоҳлайди. Варвара касалманд, қисмати аянчли кечган аёл, ёлғиз суянчиғи, меҳрибони Макар Девушкин. Варвара ҳаётида кўп йўқотишлар бўлган, тақдир бошига кўп синовларни солгани учун келажагидан кўрқиб яшайди: “Келажагимга назар ташлашга юрагим бетламайди”. Варваранинг ёшлиги аянчли ўтган. У ўн уч ёшгача бахтли яшаган. Отасининг омадсизликка юз тутиши, қайғу-ҳасрат ичида соғлиғи ёмонлашиб, бир зумда жон бериши, онасининг касалликка чалиниб қолиши, уй-жойсиз танг аҳволда Анна Феодоровниккига кўчиб келиб, унга қарам бўлиб қолиш

ноқеалари, талаба Покровский билан дўст бўлиши, унинг аянчли тақдири, илк дўстининг ўз қўлида жон бериши, омадсизлик, касаллик, иқтисодий танглик уларнинг доимий ҳамроҳига айланиши, онасининг касаллик туфайли вафот этиши каби синовлар уни қолдан тойдирган. Макар Девушкин томонидан кўшни ижарада яшовчи Горшковнинг оиласи ҳақида ҳикоя қилинади. Инсоннинг қанчалик метин ирода эгаси ва ҳар қандай шароитга ҳам кўникиб яшаб кета олишини ва айни дамда инсоннинг муҳит қурбони бўлишини Горшковнинг оиласи тимсолида кутатамиз. Учта фарзанддан битгаси ўлди, сабабини билишмайди, онанинг кўзига ёш келмайди, “биттасидан қутулганига хурсанддир” деган хаёл кезади қаҳрамонда. Горшков оқланди, қийинчиликлар туғади, оиласини тиклаб олиши мумкин, лекин ўша кунининг бу қувончини юраги кўтаролмади: дам олишга ётди-ю қайтиб уйғонмади, жимгина бу бевафо дунёни тарк этди.

Макар Девушкин Варварани деб қулоғига қарзга ботди. Варвара: “...беихтиёр менинг жонибимдан бошингизга тушган шунча мусибатлардан кейин, ҳозир ҳам фақат менинг севинчларим, менинг ҳасратларим, менинг юрагим билан яшаётганингизни кўриб, қандай чидаб тураман”⁶². Уй эгаси қарзни рўқач қилиб унга кун бермайди, атрофдаги танишлари унинг Варенка билан муносабатини сезиб қолишган, хатини ўқишган, унинг устидан масхаралаб кулишади; об-ҳаво совуган, унинг устида на иссиқ шинели, на оёғида этиги бор. У шунчалик ғарибки, ҳеч ким унга ёрдам беришни хоҳламайди, ундан ҳазар қилади: “Камбағаллар инжиқ бўлади – табиат уларни шунақа қилиб яратган... камбағал одамнинг

⁶² Достоевский Ф.М. Камбағаллар. – Т.: Davr press, 2011. – Б. 105.

эски латтачалик ҳам қадри йўқ, ҳеч ким уни ҳурмат қилмайди, назарига ҳам илмайди... ”⁶³. Шундай танг ҳолда у ичкиликка берилади ва бу унинг Варварасидан айрилишига сабаб бўлади. Варвара тақдирга тан беради: “Бадбахтлик – юқумли касаллик. Янада кўпроқ юқиб қолмаслиги учун бадбахтлар ва камбағаллар бир-биридан узоқроқ туришлари керак. Мен сизга шундай бахтсизликлар келтирдимки, сиз ўзингизнинг ғарибона ва танҳо ҳаётингизда илгарилари ҳечам бунақасини бошдан ўтказмагансиз. Булар бари мени қийнайди ва ҳалок этади”⁶⁴.

“Ёш Вертернинг изтироблари” романида Вертернинг севги изтироблари ва қалб кечинмаларини дўстига ёзган мактубларидан билиб оламиз. В.Гёте романининг Ф.Достоевский ва Х.Дўстмуҳаммад асарларидан фарқли томони мактубларда фақат ошиқ (Вертер)нинг муҳаббати ва изтироблари акс этади, яъни мактубларнинг барчаси Вертер томонидан ёзилган Гётенинг ички тўлғонишлари ва қалб оғриқлари эди. Шарлоттанинг Вертерга муҳаббати ҳақида гапирилмайди. Қизда муҳаббатнинг сурати ва сийратини кўз қараши, ўзини тутиши, эътибор, эъзоз ва муносабатларда илғаймиз. Вертер кечинмалари оддий бир тасодиф ёки соф индивидуал кечинма сифатида эмас, балки ижтимоий муҳит ва шароит келтириб чиқарган фожиа сифатида тасвирланади. Мактублар хронологик равишда аниқ саналар билан битилган. Вертер Х.Дўстмуҳаммаднинг ошиқ қаҳрамони каби рассом, фақат у табиатга ошуфта ҳаваскор рассом.

И.В.Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” романида ҳар томонлама илғор, зукко, сезгир қалбли

⁶³ Кўрсатилган манба. – Б. 94.

⁶⁴ Кўрсатилган манба. – Б. 88.

Ингитнинг гоҳ жунбишга келтирувчи, гоҳ тушкунликка, йиғлоқиликка туширувчи гўзал ички кечинмалари, эҳтирослари, табиат қўйнига интилиш, табиатдан баҳра олиш, кишиларни чегараловчи, бир хилликка, табақаларга ажратишга асосланган ҳаёт қонунларини инкор этиш, санъат ва маънавий эркинликни тарғиб қилиш асарнинг бош ғояси ва сўзувчининг мойасини белгилайди. Ёзувчи ўз авлодини азоблаган ва ҳолдан тойдирган, руҳан қийноққа солган кўргуликларни ўз қалбидан кечирган эди. Ҳар қандай иқрорнома сингари бадиий асар ҳам инсон қалбидаги зилдек дардни енгиллатади, уни изтироблардан, оғир туйғулардан ёхуд нохуш ҳислардан халос этади. Муҳаббат бобидаги омадсизлик Гётени жуда оғир руҳий аҳволга солиб қўяди. У ҳатто ўз жонига қасд қилмоқчи бўлади. “Мен бу оғир кайфиятни енгиб ўта олдим ва яшашга қарор қилдим. Аммо тинч, хотиржам яшамоғим учун шундай бир асар ёзмоғим зарур эди. Ҳаётимнинг ўша ғоятда муҳим даврдаги ҳамма туйғуларим, орзуларим ва фикрларимни шу асарда ифодалаб бермоғим шарт эди”⁶⁵. “Ёш Вертернинг изтироблари” ана шу тарзда майдонга келди. “Қотиб қолган қайғу-андуҳларни, таассуфларни, хавотирликлар, ғашлик ва ғазабни сўзга ишониб топшириш руҳан покланмоқ демакдир. Баъзан эса бу нобуд бўлишдан ёки жинни бўлиб қолишдан сақлаб қоладиган ягона чорадир”⁶⁶. “Ёш Вертернинг изтироблари” романида Гёте Вертернинг прототипи эди. Чунки Гёте 23 ёшида Шарлотта деган қизни яхши кўриб қолади. Қиз бошқага турмушга чиқади ва Гёте асарини яратади. Асарга сўнг-

⁶⁵ Ян Парандовский. Сўз кимёси. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Т.: Маънавият, 2010. – Б. 250.

⁶⁶ Кўрсатилган манба. – Б. 250.

ги нуқтани қўйганида унинг қалбидаги муҳаббат таскин топган эди. Вертернинг ўлими жамиятнинг уйғонишига туртки бўлди. “Бу асар сентиментал-романтик даврга яқун ясади, инсоннинг янги, реалистик таҳлилига йўл очди. Бу асарда романтик услуб билан реалистик услуб ўзаро қоришиб кетади. Бошқача айтганда, асар адабиётда қалб ва ақл баҳсини бошлаб берди”⁶⁷.

Вертер пок қалб эгаси эди. У иккиюзламачилик, кибру ҳаво, манманлик ва ёлғончиликни ёмон кўрарди. Унинг пок, меҳру муҳаббатга тўла ва ташна қалбини давр, муҳит сиғдирмади. У ижтимоий муҳит билан келишолмади ва қалбини кемирган муҳаббатга бардоши етмади, ўз жонига қасд қилди. У қаерга борса, муҳаббатини ардоқлади, Лоттани бир лаҳза бўлса ҳам унутолмади ва яна Лоттанинг ёнига қайтиб келганда, бу дунёда ўзини ортиқча ҳис қилди. Роман муқаддимасида у ҳаётини яхши томонга ўзгартиришга киришганини ёзади: “Азиз дўстим, сенга ваъда бераманки, мен ўзимни тузатаман, пешонага ёзилган турли хил кўргуликларни қайта эслаб ўзимни ўзим қийнамайман, энди бугунги кундан лаззатланаман, ўтмиш эса ўтмиш бўлиб қолаверади”⁶⁸. У Вальхеймда Шарлоттани учратади ва қалбида муҳаббат туйғуси уйғонади. Бу Вертерга чексиз қувонч бағишлаган омадсиз муҳаббат эди, чунки қиз онасининг васиятига кўра, Альбертга унаштирилган эди. Вертер, Макар Девушкин ва Жондил армонли муҳаббат олдида чорасиз қолган ошиқлардир.

Гётенинг қаҳрамони ижтимоий муҳит билан келишмаётган, ғурури баланд ёш ва атрофидаги одам-

⁶⁷ Эшонқул Н. Ижод фалсафаси. “Мен”дан менгача 2. – Т.: Академнашр, 2018. – Б. 107.

⁶⁸ Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 8.

лардан совуган сентиментал йигит эди. Вертерда қолажакка умид сўнган, эртанги кунини тасаввур қилолмасди, шунинг учун ҳам асар унинг фожиаси билан тугайди. Ф.Достоевскийнинг қаҳрамони муте, маълумоти йўқ, содда, муштипар ва қалбида муҳаббат билан яшаётган қаҳрамон. У ҳар қандай шароитга кўника олади, бу ҳолат унинг ёши билан ҳам боғлиқ эди. Варенкаси жаноб Биковга турмушга чиқиб, уни ташлаб кетаётганда, фақатгина у энди нима қилишини, мактубларини, дил изҳорларини ким эшитишини ўйлайди, Варенканинг хаёли билан яшашнинггина уддасидан чиқишини англаб етади ва у ижарада турган уйга кўчиб ўтиб, унинг хотиралари билан яшашда давом этади. Х.Дўстмуҳаммад қиссасининг қаҳрамони Жондил эса муҳаббат ҳар кимга ҳам инъом этилавермайдиган Аллоҳнинг буюк эҳтироми эканлигини, уни қадрлаш, эъзозлаш ва унинг хаёли билан яшашнинг ўзи бахт эканлигини, муҳаббат изтиробини инсоннинг хулқини гўзаллаштириб, фақат яхшиликларга етаклашини, мактубларининг ўқувчилар қалбини поклашининг ўзи бахтлиги, шундан масрур яшашини англаймиз. Х.Дўстмуҳаммад қиссаларида муҳаббат илоҳийлаштирилади. Худди А.Навоийнинг қаҳрамонлари Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнуннинг муҳаббати каби. “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод ва Хусрав диалогиди Фарҳоднинг берган жавоби Дилдўст изтиробларига, туйғуларига ҳамоҳанглигини кузатамиз:

Дедиким: Ишқиға кўнглунг ўрундур?

Деди: Кўнглумда жондек яшурундур.

Деди: Васиға борсен орзуманд?

Деди: Бормен хаёли бирла хурсанд⁶⁹.

⁶⁹ Навоий А. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Ғафур Ғулом, 2006. – Б. 230.

Шарлотта, Варвара, Дилдўст дунёни теран англайдиган, севишга ва севилишга лойиқ бўлган уйғоқ қалб эгалари. Шарлотта онасининг васиятини сўзсиз амалга оширишга қодир, ўз укаларига онадек меҳрибон, отасига суянчиқ фарзанд, Альбертга суюкли ёр бўлишга ваъда берган. Лекин ҳаётига Вертернинг кириб келиши, унинг туйғуларида бурилиш ясади. У Альбертни чексиз меҳр билан ҳурмат қилади, Вертер эса қалбида муҳаббат уйғотади. Шарлотта инсонийлик бурчини ҳамма нарсадан устун кўя олади, у туйғулари билан эмас, ақл билан иш кўради ва муҳаббатини енга олади. У икки ўт орасида ёнаётган қаҳрамон.

Романда Вертернинг изтиробга тўла ҳаётининг фалокат томонга оғиб бораётганини, қаҳрамоннинг маънавий дунёсини ғам-ғусса тинимсиз кемириб, бардошининг тугаб бораётганини ношир ҳикоясидан ўқиймиз: “Илгари ишлаб юрган пайтларидаги бошига тушган хўрликларни, элчихонадаги кўнгилсизликларни, нимадан иши юришмаганини ва нимадан ранжиганини, ҳамма-ҳаммасини хаёлдан бирма-бир ўтказди. Шулар билан у гўё ўз ғайратсизлигини оқламоқчи бўларди, у ўзини истиқболдан тамоман ажралган, кундалик ҳаётдаги юмушларни бажаришга ноқобил деб ҳисоблай бошлади. Ниҳоят, ўз кучларини мақсадсиз, несиз беҳудага сарфлаб, уларни ишдан чиқариб, борган сари ҳалокатга яқинлаша борди”⁷⁰.

Ф.Достоевскийнинг “Камбағаллар” романи қаҳрамонлари Пушкиннинг “Белкин қиссалари” асарини яхши кўриб ўқишади. Х.Дўстмуҳаммад қиссалари қаҳрамонлари муҳаббат, изтироб ҳақидаги шеърлар-

⁷⁰ Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 104.

ни, сочмаларни ўқиб, уларни бир-бирига бағишлайди. Вертер изтироблари алангаланиши, тушкунликка тушишига Оссиан қўшиқлари сабаб бўлади. Лоттанинг уйига келганда, Лотта ундан Оссиан қўшиқларини ўзи ўқиб беришини сўрайди. Қўшиқлар Вертернинг изтироблари эди, бу изтироблар аланга олади. Вертер муҳаббат қўшиқларини Лоттага аргумгон қилади ва Лоттанинг ҳам муҳаббатини ҳис этади. Энди Вертер учун яшашнинг қизиғи қолмайди. Унга Лоттанинг муҳаббати учун жонини қурбон қилиш ҳам бахт эди. “Ёш Вертернинг изтироблари” романини севги ҳақидаги ҳазин қўшиқ дейишимиз мумкин. Покиза қалбнинг яраланган муҳаббати, ҳижрон дамларида ёниб оловланиб, оқибатда муҳаббат соҳибини абгор қилади. Романнинг ҳар сатри – севги билан лиммо-лим тўлган, изтиробдан яралган мактублар жамланмасидир. Роман воқеалари реал макон ва замонда юз беради. Вертерга Лотта: “Ҳар нарсани юракка яқин олавермаслик керак, бу одамни еб ташлайди”, деб башорат қилгандай Вертер ҳаётига нуқта қўйди. Варвара Макар Девушкинга айтгандай: “Сиз ҳамма нарсани юрагингизга ҳаддан ташқари яқин олаверар экансиз: Шу боис сиз доимо энг бахтиқаро одам бўлиб қолаверасиз”, Макар Девушкин Варварадан айрилади.

Мактублардан иборат учала асар қаҳрамони бўлган ошиқлар муҳаббатли қалбнинг изтироб-ла ёниб яшашини тирикликнинг моҳияти деб билдилар: Макар Девушкин: “Сизни таниб олгач, мен, биринчидан, ўзимни ўзим яхшироқ била ва сизни сева бошладим; унгача эса, фариштагинам, мен сўппайиб юравердим, ёруғ дунёда яшаётгандай эмас, ухлаётгандай ҳис этардим ўзимни”⁷¹, Вертер: “Шу нарса

⁷¹ Достоевский Ф.М. Камбағаллар. – Т.: Davr press, 2011. – Б. 116.

аниқки, дунёда муҳаббатгина кишини азиз қилади. Мен буни Лотта мисолида сезаман...”⁷², Жондил: “Сизни топгунга қадар... Мен қандай яшадим... ..Яшадимми?..”⁷³

Асар қаҳрамонлари тонгнинг отишидан эмас, ёрини кўришидан оламга сиғмас даражада бахтиёр. Вертер: “ – Мен уни кўраман! – деб ҳайқираман ўзимча тонгда уйғонганим заҳотиёқ заррин қуёшга қувонч билан боқарканман, – мен уни кўраман!” Макар Девушкин дарпарданинг қайириб қўйилганидан бахтиёр, ғоят бахтиёр, бениҳоят бахтиёр, чунки Варварани деразадан кўриши мумкин. Дилдўст эса тушида кўрганидан бахтиёр: “Сизни ҳаётда учратмасам-да, тушимнинг эшиклари Сиз учун очиқ”.

Қисса ва романларда қаҳрамон кечмишига, ҳис-туйғуларига ҳамоҳанг воқеалар тафсилоти мактублар қатига сингдирилади. “Ёш Вертернинг изтироблари” асарида Вертер деҳқон йигит ҳақида ҳикоя қилади. Ўз хўжайини бўлган аёлни севиб қолган деҳқон йигит қисматини ўзига ўхшатади. Йигитни уч марта учратади. Биринчисида у ўз севгисини ҳикоя қилади. Иккинчисида севги изтиробидан ўрташиб, аёлга муҳаббатини ошкор қилганда ишдан ҳайдалганини айтади. Учинчисида ўз ўрнига ишга келган, севгисига ҳам эга чиқмоқчи бўлган хизматкорни ўлдирганини эшитиб, йигитнинг ёнига боради ва уни оқламоқчи бўлади. Чунки Вертер ҳам Альберт йўқ бўлганда яхши бўларди деган фикрга келган. “Камбағаллар” романида Покровский ёки Горшков ҳикояларининг берилиши қаҳрамонлар руҳияти ва

⁷² Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 52.

⁷³ Дўстмуҳаммад Х. Ҳижроним мингдир менинг. – Т.: Sharq, 2011. – Б. 340.

ижтимоий муҳит тасвирини ёритишга хизмат қилган. Х.Дўстмуҳаммад қиссаларида эгасини йўқотган инт воқеаси, ўн уч ёшли боланинг руҳиятидаги ўзгаришлар сабаб яқинлари олдида қулгуга қолиши воқеаларининг ҳикоя қилиниши соф туйғуларнинг инсонни ўзгартириш қудратини намоёиш қилган.

Мактуб асосига қурилган асарларда инсоннинг энг буюк туйғулари тасвиридаги муштарақлик бежизга эмасдек. Уч хил давр, уч хил минтақада яшаган ижодкорларни боғлайдиган ришта Одам Атодан мерос туйғунинг миллат, дин танламаслигидан нишона, деб биламиз. Адибларимиз асарларида барча халқлар адабиётининг асрий мавзуси яратикларнинг энг муқаррами бўлган Инсонни ва унинг қалбини кашф қилиш йўлидаги интилиш ва изланишлар самарасидир.

МУАЛЛИФ ИЖОДИДА АДАБИЙ ТАЪСИР: МУШТАРАКЛИК ВА ТИПОЛОГИК ЧОҒИШТИРУВ

Мустақиллик нафаси ҳар бир жабҳада, асосан, бадиият оламида ўзгача бўй таратди, янгиликларга руҳ бағишлади. Х.Дўстмуҳаммад реализм доирасида янгиланишлар яратишдан, экспериментлар қилишдан ҳайиқмади. Қиссаларини турфа услуб ва усуллар, тажрибаларга асосланиб яратди. Бу экспериментлар вақт тегирмонидан ўтиб ўз баҳосини топади.

Х.Дўстмуҳаммадни ҳар доим инсон қисмати, тақдир битиги, умр ўлчови, инсоннинг сурати ва сийрати ўйлантирган, ижод қилишга илҳомлантирган. Х.Дўстмуҳаммад Г.Маркеснинг “Ошкора қотиллик қиссаси” романи таъсирида, шу йўналишда “Чаёнгул” қиссасини яратди. “Хориж адибларига ҳар қанча эргашмасин, миллий заминда етишган ва миллий тилда, миллий турмушни акс эттираётган ижодкор ҳеч қачон оддий нусхакаш бўлиб қолмайди – саналган омиллар бунга йўл бермайди. Чинакам истеъдод учун таъсир бир туртки – ўзга маданият вакили бўлмиш адиб бадиий кашфни ўз миллати хизматига сафарбар этиш, у билан ижодий баҳсга киришишга даъватдир⁷⁴.

Ўзбек насрида, аёллар образи талқини ҳар бир ёзувчида индивидуал тарзда кўзга ташанади. Х.Дўстмуҳаммад қиссалардаги аёл образи талқини, аёлларнинг кўпроқ биринчи пландан кўра иккинчи планда тасвирланиши мушоҳадага чорлайди. Аёлларга кўйилган исмлардан ҳам айрича ёндашув кўзга ташланади. Масалан: *Қадрия, Маърифат, Садаф, Шабнам, Гулгун, Гулшод, Чаман...*

⁷⁴ Қуронов Д. Бир ижодий баҳс хусусида // Жаҳон адабиёти. – Т.: 2019. № 6. – Б. 150.

Аёлларни ёзувчи жуда аяйди. Уларни авайлашни, тўғизлашни, хурматини жойига қўйишни лозим деб ҳисоблайди. Ёзувчининг серфарзанд оилада тарбия олиши, бешта опасининг борлиги, унинг ҳаётида опа маънавий-руҳий қувват манбаи вазифасини ўтаганлиги ҳам бежизга эмасдир. Опа – қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришларни йўлга солиб юборишда етакчи роль ўйнайди.

Доим изланиш, ўрганишда бўлган адиб ўзбек адабиётида янги детектив қисса – қотилга айланган аёл қисмати тафтишу таҳлил қилган “Чаёнгул” асарини яратди. Адиб билан суҳбатимизда қиссанинг яратилиши ҳақида ҳикоя қилиб берар экан, матбуотда “Ҳақсизлик сиртмоғи”дан “Чаёнгул”гача” суҳбат-мақоласи эълон қилинганини айтиб ўтди. Ёзувчи “Ёш куч”да ишлаётганида қашқадарёлик аёл келиб, оиласида юз берган фожиани ёзувчини лол қолдирадиган даражада тиниқ, равон ифода қилиб беради. Чаман опа исмли аёл икки қизи ва набираси билан яшарди. Турмуш ўртоғи эрта вафот этган, катта қизи Гулсум турмушидан ажраб, тўрт яшар ўғилчаси билан “қайтиб” келган, кичик қизи Гулшод эса ҳали ўнинчи синфда ўқирди. Кунларнинг бирида қишлоқдош йигитлардан бири Гулшоднинг номусини топтайди. Воқеадан хабар топган йигитнинг отаси ишни босди-босди қилишга ҳаракат қилиб, қизнинг онасини совчи юбориб, иккисини унаштириб қўйиш, шу билан ҳар икки оилани шармандалиқдан “ҳимоя” қилишга кўндиради. Лекин совчилар келмайди. Гулшод эса номус йўлида бўйнига дор солади. Гулшоднинг оиласидагилар айбдор жазоланишини талаб қилиб, қайта-қайта тегишли идораларга мурожаат қилишади. Она-болани вақтида шикоят қилмагани учун ички ишлар бўлими раҳбарларидан бири Гулсумни оилавий тарбия-

си бузуқликда айблаб, ҳақорат қилади. Синглисининг номуси топталгани, умри завол топгани, унга нисбатан қилинаётган ноҳақлик бир бўлди-ю бу тухмат тоши бир бўлиб, уни “қутуртириб” юборади. Уйга қандай қилиб етиб келганини ўзи ҳам билмаган, кўзлари қонга тўлган Гулсум тандир бошига бориб қолади ва кўзи ертандир ёнида турган пичоққа тушади (бу пичоқни нон, сомса ёпганда, орқа томонидаги қораларни кўчириш учун ишлатишар эди)... Ғазаб кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйганидан опа нима қилаётганини ўзи билмайди: “Ўлдираман!” дейди-ю, шартта пичоқни олади ва йигитникига боради. Икки кўчадан ўтиб йигитникига етиб келган аёл ҳовлида кимдир юрганини кўради, аммо унинг ким эканлигини идрок этолмайди. Аффект ҳолатида йигитни ўлдиришга шахд қилган Гулсум қўлидаги пичоқ билан йигитнинг ҳалиги оила аъзосига саккиз марта пичоқ уради. Афсуски, бу фожианинг навбатдаги қурбони йигитнинг эндигина ўн иккига кирган синглиси эди.

Ёзувчи фожиага алоқадор барча деталлар-у тафсилотларни синчиклаб ўрганеди. Аёллар қамоқхонасига бориб, Гулсум билан суҳбатлашади. Гулшоднинг фожиали тақдири ҳақида “Ҳақсизлик сиртмоғи” номли мақола ёзди. Ёзувчининг истаги Гулсумнинг афсус-надоматини кўриш эди. Гулсумга шундай савол беради: “Ўн икки яшар қиз ўлиб кетди, наҳот ичингиз ачимаётган бўлса?!” Гулсумдан: “Менинг ўн етти ёшли синглимга кимнинг раҳми келди?” – деган “совуқ” жавоб олади. Орадан икки соатлар вақт ўтгачгина “У қизчага ҳам ачинаман” дейди. Мана шу жумланинг ўзи ёзувчига умид бағишлайди. Лекин суҳбат сўнггида Гулсумнинг айтган ҳақиқати ёзувчининг орадан вақт ўтиб “Чаёнгул” қиссасини ёзи-

шига сабаб-восита бўлади. “Ўша гап ҳали-ҳамон қулоқларим остида жаранглайди ва ҳанузгача ёдимга тушганда беихтиёр кўзларим ёшга тўлади: “Эркаги йўқ оилада аёл эркак бўлади!!! Мен қасд олмасам, ким биз учун қасд олади?!” Ҳаётнинг бешафқатлиги, бир фожиа сабаб гулларнинг (ЧаманГУЛ, ГУЛсум, ГУЛшод) хароб бўлиши ёзувчини ларзага солади: “...ўша дамларда бу воқеалардан анча вақтгача таъсирланиб, ўзимга келолмай юрганман”⁷⁵.

Ёзувчининг қиссани “Чаёнгул” деб номлаши ҳам тушида аён бўлган эди. “Қиссамни “Чаёнгул” деб номладим. Сабаби бу ном ҳам янги, ҳам ўйлаб юрганларимга жуда мос келади. Ахир учта гул (она ҳам гул, қамалган опа ҳам гул, ўлган сингил ҳам гул)ни ҳаёт хазон қилган, эркаги йўқ хонадон шаънининг оёқ ости қилиниши гулларни ҳам чаёнга айлантирган эди...”⁷⁶ Сухбатдан англашиладики, адиб журналист-ёзувчи сифатида жамиятнинг оғриқли нуқталарини юрагидан ҳис қилади, жамият дардларига куйинади, чора истайди, ечим топишга ҳаракат қилади. Ҳаётини ҳақиқатни бадиият қонуниятлари асосида қисса шаклига солади. Инсоннинг бешафқат тақдири олдида чорасизлиги, оилада эркак ва аёлнинг ўрни катта аҳамиятга эга эканлиги, эркаклик масъулияти, аёл тийнатидаги аёллик хислатларининг топталиши жамият билан боғлиқлиги, аёл доим суянчга, меҳрга муҳтожлиги қиссада ёзувчи кузатишлари асосида акс этади. Асосий моҳиятни ёритишда ёзувчи ёрдамчи қаҳрамонларни ўзи танлайди. Ўн икки ёшли қиз ўрнига Ашур образини, Гулшоднинг акаси Ёқубни қиссага олиб киради.

⁷⁵ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/haqsizlik-sirtmogidan-chayongulgacha.html>

⁷⁶ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/haqsizlik-sirtmogidan-chayongulgacha.html>

Адиб қиссанинг формасини Г.Маркеснинг “Ошкора қотиллик қиссаси”дан олса ҳам соф ўзбекона тафтиш олиб боради. Қиссада тақдир ва шахс муаммоси ўзбекона таҳлил қилинади. Қисса воқеалари Қуйиқишлоқда Чаман момо оиласида юз берган қотилликнинг асосий айбдорини топишдан бошланади. Оиланинг гул қизлари Гулшод ва Гулгуннинг ҳаёти барбод бўлди, яъни Гулшод ўз жонига қасд қилди, Гулгун қотилга айланди. Ноҳақликка дош беролмаган гул қизнинг Чаёнгул бўлишига ўз оиласи, онаси, эри, қайнонаси ва атрофидаги инсонлар сабаб бўлди. Қиссада қотилликни тафтиш қилиш уч босқичда ўтказилади.

Биринчи тафтиш

(Воқеанинг юз бериши ва тафсилотлар оқими)

	Сабаб	Натижа
1	Ўқувчилар ўқиш билан бирга, дала меҳнатига жалб қилинган, қишлоқ сиёсати, буйруқни ҳамма сўзсиз бажарган.	Мактаб ўқувчиларининг помидор теримига олиб чиқилиши.
2	Қуйи қишлоқда мактаб очилиб, ўқувчилар дала юмушларига жалб қилингандан бери биров бировни етаклаб далага олиб бормаган.	Эшнӣёз муаллимнинг синф ўқувчиларини сафга териб, ўзи бош бўлиб олиб бормагани.
3	Опаси Гулгуннинг уйига келиши.	Опаси оиласи билан жанжаллашиб уйига келмаганида, опаси узоқ ўтирмайман, демаганида, Гулшод ўртоқларига “сизлар кетаверинглар, ўзим етиб оламан”, демаганида...
4	Гулгуннинг онасиникида ётиб қолишини айтиши.	Фурсат ўтиб Гулгуннинг “Бугун шетта ётиб қоламан” демаганида... Фурсат тақдир фойдасига ишламаганда... Гулшод далага бормасди...
5	Гулшод опасиникига бориб ётиб келишини айтди.	Гулгун “... юр, синглим, меникида бир кун тунаб кел” деганида...
6	Йўл	Гулшод ўртоқларига тезда етиб олиш мақсадида қисқа сўқмоқ йўлни танламаганда... Бу йўл унинг йўлини эмас, умрини қисқартирди.

7	Челак	Помидор теримига чиққан қиз челакни унутганди. Изига қайтиб бориб, йўлакда қолган челакни олиб кетмаганида... “Туноҳни буюмга ағдариш ибтидоий тафаккурга хос...” (ёзувчи)
8	Таначанинг ғойиб бўлиши	Адҳам муаллимнинг феъли айниб турганди, аламини Ашурдан олди, унга зарда қилди. Ашур кўл томонни танламаганда...
9	Балиқ	Қамишзорга балиқ илиниб қолган эди. Ашур кетаётганда балиқнинг сувни шалоплатганини эшитиб қолмаганида...
10	Гулшоднинг челак кўтариб ўтиши	Ашур балиқ тутишга берилиб кетиб, челакни сўради. Гулшод челакни узатаман деб сувга йиқилмаганида...

Ёзувчи саволни кўндаланг кўяди: “Қачон қотиллик юз бермаслиги мумкин эди? Мана шу саволни инсонга, ҳодисаларга, жонли, жонсиз нарсаларга бериш орқали сабаб ахтаради, инсон қисматига чора излайди. Ровий (ёзувчи) воқеаларни тафтиш қилар экан, фожианинг сабабчиси гуноҳкорни излайди, уни жазоламоқчи бўлади. Сўраб суриштирувчи терговчига айланади, фожианинг моҳиятига етишга ҳаракат қилади ва ҳар сафар изланишлар оқибати сабабиятга туташади: ҳар доим жазо курсисидида қотил суратидаги тақдири азални кўради. “Мен йигит ва қиз ўртасидида юз берган воқеани асослаш учун ўнта сабаб кўрсатдим ва натижасини китобхон ҳук-

мига ҳавола қилдим" (*Ёзувчи билан суҳбатдан*). Биринчи тафтишда Чаман момо оиласида фожианинг юз бериши, яъни мактаб ўқувчиси қишлоқнинг олд қизларидан бўлган Гулшоднинг номуси кўчада топталиши воқеалари ва шу воқеага сабаб бўлган тасодифлар таҳлил қилинади. Қаҳрамонлар, воқеалар ва буюмлар ёзувчининг кузатуви, тафтишидан ўтади.

Гулшод қалби ҳаёт завқига тўла, соф, беғубор, покиза, боқира қишлоқ қизи. У ҳаётни гўзал тасаввур қилади, ҳамма нарсада завқ туяди. У инсонлар ўртасидаги мураккаб муносабатларни тушунмайди, тасаввурига сиғдиролмайди. Гулдай нозик, беғубор қизнинг номуси кўчада топталиши унинг қалбини зардобга тўлдиради. Энди одам бўлиб яшай олмаслигини тан олади, ўз тақдирига ўзи ҳукм ўқийди. Гулшод ҳаётида юз берган фожианинг бош сабабчиси Ашур. У тўқайда мол боқишу, пахтазорда чанг ютишдан бўлак ташвиши бўлмаган овлоқ Қуйиқишлоқнинг жайдари ёшларидан. Ашур кўл ёқасига дуч келган қизнинг йўлини тўсмоқ ниятида келмаган. Ашур тасодифнинг тўрига илинди. Худди балиқнинг қамишзорга илиниб қолиб, Ашур келганда суви шалолатиб овоз чиқаргани, Гулиш опасининг кўнглини олиш мақсадида дугоналаридан ажралиб қолиши ва яқин йўл – сўқмоқни танлагани каби. Ёзувчи тақдир битигини, фожиа занжирини тафтиш қилади, ўрганади ва ўрганиш асносида ўз саволларига ҳадисдан жавоб топгандай бўлади. Имом Термизий ривояти: *Пайғамбаримиз ҳадиси шарифларида шундай деганлар "Номаҳрам эркак ва аёл, йигит ва қиз ёлғиз қолган жойда учинчи жондор – шайтон яширинган бўлади..."* Ашур ўзи билмаган ҳолда шайтон измига тушади ва битта қизнинг умрини барбод қилади. Саноқсиз тасодифлар занжир халқала-

ри янглиғ туташганини ёзувчи тақдир деб атайди. Нахотки, одам бундаин аянчли ва арзимас тасодиф халқаларини узиб ташлашга, уларнинг занжир ҳосил этишига қаршилиқ кўрсатолмаса?

Гулгун беш йилдан бери эри билан муроса қилолмайди, қайнонасининг тилини тополмай, уруш-жанжалдан боши чиқмайди. Ёзувчи Гулгун характерига муносабатни онаси томонидан беради: “Ўзинг тезсан, қизим. Тилингни мулойим қил. “Йўқ” деган оғиз ўлгурни “хўп”га ўргатиш мунча малол келмаса!..” Гулгун турмуши яхши эмаслигини унинг нутқида англашилади: “– Эримникига бормасам, онамникига сиғмасам, бош олиб кетаман! Гулиш эрга тегишини кутсам, у ёқдан ўлигимни опкеласиз, она!”⁷⁷ Гулишнинг ҳаёт иплари қирқилишида опасининг ҳам ҳиссаси бор эди. У тугунчасини қўлтиқлаб онасиникига қайтиб келмаганида, ҳозир кетаман деб синглисини йўлдан қолдирмаганда тасодифлар занжирининг халқаси узилган бўларди.

Чаман момо қизининг бошига қора кун тушаётган пайтда сезади, ҳис қилади. “Чаман момо илкис чўчиб тушди... устма-уст ўқ теккан одамдай кетма-кет қалқиб кетди – кўксининг аллақаерида туғилган кўрқув зумда бутун вужудига ёйилди, шунга қарамай, кампир тишини тишига қўйди – кўрқувнинг зўридан қулоғига фарёд садоси чалингандай бўлди. Гулшод ҳар она, онажон деганда Чаман момонинг юраги отилай дерди: – Юрагим!.. Юрагим отилай деёпти!.. – Худо урди, Гул!” Она фарзанд мусибатини ҳис қилиб, юраги адо бўлаётгани.

Қиз ҳаётида юз берган фожиага катталар хулосаси совчи юбориш билан чора топилгандай бўлди. У тақдирини катталар измига топширган эди.

⁷⁷ Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Чаёнгул. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 163.

Иккинчи тафтиш

(Воқеа юз бергандан кейинги қаҳрамонлар руҳияти
ва фожианинг асослари)

	Сабаб	Натижа
1	Чаман момо оиласи “Уят ўлимдан оғир” ҳикмат руҳида тарбия топмаганида...	Чаман момо, Гулгун ёки Гулшоднинг ўзи қишлоқни бошига кўтарган, меласага чопган, бошига одам тўплаган бўларди, жанжал қама-қама ёки тўй тадориги билан тугарди.
2	Уят, ор-номус туйғуси балоғат ёшидаги қизнинг ички дунёсини чилпарчин қилиши...	Гулшод туз тотмай, бош кўтармай, иситмалаб ётиб қолди.
3	Акбарни учратиши...	Мактабда Акбарга дуч келиши, Акбарнинг талвасага тушиб қўрққани Гулшодни ташвишга солди.
3	Акаси Ёқубнинг уйга келиши...	Акаси ёмон туш кўрганидан хавотир олиб, оиласини кўриш учун келди. Лекин она унга иккала қизининг ҳаётида юз берган бахтсиз воқеаларни айтмади. Она ёлғон гапирди.
4	Акбарни иккинчи марта учратиши...	Мактабдан чиқишда яна қисқа йўлни танлади. Иккинчи марта Акбарга дуч келди. Акбар акаси унга уйланмаслигини айтди. Таҳқирланиб, бадном бўлиб яшайдигандан кўра...
5.	Бутунлай келишмасачи?	Юз берган фожа таъсирида яшаётган қизнинг онгида, тафаккурида ҳақиқат аёнлашди. Бу фалокатга фақат ўзи ечим топиши керак. Онасидан нажот кутди, она жим. Опасидан нажот кутди, опа жим. Ўшанда акасига айтганда бўларди (унинг сўнгги армони). Одам бўламанми, энди, мен?..

Уят, ор-номус туйғуси Чаман момо ва унинг икки кизини уч кунгача уйига қамади. Уч кунгача Гулшод хуш ва туш орасида юз берган воқеалар гирдобида иситмалаб ётди. Учинчи куни ўзига келиб, бўлган воқеаларни идрок қилишга ҳаракат қилди. Гулшоднинг руҳий дунёси остин-устун бўлган, идрок этиш, ўйлаш қобилиятидан маҳрум қилинган, қоғоздан ясалган одамдай ичи ҳувиллаган, бўм-бўш, ҳам руҳан, ҳам жисман хастага айланган эди. Чорасиз, умидсиз қиз кўнгил истаклари ўзи учун жуда-жуда арзимас матоҳга, ҳавойи сўзларга айланганини, унинг ҳаёт йўлини энди истак-хоҳишлари, орзу-умидлари эмас, тақдир тақозоси белгилашини англаб борарди.

Икки кун босим ёмон туш кўрганидан хавотир олиб акасининг Тошкентдан келиши Гулшодга тақдирнинг марҳамати эди. Бироқ на она, на сингил бўлиб ўтган фожиадан Ёқубни огоҳ қилишди. Она ўғил жўнаётганда “Хайрият, қайтяпти”, дея хурсанд бўлиб айтган гапи бир умр армонга айланди. Гулшод тақдирининг саман тулпори кўз илғамас тасодифларнинг зимистон кўчаси бўйлаб тубсиз чоҳга томон елиб борарди. Ёзувчи Гулшоднинг ўз тақдирига ҳукм ўқиш олдидаги ҳолатини қуйидагича изоҳлайди: “У тубсиз чоҳ сари ўқдай елиб бораётган тақдир тулпорининг жиловини тутмоқ истагида жон ҳолатда қўл чўзаётган, афсуски, истакдан кўра чорасизлик, тадбирсизлик устун келаётган – чораю тадбирлар қолиб, улар ўрнини тасодиф устига тасодифлар забт этаётган эди”⁷⁸.

Гулшод тақдирининг чувалган ипини топиши, ўз устига ёққан қорни ўзи кураши кераклиги ва лаҳза сайин сабр-тоқатига зомин бўлувчи тасодифларнинг асосийси Акбарни икки марта учратиб қолиши эди.

⁷⁸ Кўрсатилган манба. – Б. 185.

Биринчи учратишда нигоҳлар тўқнашди: Гулшодни қалтироқ тутди, ранги докадай оқарди. Акбарнинг нигоҳидаги хавотир, ҳадик, даҳшат қизни ташвишга солди, лекин мулоҳаза қилишга унинг бардоши етмасди. Иккинчи марта мактабда учратганда Акбар уйидаги ҳақиқатни аён қилди. Ёзувчи юз берган фожиаларнинг Адҳам муаллим ва унинг оиласига қандай таъсир кўрсатгани ҳақида гапирмайди. Унинг оиласида юз берган ҳолатни Акбар тилидан айтиб ўтади: “Акам сизга уйланмайди, онам айтди... Отам бетоб... Акамди тоғамникига жўнатишди. Тоғам...” Акбарнинг ҳақиқати унинг мудроқ идрокини уйғотиб юборди. Тақдир Гулшоднинг ўз ҳаётига ҳукм ўқиттирди. “... қайга борақоллим, яшшамагур?! Яшшамагур!.. Яшшамагур!..”

Сўнгги тафтиш

(Қотилликнинг юз бериши)

	Сабаб	Натижа
1	Тақдир ҳукмининг ўқилиши	Гулшод номус қурбони бўлди.
2	Гуноҳкорни жазолаш	Ашурнинг айби исботланмади, чунки орада фурсат бой берилган эди.
3	Ашур, отаси ва укаси билган ҳақиқат	Ашур қилган гуноҳини тан олмади. Ашурнинг гуноҳ ишига Акбар шерик эди. Отасига ҳақиқатни Акбар етказган. Адҳам муаллим бор ҳақиқатни яширган.
4	Аламзада аёлнинг нажот излаши	Гулгун Ашурни қаматиш йўлида тинимсиз ҳаракат қилди. Унинг эркаклардан қўнгли қолган. Чунки эридан хабар йўқ. Ашур синглизининг ҳаётига зомин бўлди, укаси чорасиз, Адҳам муаллим ваъдасида турмади.

5	Вақтида тузатилмаган хатолик иккинчи қотилликнинг сабабчиси	Гулгуннинг аламзада ҳаёти ва куйиб, тутаб турган юрагига терговчи Зобитовнинг “Ўлганнинг жони кетди!..” гапи мой сепди ва алангалатиб юборди. Гулгун уйга келгани, тандир тоқчасидаги занглаган пичоқни олиб, Ашурнинг уйига йўл олгани, гуноҳқорни пичоқлаганини тафаккурида ҳис қилолмади, фақат ҳаракат қилди. Ҳовуридан тушиб, ҳушига келганда қонга беланган Акбарни кўрди... “Эркак йўқ уйда аёллар эркакка айланади, Гулдек аёллар чаёнга айланади!..”
---	---	---

Пешона дейишди одамлар: Гулшоднинг пешонасига битилганига кўнмаган опаси Гулгун қотилга айланди. Ашурнинг пешонасига битилганига оиласи кўнмаган эди, тақдир тасодифи Акбарни олиб кетди. Пешона битиги фақат Гулшод эмас, унинг атрофидагиларни ҳам сиртмоғига илинтирди. Гулшоддан Чаман момога, Ёқубга, Гулгунга ўтди, Ашурдан Адҳам муаллимга, онасига, Акбарга тарқалди.

Қиз мажлиси тасодиф занжирининг бир ҳалқаси эди. Қиз мажлисига борган онани ғафлат босди. Қиз номус қурбони бўлди. Чаман момонинг оиласи айрилиқ доғига Ашурни қаматиш билан чора топмоқ ниятида яшай бошлади. Чорасизлик, иснод, оиласининг бузилиши Гулгунни навбатдаги жаҳолатга, қотилликка етаклади. “Қисса сюжетида тасодифийлик занжирини ташкил қилган воқеалар ва вазиятларда “тақдир”, “қора қисмат”, “тасодиф”, “тақдир жазоси” деган “бадий хронотоп”ни ташкил қилувчи сўз ва сўз бирикмалари бир-бирига уланиб кетади. Зеро, айнан шу сўзлар тасодифий жиноятга бадий рам-

ний ишора берувчи муҳим деталь бўлиб хизмат қилади”⁷⁹.

Х.Дўстмуҳаммад қиссасида ўзбек миллатига хос анъаналар, ўзбекона ғурур, орият ва номус тушунчалари асосида тафтиш ўтказилган бўлса, “Ошкора қотиллик қиссаси” асарида Г.Маркес тафтишида ғарбга хос хусусиятларни кузатамиз. Г.Маркес қотилликнинг юз бериш сабаб-оқибатлари, воқеаларнинг бутун тафсилотларини инсонларнинг хотираларида тиклаш мақсадида улар билан суҳбатлашади, воқеа юз берган жойни бориб кўради, тийрак нигоҳи билан кузатади. Асар қаҳрамонларининг ички мураккаб олами, руҳий пўртаналари китобхонни ўйга толдиради. Типологик таҳлил генетик жиҳатдан ўзаро боғланмаган, тили, тарихи, маданияти тамомила фарқ қиладиган халқлар адабиётида муштарак жиҳатларни аниқлашга ёрдам беради. “Адабий ҳодисаларни типологик жиҳатдан ўрганиш, жаҳон адабиётида кечадиган умумий жараёнларни англаб етишда, адабиётлараро алоқаларни юзага чиқаришда муҳим роль ўйнайди”⁸⁰. Икки миллат вакили яратган қиссаларни қиёсий-типологик таҳлил қилиш асносида қуйидаги муштарак жиҳатларни кузатдик:

Иккала асарга танланган фожиавий воқеалар реал ҳаётда юз берган эди. Ёзувчилар воқеа юз берган жойга борган, воқеа тафсилотлари билан танишган ҳолда реал воқеаларга бадийлик тўнини кийдиради ва инсониятни хушёрликка чорлайди. Ҳар иккала асарда ор-номус йўлида қотилликка қўл ури-

⁷⁹ Эшматова Ю. Б. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида аёл руҳиятининг бадий талқини. Филол. фан. б-ча. ф-фа д-ри. (PhD)... дисс. – Т.: 2020. – Б. 87.

⁸⁰ Халлиева Г. Қиёсий адабиётшунослик. – Т.: “Akademnashr”, 2020. – Б. 47.

лади. Синглисининг номуси топталиб умри завол топиши, терговчиларнинг номуссизликда айблаши, қасос ўти Гулгунни қотилга айлантирди. Ака-ука Викариолар синглисининг номуси учун қотилликка қўл уради.

Иккала асарда ҳам туш деталига бадий шартлилик асосида ёндашилган. “Чаёнгул” қиссасида Гулшоднинг акаси Ёқуб икки кун қаторасига босим ёмон туш кўради ва хавотир олиб, шаҳардан оиласини кўриш учун келади. Лекин она ўғлидан бор ҳақиқатни яширади, чунки она ечимини тополмаётган, кўтаролмаётган юкни, фалокатни йигирма ёшли ўғил қандай удалайди, у дош беролмайди, деб ўйлайди. Она ўша дамда ҳам ўғлини ўйлайди. Бу эса Гулшоднинг охири армони бўлиб қолади. “Ўшанда акамга айтсак бўларкан”.

“Ошкора қотиллик қиссаси” асарида Сантьяго Насар кўрган тушини онаси Пласида Линерога айтади. Онаси туш таъбирини айтувчи, муаббирликда уста эди. Лекин ўғлининг ўлимидан бир ҳафта олдин кўрган “...якка ўзи кўрғошин қоғоздан ясалган самолётда учгани...” ёки қотиллик юз берадиган тонгда қушларни кўрганини айтганида, ҳеч бир ёмонлик аломатини сезмаганидан бир умр ўзини кечиролмади. Онани ғафлат босди, тақдир кўзини боғлади. Тақдир кўзини боғламаса, Чаман момо қизини ёлғиз ташлаб, тўйга кетармиди? Ёки Пласида Линеро ўғлини қутқараман деб, ўғли қотиллар қўлидан қутулиши мумкин бўлган ягона йўл – эшикни тамбалаб, ўғлини қотилларга рўбарў қилармиди?

“Чаёнгул” қиссасида Гулшод номуси топталганига чидолмади, юз берган фожианинг бутун оқибатини англаб етгандан кейин яшашнинг уддасидан чиқолмади, ёш умрини хазон қилди. “Ошкора қотиллик

қиссаси”да Анхела Викарио характерида қўрқоқлик билан биргаликда қатъият ва ўзгалар фикрига ишонини, лақмалик бор эди. Иккита иблисона дугоналарининг маслаҳати билан бор ҳақиқатни онасидан яширди. Одамларни, ўзини алдади: қизлик шаъни ва покликни оёқости қилиб, тақдир қаҳридан қўрқмай бошига гулчамбар кийиб, оқ рўмол ўради. Унинг ўйламай қўйган қадами ва ўзгалар тақдирига бепишандлиги йигирма бир ёшли йигитнинг умри ўз акалари томонидан қирқилишига ва акаларининг ёш умри қамоқда ўтишига сабаб бўлди.

“Чаёнгул” қиссасида қотиллик қилиш, синглисининг қасдини хун орқали олиш Гулгуннинг хаёлида йўқ эди. Терговчи Зобитовдан Ашурни қамай олмасликларини эшитиши, юз берган воқеаларда аёлларни айбдор қилиши тўлиб турган паймонасига охирги томчи бўлди. Қасос ўтида кўзи қонга тўлди. “Ошкора қотиллик қиссаси”да ака-укаларнинг кўнглида Сантьяго Насарни дарҳол, исини чиқармай ўлдириш нияти бўлмаган, улар юз беражак қотилликка кимнингдир ҳалақит беришини иташган, қўлларидан келган барча ҳаракатни қилишган, аммо бирор кимса уларни бу йўлдан қайтармаган. Улар ноилож одамқушликка қўл уришган. Душанба тонгида ака-укаларнинг Сантьяго Насарни ўлдириш ниятида қўлида пичоқ билан юрганидан шаҳар аҳлининг кўпчилиги хабардор эди, лекин ҳеч ким бу қотилликка қарши чиқмади. Бутун халойиққа олдиндан маълум этилиб, сўнгра амалга оширилган оламшумул қотиллик юз берди. Дастлаб ака-укалар пичоқ ўтқирлагани бозорга бориб, ниятини йигирма иккита одамнинг ичида айтишади, йигирма иккита инсон огоҳ бўлди. Кейин сут дўконига киришган ва у ерда ўн бир кишининг ичида ниятларини ошкор

қилишган. Ака-укаларга ҳеч ким қаршилиқ кўрсатмади, йўлини тўсмади. Гулгуннинг пичоқ кўтариб кўчага чиққанини Адҳам муаллимнинг уйигача тинмай гапириб бораётганини қўшнилар кўрган бўлиши ёки эшитиши мумкин эди, лекин ҳеч ким уни йўлдан қайтармади.

“Мен қамоқхонага бориб қотиллик қилган аёл билан суҳбатлашдим. Аёл ўша пайтдаги ҳолатини изоҳлаганда ўлдириш ғояси пичоқни кўргандан кейин келганини, йигитнинг уйи улардан кейин учинчи кўчада эканлиги, бора-боргунча ўлдираман деб борганини айтган. Гулсумнинг нутқидан: “Ўзим ҳам қандай уйга келганим, пичоқ қўлимга қаердан тушиб қолганию қачон йигитникига етиб борганим, ҳатто ичкарига кириб, қотиллик қилганим ҳеч бири ёдимда йўқ. Ҳушим ўзимга келганда эса ҳаммаёқ пойимда ётган ўша қизчанинг қони билан бўялганди. Лекин бирор кимса мени тўхтатишга уринмаганди...”. (*Ёзувчи билан суҳбатдан*)

Г.Маркес қиссасида қотиллик юз бериш сабаб ва оқибатлари ровий тилидан ҳикоя қилинади. Муаллиф асосий фокус нуқтани қотилликнинг юз беришига олиб келган сабаб ва оқибатларни воқеалар фониди ёритишга ҳаракат қилади. Юз берган воқеалар тафсилотини гоҳ ўзи баён этиб, изоҳ бериб борса, гоҳида терговчи каби қаҳрамонларни саволга тутиб, жумбоққа ечим излайди. Қиссада ёзувчининг бадийий нияти ўз давридаги жамиятга, одамларга лоқайдлик, томошабинлик ва бепарволикнинг қандай оқибатларга олиб келишини уқтириш эди.

Турли хил ижтимоий муҳитда ижод қилган, турли миллат вакили бўлган ижодкорларнинг бадийий яратилардаги муштаракликлар бежизга эмас. Инсон Яратувчи измида ва назоратида бўлиб, тақдир

– қисмат битигидан қочиб қутулолмайди. Асарда ижодкор янгилиги воқеалар тафтиши орқали қотилликнинг асосий сабабчиси ким, воқеалар оқимини бошқа ўзанга бурганда фожианинг олдини олса бўлармиди, жумбоғига жавоб ахтаради. Лекин қисмат барча савол-жавобларда ўз тасдиғини топиб боради. Битта оиланинг хор бўлиши Чаман, Гулгун, Гулшод фожиаси бу тақдир битиги. Сантьяго Насарнинг ўлдирилиши ҳам инсон тақдирнинг измида эканлигига ишора эди. Адибнинг воқеалар тафсилотига эмас, психологик таҳлил, миллий характерларга асосланган қиссалари адабиётнинг асл вазифасига – инсон ва унинг тақдири, кўнглини тадқиқ этишга йўналтириш йўлидаги изланишлар самарасидир.

ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД ИЖОДИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИДА БАДИИЙ ТАЪСИР МАСАЛАСИ

Хуршид Дўстмуҳаммад КАТТА адабиёт вакили, инсоннинг руҳий оламини парадокслар асосида ёритаётган, насрда ўзига хос услубга эга новатор ёзувчи Темур Пўлатов асарларининг таржимони, тадқиқотчиси ва мухлиси. Темур Пўлатов ижоди ҳар доим Хуршид Дўстмуҳаммадни илҳомлантирган, бадиий-услубий йўналишини белгилаб олишда, ижодий концепциясини яратишда устоз вазифасини бажарган ёзувчи. Х. Дўстмуҳаммад рус тилидан таржима қилган “Етти – ҳузур ҳаловат ва қирқ – қайғу алам” романи ва “Жалолиддиннинг сўнгги суҳбатдоши” ҳикоясининг муаллифи Т.Пўлатовнинг барча асарларига сўзбошилар ёзди, роман, қисса ва ҳикояларини таҳлил ва талқин қилди⁸¹. Ёзувчини ҳар доим Т.Пўлатовнинг ижод олами оҳанрабодай ўзига тортган. Унинг асарларидаги қаҳрамонлар, танлаган мавзулар, тасвир маҳорати, парадокслари Х.Дўстмуҳаммаднинг янгича йўналишдаги битикларига туртки бўлди.

Т.Пўлатов асарларининг ўзига хослигини белгилайдиган муҳим жиҳат унга ижодий устоз бўлган ёзувчилар билан ҳам боғлиқ. Ёзувчи Фёдор Достоевский, Андрей Платонов, Садриддин Айнийни кўп ўқийди. Шу сабаб унинг ижодий услубида уларнинг таъсири, уларга ижодий яқинлик сезилади. Асарларида бугунги кун ва тарих омукта тасвирланади. Адиб адабий характерлар тасвирланган “Бўлак манзилгоҳлар” (Исҳоқ Беков), “Ғойибнинг иккинчи сафари” (Ғойиб чол), “Макон” (Бургут), “Шинаван-

⁸¹ Дўстмуҳаммад Х. Ҳаётнинг вазмин жилвалари // Ижод – кўнгил мунавварлиги. – Т.: Mumtoz so'z, 2011. – Б. 49-84.

да” (Охун) қиссалари, “Бухоро хонадонининг кечмишлари” (Душан) роман трилогияси ва “Тарозий тошбақаси” (Тарозий) романини яратди. Т.Пўлатов ижодининг ҳассос тадқиқотчиларидан яна бири адабиётшунос олим И.Ғафуровнинг фикрича, “Темур Пўлатов инсон коинотга учиб чиққан замоннинг ёзувчи-эртақчиларидан бири”. Фольклор жанри бўлган эртақда болалик оламини тарк этмаган болаларча беғубор, содда, ҳамма нарсадан фақат яхшилик ахтарадиган қаҳрамонлар ва уларнинг ҳаёт воқеалари ҳикоя қилинади. Т.Пўлатов қаҳрамонлари ҳам табиатан содда ва беғуборлигидан инсоний фазилатлари яққол кўринади. Ёзувчи наздида, соддалик – болаларча чин беғуборлик ва гўзал самимиятнинг асоси. Улар бола каби содда ва таъсирчан, шу билан бирга нарса, ҳолатларни ўзгача нигоҳ билан кузатади ва улардан биз кутмаган хусусиятларни кашф қилади. Ҳозирги глобаллашув даврида унинг ўйчан, мулоҳазакор қаҳрамонлари адабиёт оламида янгилик эди. Адабиётшунос Т.Солиҳов ҳозирги замон адабиётида психоанализ талаб этилаётгани, чунки илгариги тафсилотли сюжетлар ушбу кун кишиси учун завқ бермай қўйганини эътироф этади. Шунинг учун ҳам Т.Пўлатов асарларининг китобхонлари кўп ва унинг асарлари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилаётгани бежизга эмас.

Т.Пўлатов борлиқни интуитив кузатиши асосида муқаррам яратилган янги қирраларини, ҳақиқатларини кашф қилади. Асарларида фантастика ва реалликни омухта тасвирлайди ҳамда афсона, ривоятлар асосида инсоннинг маънавий-руҳий оламини ёритади. Инсон, табиат ва жамият бирлигини рамзлар қатига сингдиради. Шунинг учун ҳам асарларида воқеалар оқими сокинлашиб, қаҳрамонлар-

нинг фикр-мушоҳадалардаги фаоллиги бош ўринга чиқади. Ю.Борев “образ иждокор учун фарзанд сингари, ота-она фарзандини ўзи орзу қилган касб эгаси бўлишини, мукаммал инсонга айланишини хоҳлайди ва шу йўлда ҳаракат қилади”, деганда ҳақли эди. Зеро, ёзувчининг ўзи: “Менга хаёлкаш, ўйчан, дардли, бироз ғалатироқ қаҳрамонлар яқин. Мана шундай қаҳрамон ва мана шундай санъат – осуда ва улуғвор, майдалик ва юзакиликдан йироқ, теран моҳиятга эга бўлади. Давр ўз тўлқинлари билан қоядай турган шундай қаҳрамонга келиб урилаётгандай бўлади, лекин тўлқин бу қояга келиб урилиб, орқага қайтганда, олижаноброқ бўлиб қайтади”⁸². Унинг қаҳрамонлари ҳаётда унчалик омади юришмаган, лекин ўзлигини унутмаган, ота-боболардан қолган анъаналарни асосий қадриятга айлантирган, дунёни ҳайрат билан кузатадиган оддий инсонлар. Улар ўз ўтмишларини, томирларини ахтаради, ўтмишга қайтишга интилади. Ҳар бир ёзувчининг ўзига хос услуби, бадиий концепцияси ҳақида Фитрат қуйидагича мулоҳазалар билдирган: “...ҳар бир ёзувчининг ўзига хос махсус бир услуби бор. Шоир ёзувчи санъаткорликда кўтарила борган сойи ўзига махсус бир услуб ярата бошлайдир. Шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш шакллари тугал, комил бўлғач, ўзига яраша бир услуб ҳам борлиққа чиққан бўладир”⁸³. Адиб асар моҳиятини афсона, ривоятлар ва рамзлар асосида кодлаш билан бирга қаҳрамонларини уларнинг ички олами ва воқеликдаги ҳаракатига мос тарзда рамзий номлайди. Улар оломондан юқори турадиган Шахс даражасидаги характерлар.

⁸² Пулатов Т. Ғойибнинг иккинчи сафари. – Т.: Ғафур Ғулом, 1983. – Б. 13.

⁸³ Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 26.

Исҳоқ Беков – ўз даврининг илғор, яратувчи, бек инсони, Қулихон Эгамов – тақдирнинг қули, итолқор, садоқатли инсон, Нуоров – келажакда нузли ҳаёт яратувчиси, Бенишон – маънавияти қусурли, инсоний фазилатлари тўла шаклланмаган, инсоният ва ҳайвонот олами оралиғидаги, икки жиҳатни ўзида жамлаган. Тарозий – инсон ҳақидаги энг эзгу ҳақиқатларни тарози палласига тортиб, ҳақиқат улашиш йўлидаги дарбадар қаҳрамон. Армон – инсон орзулари ўзига эш бўлади, лекин ҳар доим ҳам ушалавермаслигига ишора. Ғойиб – фоний дунёдан боқий дунёга сафари кутилаётган инсон. У ғойиб бўлиши, кетиши керак. У мана шу сафарни хурсандчилик билан қабул қилади. Душан – омадсиз инсонлар тимсоли, уларнинг ўз ҳаётини ақидалари бор, шунинг учун ҳам улар бойликка қизиқмайди. “Душан” – “Нашуд” қаҳрамоннинг қисмати, характерининг ифодаси. Т.Пўлатовнинг барча асарлари қаҳрамонлари координатлари аниқ белгиланган макон ва замон хронотопида ҳаракат қилади. Ёзувчи ҳар бир асарида Бухоро ҳаёти, бухоролик инсонларнинг ажиб соддаликларини, уларнинг ташвишларини чизади. Қаҳрамонларининг барчаси замонавий инсонлар, яъни ёзувчи замон билан ҳамнафас. Изланишлар ўқилдида Т.Пўлатов орқали Х.Дўстмуҳаммад ижодининг сеҳрли кучини топиш, асарларидаги англаган ва англамаган ички изтироблар, кузатишлар моҳиятига етиш мақсади туради.

Т.Пўлатов мавзу, танлаган қаҳрамонлари ва ифода усули билан адабиёт оламига янгича оҳанг олиб келди. Х.Дўстмуҳаммад таъкидлаганидек, “Адабиёт – инсонни тушунишга уринишдир. Ҳар бир ижодкор, ҳар бир асар инсонни қайтадан, янгитдан, мутлақо ўзгача нуқтаи назарлардан тушунишга ҳаракатдир.

Катта адабиёт анъаналардан воз кечилган жойда яратилади! Энг буюк асарлар ўзларигача ҳукм сурган анъананинг инкори ҳисобланади!”⁸⁴. Тадқиқот объекти бўлган ижодкорлар турфа янгилик ва экспериментлар асосида бадиият оламини давр руҳи билан ҳамнафас ўзгача оҳанглар билан бойитмоқда. Ҳар бир яратилган бадиий асарда ёзувчининг эстетик идеали, ички изтироблари, бадиий пафоси қаҳрамонлар образида акс этади. Ф.Достоевский ўз хатларида шундай ёзган эди: “Бутун асар давомида ҳаракат қилувчи қаҳрамонларнинг ҳар бири ёзувчининг сочилиб кетган “мен”ларидир. Уларнинг ҳар бири ўзида ёзувчининг дардини, ниятини, армони-ни ташийд”⁸⁵. Ёзувчининг шахсияти, дарди, айтмоқчи бўлган гапи бадиий асарда асосан бош қаҳрамоннинг ҳаётий ақидалари, кечмишлари, хатти-ҳаракатлари ва нутқида ўз аксини топади.

“Ғойибнинг иккинчи сафари” қиссасида табиат ва инсон муаммоси кўтарилади. Қисса мангулик, ўлим, тақдир ҳақидаги фалсафий асар. Ёзувчи инсоннинг табиатни маҳв этувчи кучини Ғойиб чол кузатиши орқали талқин қилади. “Ота-боболари: олдин биздан ўрмон кетиб қолди, ундан ҳам олдин дарё кетиб қолган, деганларидай, бугун одамлар биздан балиқ кетиб қоляпти, дейишарди, чунки улар табиатдаги барча ожиз нарсалар саҳрога жой бўшатиб беришларини билардилар...” Қаҳрамон хулосаларини мажозий маънода Орол денгизининг инсониятни тарк этаётганига ишора деб билишимиз ёки инсоннинг борлиқ оламидан йўқликка юз тутиши, дунё ўткин-

⁸⁴ http://www.nurzamon.uz/article_view.php?id=504. Абдулкарим Баҳриддин суҳбатлашди.

⁸⁵ Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Художественная литература, 1972. – С. 301.

чилигининг ишораси, дейиш мумкин. Қисса ҳақида ёзувчи шундай деган: “Орол денгизининг ўлимини кўриш, бир халқнинг ночор қолганини кўриш... Агар табиатни инсон ўз қўли билан ўлдирса, ўзи ҳам келажакда ғойиб бўлиши ҳақида...”

Ғойибнинг ўткинчи оламдан ҳақиқий оламга сафар қилиш фурсати етган. Бу қаҳрамоннинг тушида яён бўлди. Тушида ажал даракчиси калхатни кўрди, ажодлари, отаси уни ўзларига чорлади. Ғойиб чол ўлимни табиий қабул қилди, чунки у ўлимни табиат мувозанати деб билар эди. Қисса моҳиятида инсон дорилбақога сафар қилгач, табиатига кўра қиёматгача жонли ёки жонсиз нимагадир айланади, ҳаловат топмайди, деган мифологик қараш ётади. Қисса оддий воқеалар тасвирига қурилгандай, лекин воқеалар моҳияти рамзлар қатига сингдирилганини, асл маънини англаш ва англаш йўлидаги изтиробини тортиш китобхон ҳукмига ҳавола қилинади. Денгиздаги олишув ва жараёнлар худди борлиқ ва йўқлик орасидаги инсоннинг ташвишлари, умр талотўплари. Сувнинг таги ва қайиқ – инсонлар қабристонини. Сув – ўткинчи умр. Липиллаб бораётган қайиқ – елкама-елка бораётган тобут. Ғойиб мангу ва осуда маконга етди. Дастлаб оролда Ғойибга қайиқ олишга ўғли ва оролликлар қарши чиқишди, невараси Прошкани қоровул қилиб қўйишди. Бу ҳолат инсонларнинг ўлимга қарши чоралар кўриши бўлса, Ғойибнинг сўнгги манзилига етиб олиши тақдир ҳукмига ҳеч ким бас келолмаслиги ишорасидир.

“Бўлак манзилгоҳ”лар қиссаси асосида ўз маконига, ўзлигига ва алалоқибат ҳақиқий дунёга қайтиш фалсафаси ётади. Беков ўз эътиқоди йўлида ҳамма нарсадан ўз шахсий бахтидан, манфаатдорликдан, ҳовли-жой қуриш, бола-чақа орттиришдан воз ке-

чади. Ёшлигини халққа, тузум сиёсатига бахшида қилади, лекин ўз маконига келганида уринишлари бесамар, эътиқоди сароб эканини англайди. Бу англамлар асосида Шахс фожиаси ётади. Аммо Беков битта саквояждан бошқа ҳеч нарсаи йўқ, қалбан пок, ҳақиқий фидойи инсон. Ёзувчи суҳбатларида қиссага тузум сиёсати туфайли умри поёнида афсус-надомат қилган отасини прототип қилганини айтади. Отасининг исми ҳам Исҳоқ эди. Қисса бутун совет тузумининг фожиасини ёритади.

“Тарозий тошбақаси” романида афсона, ривоят ва рамзий тасвир асосига замонавий муаммолар сингдирилган. Ёзувчи романи тошбақага айланган савдо ходими ҳақидаги афсона асосида яратди. Тарозий Шарқнинг буюк алломаларини эслатади. “Қаерга бормасин бегона, одамларга эликмайди. Кўринишидан хотиржам, худди ҳеч кимни бир чақага ҳам олмайдигандай... аммо ундай эмас! Исёнкор... юраги ҳам доим қанақадир ғаш! Нимани ахтаряпти бу дунёдан?”⁸⁶ У ҳам ҳар доим якка-ёлғиз, дарбадар, чунки у ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, ҳеч ким ўйламаган ишларга қўл уради, Яратган қудратининг синоатини фош этгиси келади. Шу йўлда умрини совуради, тошбақашуносликда кашфиёт қилмоқчи, тошбақа-одамни аслига қайтармоқчи, ҳақиқий инсонга айлантarmoқчи бўлади. Тарозий ҳақида ҳақиқат Бенишон томонидан айтилади: “Буям ҳов занжирбанд мурданинг ўзи... Эзгу иш йўлида буям қасд қилган... лекин буям жазоланган...”⁸⁷

Тарозий изланишларига эврилишга учраган қаҳрамоннинг ҳаёти якуний хулоса бўлди. Таносухнинг

⁸⁶ Пулатов Т. Тарозий тошбақаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 198.

⁸⁷ Кўрсатилган манба. – Б. 289.

тадқиқотлар натижасида одамга айланиши ва яна аслига қайтиши Яратганнинг қудратидан дарак беради. Бенишоннинг тўла шаклланмаган маънавий, руҳий олами, инқироzi, қиёфасиз инсон фожиасини Прометей ҳақидаги қолипловчи афсона асосида ёритади. Бенишоннинг барча жисмоний-руҳий изтироб ва азоблари инсоннинг ҳақиқатни билишга интилиши рамзи эканини асослайди. Паҳлавон Прометей мисоли тузтепага занжирбанд қилинган жасад, уни қоплаган туз қатламининг оппоқ нур таратиши, жасаднинг заррача айнамаганлиги олий ҳақиқатга ишора. Бенишоннинг олий ҳақиқат бетига оёқ қўйиши, “руҳан айнаш жисман айнашни тезлаштирган”⁸⁸. Ёзувчи ўз қаҳрамони устидан мана шундай аччиқ ҳукм чиқаради. Тарозийнинг “Ялқовлик тароналари”, “Олампаҳо ҳузурида” рисолаларида бугунги кунда кўз олдимизда юз бераётган, биз эътиборсиз қолдираётган жамиятнинг оғриқли нуқталари, бизнинг заиф томонларимиз тафтиш қилинади. Шу маънода Тарозий – англаш ва билиш рамзи.

Тарозийнинг ҳақиқати: “... мен энг асосий нарсамни – озодлигимни, ҳаётимни ютқизсам, унда... менга аталган бургут ҳам учиб келади... Ва менда ҳам тапасух рўй беради”⁸⁹. Тарозий ҳаётнинг қадрига етиш, инсонга берилган синовли умрни мақсадли сарфлаш йўлида ҳаракатдаги оломондан юқори, қолипларга сиғмайдиган озод инсон.

Т.Пўлатов фарзандни ёшлигидан миллий анъаналар руҳида тарбия қилиш ва янги давр кишисининг камоли каби жамиятнинг оғриқли муаммоси кўтарилган “Бухоро хонадонининг кечмишлари” романини яратди. Романда эътиқод аралашувининг

⁸⁸ Кўрсатилган манба. – Б. 260.

⁸⁹ Кўрсатилган манба. – Б. 289.

фожиаси Душан тимсолида акс этди. Душан ҳақида Х.Дўстмуҳаммаднинг мулоҳазаси: “Одамлар билан эшилиб-қўшилиб кетишнинг уддасидан чиқмайди. Бамисоли бозорда харидорини топмаган дардисар бир буюм!”⁹⁰ Душан характери ва ҳаётига Бобоси изоҳ беради: “Сен аросатдасан. Икки хил – анъанавий ва замонавий турмуш тарзи, икки тил, икки дин орасида, битта ҳодисага – дейлик, туғилиш, ўлиш ҳодисаларига икки хил қарашлар орасида яшаяпсан... Сенга ғоятда оғир, чунки икки хил турмуш тарзи ишқаланавергач, ҳаёт ҳарорати қайнаш даражасига бориб етади...” Душаннинг фожиаси жамиятдан, оиладан, одамлардан узиб олинган муҳитда ўсгани, улғайганлигида деб биламиз.

Романда ака-ука суҳбатида жамият инсоннинг камолоти, инсонийлигини шакллантирувчи олам эканлигини асослайди: “...зарурати сезилган янги одам, идеалдаги одам табиатнинг қурсоғида, тухумида. Табиат уни барвақт туғаётгандир. Бундай тухумлар ёриб чиқиши учун теварак-атрофда қалб ҳарорати ниҳоятда оз. Ундай тухумлар миллион йиллар ётиб тошга айланади”⁹¹.

Т.Пўлатов ва Х.Дўстмуҳаммад асарларида инсон сийратини, унинг руҳий, маънавий фожиасини давр билан боғлиқликда ёритади. Чунки уларни шу давр етиштирган, уларнинг қисмати даврдан айро кечмайди. Иккала ижодкор асарлари мутолаасида таъсир симфониясини ҳис қиламиз, мулоҳаза юритамиз. Улар яратган характерлар синов учун берилган умрда муносиб инсоний яшашга, дунёни теран англашга чорлайди. Улар инсонларни дунёнинг барча

⁹⁰ Дўстмуҳаммад Х. Маърифат дарвозалари // Тарозий тошбақаси. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2019. – Б. 8.

⁹¹ Пўлатов Т. Бухоро хонадонининг кечмишлари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2019. – Б. 712.

Ўткинчи ҳою ҳавасларидан устун туришга, одамларга эзгулик нигоҳи билан қарашга, умрнинг ҳар лаҳзасидан роҳатланиб яшашга ундайди ва йўналтиради. Тарозий фалсафаси, интилишлари, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган тажрибалар ўтказишга ҳаракат қилиши билан Х. Дўстмуҳаммаднинг “Куза...” қиссидаги Устоз билан ҳамоҳанг. Тарозий инсонни англаш, ўзликка қайтиш, яъни инсон маънавий қиёфасини қайтариш йўлида тинимсиз меҳнат қилди. Ва алалоқибат инсон Яратган битигига қойим эканлигини тан олди. Устоз инсон доимо Яратувчи измида, кузатувида туришини англаши, маънан покланиш, руҳан юксалишга олиб келиши йўлидаги англамларини бутун инсон зотига англатишга киришди, аммо абадий маконга қайтиш фурсати етганди. Унинг англамлари, кузатишларини шогирди давом эттиришидан умид қиламиз. Тарозийнинг шогирди Армон устознинг армонларини амалга оширувчи. Устоз буюк англамларни англатишда йўлбошчи.

Т.Пўлатов асарларига моҳиятни ўзида жамлаган катализатор қаҳрамонларни киритади. Катализатор қаҳрамонлар воқеалар маромини тезлаштирувчи ва ички зиддиятларни янада чуқурлаштирувчи вазифани бажаради. Жумладан, “Бўлак манзилгоҳлар”да Нурув, “Ғойибнинг иккинчи сафари”да Ойша, “Бухоро хонадонининг кечмишлари”да бобо ва “Тарозий тошбақаси”да Бенишон каби қаҳрамонлар бўлиб, асосий жараёни улар ривожлантиради. Х.Дўстмуҳаммад қиссаларида ҳам ана шундай қаҳрамонлар воқеалар тизгинида асосий бўғин бўлиб, улар бадиий ҳақиқат томон етаклайди. Жумладан: “Нигоҳ”да чол, “Паноҳ”да Кимсан, “Сўроқ”да келгиндилар, “Куза...”да Опа, “Чаёнгул”да Акбар, “Оромкурси”да “Интизом”чилар каби.

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Нигоҳ” қиссаси ноанъанавий услубда ёзилган. Ёзувчи воқеалар баёни, ҳодисаларни иккинчи планда тасвирлайди. Бош планда трамвай ҳайдовчиси Бекнинг “Волга” машинасини уриб юбориши натижасида руҳиятида юз берган пўртаналар, онгидаги маънавий уйғонишни акс эттириш масаласи туради. Ёзувчини воқеа юз бергандан кейинги жараён, тафтиш қизиқтиради. Айни пайтда виждони уйғоқ инсонлар ўзини доимий кузатади, назоратда тутатади. Руҳияти пок инсонлар бировлар таъқибидан, нигоҳидан қочмайди, оламга, одамларга теран нигоҳ билан қарай олади. Қисса моҳиятидаги инсон оламга кўз қарашлари асосида ўз ҳаётини ақидасини яратади, унинг кузатишлари ҳаёт йўлини белгилаб беради, мулоҳазалари сийратимиз, ўзлигимизга назар ташлашга ундайди. Қиссада: “...ҳар ким умр бўйи қандайдир нигоҳлар кузатувида юради, уларни унутган дамда имонидан айрилади, қадр-қимматини оёқ ости қилган одамгина улардан қочади, қочмоқчи бўлади...”⁹² – дейилади. Асар қаҳрамони Бек бўлиб ўтган воқеаларни теран кузатади, нозик илғайди. Бу кузатиш ва илғамлар қаҳрамон қалб призмасидан ўтиб, тафаккурини уйғотади, қалб ойнасига қўнган ғуборни тозалайди. Бек ҳар доим ўз-ўзини тафтиш қилишдан, ўзлигини танишдан қочади. Ўзлигини танимаган инсон ўзгаларни танимайди, ўзгалар нигоҳига тик қарай олмайди.

Ёзувчи қиссада асосий маънони туш ва сув тимсолларига юклайди. Қиссаларда туш ошиқларни учраштиради, аждодлар билан боғлайди, огоҳликка чорлайди. “Нигоҳ”да туш детали қаҳрамонни уйғоқликка чорласа, сув детали Бек қалби кирларини

⁹² Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Нигоҳ. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 65.

покловчи, нигоҳини тозаловчи, ички изтиробларига барҳам берувчи восита сифатида тасвирланади. Шунинг учун қахрамон ички изтиробларини, виждони ни қийнаётган воқеани сувга айтади. Бек ўзи билан орани очиқ қилишга фурсат ва вазиятни кутади. Кузатувчи томонидан Бекнинг ҳаракатлари шарҳланади. Кузатувчи Бекнинг уйғоқ виждони, “мен”и. “Сен ўзингдан, бошқалардан, “Волга” шофёридан, ҳатто касб-корингдан нафратланганинг туфайли ҳам вагонни тўхтатишга улгурмагансан”⁹³. “Нима бўлса бўлар!” деган хаёлга борганинг гуноҳингдир. Энг разил гуноҳлар ҳам ҳамма нарсадан қўл силтанган лаҳзада бошланади. Ўспиринлигида қилган гуноҳи – эгасига қайтарилмаган беш сўм пулни сўрайди. Бек ким билан суҳбатлашганини ҳам билмайди. Лекин шундай энгил тортдики, ичидаги ҳамма ғуборлар кетиб, энгил бўлиб қолган, турмуш ташвишлари барчаси арзимасдай туюлади. Инсон, аввало, виждони олдида ўзини ўзи кузатиши, атрофдагиларнинг кузатувчилиги ва ҳар доим Яратгувчининг назорати остида эканлигини унутмаслиги лозим.

Х.Дўстмуҳаммад янги қиёфадаги, шахсликка интилаётган, ўзлигини англашга ҳаракат қилаётган янги инсонлар образини яратди. “Тарозий тошбақаси”да Бенишоннинг “занжирланган мурда” ҳақидаги ҳақиқатга зид хулосаси унинг жисман эврилишини тезлаштирди. “Нигоҳ” қиссасида Бекнинг “Нима бўлса, бўлар” деган хулосаси, ўзига, атрофдагиларга зиён келтиргани каби. Тарозий Бенишонни аслига қайтаришга ҳаракат қилмасин, уддасидан чиқмади. Қоровул чол Бекни руҳан ва маънан поклашга ҳаракат қилди. Бек англаган ҳақиқат: “Сендақа одамнинг бутун умри булбулнинг бир марта мастона хонишига арзимади”. Бенишон англаган ҳақиқат инсоният

⁹³ Кўрсатилган манба. – Б. 31.

оламига у муносиб эмас, тошбақа ҳолича қолиш унга энг тўғри йўл.

Х. Дўстмуҳаммад қиссаларида Т.Пўлатов каби воқеаларни, мазмунни рамзлар билан кодлайди. “Нигох” қиссасида ижодкор концепцияси инсоннинг назоратда эканлиги рамзий маънода кузатувчи нигохлар орқали берилади. Бекнинг виждони билан юзма-юз келиши, сувга кўнглини ёриши, хаёлий савол-жавоб жараёнида ойдинлашади: “Мен ундан муқаддасроқ қондани назарда тутяпман”, “Мен ҳеч қайси қоғозга тушмаган ва тушмайдиган гуноҳни айтяпман”⁹⁴. Яъни қоғозда битилмайдиган, қонун йўли билан талаб қилинмайдиган қонун-қоидалар жамланмаси, инсонийлик фазилатлари инсоннинг таянч нуқтаси, инсонликнинг бош мезони эканлигига ишора қилади.

“Паноҳ” қиссасида содир бўлган зилзиланинг инсонлар ҳаётида ясаган инқилоби, бунинг натижасида қаҳрамоннинг онг ости ҳолат ва кечинмалари, тафаккур қатламини тўзғитиб юбориши воқеалари қуроқларда ҳикоя қилинади. Қуроқ воқеа-хаёллар қаҳрамоннинг ўтмиши ва бугунги кунини ҳикоя қилиш асносида келажагини тасаввур қилади, шу билан бирга башорат ҳам қилади. Қуроқларнинг ранг-баранглиги инсоннинг сирли олами, ҳаётнинг бир маромда кечмаслиги, муносабатлар мураккаблиги, эътиқодда собитлик, қадриятлар муқаддаслигидан далолат. Асар қаҳрамони Опасининг уйидан чиқиши, ер қимирлашининг содир бўлиши ва ўз уйига етиб келгунча бўлган фурсат ва масофа ичида жисман фаол ҳаракат қилади ва тафаккур эврилишларини бошдан кечиради. Ёзувчи юз берган воқеаларни мозаика усулида парчаларга бўлиб тас-

⁹⁴ Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Нигох. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 68.

вирлайди. Бунда қахрамоннинг воқеликдаги ва онг ости кечинмалари параллел ҳаракат қилади. Асардаги реал воқеалар мақсад ифодалашда ниқоб, ёзувчининг асосий нияти, асарнинг ядроси қахрамон тафаккурида юз берган ҳолатни ёритиш эди.

Қиссада Жўба қишлоғида юз берган табиий офат талотўплари Аҳмадалининг онг ости призмаси орқали тасвирлангани сабаб улар узук-юлуқ ҳаёт лавҳаларидан иборат кадрга ўхшайди. Воқеалар баёнида тизим йўқлиги китобхондан сергакликни талаб қилади. Муаллиф воқеаларга қахрамон Аҳмадали нигоҳида қарайди, баҳо беради, изоҳлайди. Аҳмадали зилзила бошланганида опасининг уйдан юз қадамлар узоқлашган эди, лекин ўрндан туролмай ётган касал опасини орқасига қайтиб бориб қутқариш ҳаёлига келмади: уйига ошиқди. Аммо қахрамон уйига етгунча бўлган масофада ёрдам сўраб олдидан ким чиқса, ҳаммага ёрдам берди. Исломий манбаларда инсоннинг муҳтож инсонга қилган яхшилиги ўзига қилган яхшилигидир, дейилади. Фалсафий жиҳатдан қарасак, Аҳмадали зилзилада катарсис (покланиш, қахрамоннинг кечинмаларни қалбда қайта кечириши) ҳолатига учрайди. Унинг зилзила пайтдаги ҳолати, ўзлигига назар ташлаши, тозариши – катарсис ҳолати эди. Аҳмадали характерида синиш, парчаланиш юз беради. Бири ҳаракатдаги Аҳмадали, иккинчиси ўй-хаёллар гирдобидаги, воқеа-ҳодисаларга баҳо берувчи Кимсан образи. Янги Кимсан Аҳмадалининг ўзлигини англаши “мен”и эди. Янги Кимсан Аҳмадалига: “Жўн одам бўлиб ўтасан, дунёдан, тушунаяпсанми?.. Кўзингни каттароқ очадиган, қишлоғингни, киндик қонинг тўкилган тупроғингни ўйлайдиган пайти келди”⁹⁵, – дейди. Ёзувчи реал

⁹⁵ Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Паноҳ. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 115.

ҳаётдаги ер қимирлаши билан биргаликда қаҳрамон ички оламида содир бўлган зилзиладан қудратли ҳодиса ўзликни англаш, “мен”ни топиш, шахслигини таниш ҳодисасини параллел тасвирлайди. Қиссада адиб услубига хос муҳим жиҳат асарнинг мойасини рамз қатига сингдириши Кимсан ва она ўрик Гулиноур образларида акс этади. Аҳмадалига она ўрик, ота ҳовлиси – паноҳ, Аҳмадали улардан айро яшолмайди. Асардаги она ўрик нафақат Аҳмадали ўсиб унган ҳовли, қишлоқнинг, балки бутун авлоднинг тарихи, келажакнинг рамзи сифатида гавдалантирилган: “Она ўрикнинг ҳар шивири Жўба қишлоқда яшаб ўтганлар саси...”, “Япроқлар онанг чеккан дардларни шивирляпти...”, “Она ўрик ағдарилиб, шохлари тегар тегмас қовжираб ёниб кетганмиш!...”⁹⁶ Она ўрикнинг ағдарилиши қишлоқнинг кули кўкка соврилишига, авлодлар эътиқод кўйган қадимий анъаналар парчаланишига ўхшатилади. Зилзила оддий табиий офат эмас, балки Жўба қишлоғи одамларини уйғоқликка, ўзликка назар ташлашга сабаб бўлган воқеа. Асарда Аҳмадали ва Кимсан савол-жавоби, Абдиали ака ва терговчи, ёки Аппон закун савол-жавоблари аралаш берилиши орқали ўтмиш ва бугун, миллий ўзликни англаш, қадриятларга муносабат ёритилади. Ота уйнинг қадрдонлиги, Она ўрикнинг қадрият эканлиги, этнинг тирноқдан ажралиши бежиз эмаслиги таъкидланади.

“Паноҳ” қиссада рамз сифатида Она ўрик–Гулиноур ва тирноқнинг кўчиши танланади. Она ўрик – миллий қадрият. Абдиали ака қадриятларига содиқлиги туфайли ўз даврида жазоланди. Зилзила юз бериши, Она ўрикнинг силжиши, тирноқнинг кўчиши миллий қадриятлар инсонга паноҳ эканлиги, улардан айро яшолмаслигидан нишона.

⁹⁶ Кўрсатилган манба. – Б. 115.

“Оромкурси” қиссасида “оромкурси” инсондаги тийиқсиз майл, касаллик рамзи. Қаҳрамонда иштиёқ, дард кинода кўрган бир жуфт оромкурси ҳамда ўша оромкурсиларга диққатни тортадиган ёруғ жаҳоннинг энг саодатманд жуфти ҳалолидек таасурот қолдирган эркак ва аёлнинг меҳру муҳаббати сабаб пайдо бўлди. Оромкурси ишқи ошиқ-маъшуқ ишқи даражасига етади. Оромкурси малаксиймога айланади, уни ҳатто шимидан ҳам қизғанади. Дарднинг давоси ҳам оромкурси билан якун топди.

“Сўроқ” қиссасида “Учар баркаш” ва “Келгиндилар” рамзий маънода инсонни уйғоқликка, огоҳликка чорловчи, саволларга жавоб топишга ундовчи сўроқ-овоз. “Ёлғиз” қиссасида бозор, қамоқхона, данак, дўппи, бармоқ тимсоллари рамзий маъно ифодалайди. Бозор ва қамоқхона А.Қодирий яшаган тузум, давр сиёсатининг қиёфаси. Дўппи, бармоқ, данак тимсоллари ёзувчининг топилмалари, яъни Шахслар оломондан юқори туришини асословчи далиллардир.

Т.Пўлатовнинг “Бўлак манзилгоҳлар” қиссасида Бековнинг китель ва саквояжи – рамз, давр ва шахс фожиасининг рамзи. “Тарозий тошбақаси”да эрилиш ҳодисаси ва Тарозийнинг ўзи рамзга айланган. Яратган қудратига қойим бўлиш ва ҳаётни билиш ҳамда англаш рамзи.

Тарихий шахслар ҳаётининг энг оғир, синовли дамларини ёритган Т.Пўлатовнинг “Жалолиддиннинг сўнгги суҳбатдоши” ҳикояси ҳамда Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ёлғиз” қиссасида айрим муштарак жиҳатлар кузатилади. Ҳикояда Жалолиддин ҳаётининг сўнгги дамлари, Шахс фожиаси ёритилади. Қиссада А.Қодирий ҳаётининг оғир дамлари, яъни ноҳақ қамалиши ва оқланиши воқеалари акс этади.

Қисса ва ҳикояни бирлаштирадиган нуқта иккала асарда ҳам Шахсининг, ғолиб инсоннинг жамиятдан, оломондан юқори турганлиги сабаб, уларнинг ёлғизликка юз тутиши ва ёлғизлик, фардлик асосида Шахс камоли ҳамда Шахс фожиаси намоён бўлишида кўринади.

Т.Пўлатов ҳикоя ҳақидаги: “Мен Жалололидиннинг тарихини ёзишни, уни кўрсатишни мақсад қилмаганман. Мен инсоннинг ёлғизлигини, атрофдагиларнинг сотқинлиги, уни ўзидан бошқа ҳеч ким қутқаролмаслигини кўрсатмоқчи эдим. Мен кўпдан улуғ инсон ёлғизлиги масаласини ўйлаб юардим. Ҳар кун курашишинг керак, атрофдаги одамларнинг сенга бегоналиги, бу кураш йўлида сенинг ёлғизлигинг” хулосаси оломондан устун турган, мард инсон жангда эмас оддий курд соқчиси кўлида ўлим топишини асослайди. “Темур Пўлат Жалололидин қиёфасини вақт-соати етиб, ҳаёт моҳиятини англаган ва дунё ташвишларидан қўл ювиб ўлимни ёруғ юз билан қарши олганликдаги донишмандлигида кўради”⁹⁷. Ҳикоянинг мағзида Шайх Нажмиддин Кубронинг фалсафаси ётади: “... одам ҳақиқатни умрининг энг сўнгги дамларида, энг сўнгги суҳбатдоши билан юзма-юз мулоқотда англайди. У суҳбат чоғида буткул тасодифий, тайин-тутуруқсиз нарсалар ҳақида гаплашилур, лекин мулоқот асносида сен видолашаётган ҳаётнинг мазмун-моҳияти аён бўлғусидир, деганди...”⁹⁸ Буюк саркарда, йигирма саккиз ёшли мард, жасур жангчи паймонаси тўлаётганини ҳис қилади. Унинг кўнгил майли юзи офтобда қизарган, товонлари ёрилган қишлоқ аёли билан чин дилдан

⁹⁷ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги // Аён бўлғусидир... – Т.: Mumtoz so'z, 2011. – Б. 74.

⁹⁸ Пўлатов Т. Жалололидиннинг сўнгги суҳбатдоши // Шарқ юлдузи. – Т.: 1987. – №5. – Б. 68.

оддий туриш-турмуш ҳақида суҳбатлашишни истайди. Жангчининг фожиаси шу суҳбат ҳам унга nasib қилмайди.

Т.Пўлатов концепцияси асар қаҳрамонлари боқий дунёга қайтишни ҳаёт қонуни деб билади, қайтиш тадоригини кўради, боқий дунё олдида фоний дунёнинг ташвишларига этак силкиб, ўзларини ҳаёт оқишмига топширади. Жалолиддин ўзининг олий мақсади – Ватан озодлиги йўлида тинимсиз курашди, оиласини қурбон қилди. “Хотинларимнинг барини отиб ташладим. Болаларимни ҳам... карвон орқада судралиб қолавергач, отдим...”⁹⁹

Саркарданинг ёнида ҳеч ким қолмаган: оиласини ўз қўли билан нобуд қилди, энг яқин, садоқат кўрсатган одамлари уни ташлаб кетди, хиёнат қилишди. У маънан мағлуб, ҳаёт олдида таслим бўлган, тириклик аҳамиятини йўқотган эди. Шунинг учун ҳам бойлик кўзини кўр қилган оддий курд аскарига қаршилик кўрсатмайди. Юртнинг энгилмас, жасур ўғлони оддий курд аскарининг қўлида ўлим топади. Тарихдан маълумки, “Чингизхон Жалолиддиннинг руҳан буюкликига тан беради. Зеро, донолар айтганидек, ҳақиқий буюклик – руҳан буюкликдир”¹⁰⁰. Т.Пўлатов ҳикояда буюк саркарданинг маънавий фожиасига урғу беради. Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” китобида Жалолиддинга Чингизхоннинг таърифи берилади: “Отадан дунёда ҳали бундай ўғил туғилмаган. У саҳрода шер каби ғолиб жангчи, дарёда эса наҳанг каби ботир. Қандай қилсинки, ҳали ҳеч қим тақдир билан ҳеч бир можарода тенг келолмаган”.

⁹⁹ Кўрсатилган манба. – Б. 68.

¹⁰⁰ Сувон Мели. Сўзу сўз. Мангу Жалолиддин. – Т.: Sharq, 2020. – Б. 453.

“Ёлғиз” қиссасида жамиятнинг маърифатли, фидоий, жонкуяр фарзанди бўлганидан Абдулла дўстлари даврасида, ишхонада, қамоқхонада ёлғиз эди. Абдулла Қодирий қисмати қамоқхонада Ялангтўш билан суҳбатда башорат қилинади. Индамас ва Ялангтўш ёзувчининг маслагида собитлиги, мақсадининг олийлигини оширувчи қаҳрамонлардир. Қисса ва ҳикояда Шахслар қисматининг аччиқ тарихий ҳақиқати бадий шартлилик асосида тасвирланади.

Т.Пўлатов ижодий лабораториясида ҳаётда унчалик омади келмаган, яшашнинг моҳиятини англаш ҳаракатида исён қилаётган, соддаликлари билан бошқалардан устун турадиган, фидоий, жонкуяр, моддий бойликларни иккиламчи эҳтиёж деб биладиган инсонларнинг ички оламини ёритади. Х.Дўстмуҳаммад қиссаларида табиатан камтарин, мағрурликни билмаган одамларнинг ўз олами, дунёси борлиги, улар жамият маънавиятини юксалтирувчи бўғин эканлиги бадий асосланади. Ижодий диалог ва адабий таъсир самараси сифатида Т.Пўлатов асарларидаги қаҳрамон, танлаган мавзу, тасвир маҳорати ва парадокслари Х.Дўстмуҳаммаднинг янгича йўналишда ёзилган асарларига туртки бўлган.



ИККИНЧИ БЎЛИМ

ҚИССА ПОЭТИКАСИДА МЕТАФОРИК ТАЛҚИН ИМКОНИАТЛАРИ



ЁЗУВЧИ ИЖОДИДА РАМЗИЙ-МАЖОЗИЙ ТАСВИР

Бадиий изланишлар турфа хил услуб ва усулларнинг юзага келишига сабаб бўлиб, замонавий ўзбек насри тараққиёти тадрижида қизиқ эврилишлар юз бермоқда. Янги услубий тамойиллар ёзувчининг эстетик идеали, дунёқараши ва асар яратишдаги ҳолати билан чамбарчас боғлиқ. Ёзувчи услубининг ўзгариб турувчи динамик жараён бўлишини Х.Дўстмуҳаммад алоҳида эътироф этади: "...услуб ўзгармаса, дунёқараш, ҳаёт мураккабликларини бадиий идрок ва ифода этиш йўсинлари ўзгармаса, шу йўлда турфа тажрибаларга қўл урмаса, бундай ёзувчи нафақат миллий адабиётда лоақал ўз ижодида ҳам бирор янгилик яратиши амримаҳол. Ҳар қандай руҳий ҳолатга, руҳий изтиробга янгича, жиллақурса ўзгачароқ ёндашиш мумкин-ку. Мен ана шу ўзгачароқ ёндашишни қадрлайман. Ўзгачароқ ёндашиш асносида ўзим тасвирлаётган руҳий ҳолатни кутилмаганроқ нуқтаи назардан, бошқаларникига ўхшамаганроқ аспектда тасвирлашдан маънавий баҳра оламан"¹⁰¹. Х.Дўстмуҳаммад ёзувчи тафаккурида, тасвир услубида ўзгариш бўлишини, тажрибаларга асосланган бадиий ижодни ёқлайди. Ёзувчи ўз бадиий оламини шундай қурадики, воқелик тасвирида мавҳумлик "реаллик"ка айланиши, инсоннинг ўзини ўзи кузатиши асносида ШАХСлигини англаши, инсоннинг ҳаёлот кенгликларидаги кечинмалари, ҳис-туйғуларни ноодатий усулларда англантиши, саволларга жавоб топиш асносида виждон покланиши, ШАХСЛИК

¹⁰¹ Дўстмуҳаммад Х. Беозор қушнинг қарғиши. – Т.: Шарқ, 2006. – Б. 4.

льмолини ёлғизлик ракурсларида аксланишида кузатамиз. Х.Дўстмуҳаммад бадий сўзнинг қудратидан фойдаланган ҳолда сўзни рамзга айлантириб, воқеликни рамзлар, тимсоллар орқали тасвирлашга интилади.

Рамз – (символ) грекча “symbolon” сўзидан олинган бўлиб, қадимги грекларда махфий бир ташкилот аъзоларининг бир-бирини таниб олиш учун қўлланилган шартли белгини англатган. Рамз воқеликни бадий акс эттиришнинг шартли усули; бадий шартлилик шаклларида. Бунда содир бўлаётган воқеа-ҳодисанинг (ҳаракатнинг), унинг каркасини акс эттирувчи асоси ажралади. Ижодкор анъанавий рамзлар билан бир қаторда табиатдаги ҳар бир ҳодиса ва деталдан рамзий тасвир учун фойдаланади. Бунда у ёки бу нарса тасвир жараёнида ёзувчи мақсадига хизмат қилувчи муайян рамзий маънога эга бўлади¹⁰². Рамз – оламни интиутив кузатиш жараёни. Адабиётшунос олимлар уни доимо ўзига чорлаб, жалб қилиб, сирли милтираб турувчи чироққа қиёслайди. Рамзнинг бошқа бадийлик модусларидан фарқини қуйида кузатамиз. “Символлар воқелик қаъридан табиий равишда ва беихтиёр оқиб чиқиши лозим, мабодо ижодкор бирон-бир ғояни ифодалаш учун уларни ўйлаб топса, унинг ўлик аллегориядан фарқи қолмайди”¹⁰³. Рамз ёки символ инсон ва табиат оламининг табиий муштараклигидан юзага келувчи эстетик аналогия дейишимиз мумкин. Рамзнинг моддий олами сўз ва сўз бирикмалари бўлиб, сўзнинг қудрати маънавий оламга

¹⁰² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. –Т.: 2004. 7 том. – Б. 247.

¹⁰³ Қуроноф Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2013. – Б. 278.

кўзгу тутади. “Рамз бадий нутқда ҳаётий воқеа, тушунча ва нарсаларни ифодалаш учун шартли равишда кўчма маънода ишлатиладиган сўз ёки сўзлар бирикмаси”¹⁰⁴. Рамзни яратувчи сўзнинг маъно диапазони кенгаяди. Энди у оддий сўз эмас, балки бадийят юкини олган сўзга айланади. “...рамз ўзининг предметлик хусусиятини ўзгартириб, мазмунни юзага олиб чиқувчи воситачига айланади. Предмет тасвири ўзлигини рад этиб, англашилиши керак бўлган мазмунни ўзига сингдиради”¹⁰⁵. Метафора – кўчимнинг нарса-ҳодисалар ўртасида ўхшашликка асосланган тури. Метафорада асосан ўхшатилаётган нарсани англатувчи сўз туширилиб, ўхшаётган нарсани англатувчи сўз билан ўхшатиш сўз қолади. Ёки фақат ўхшаётган нарсани англатувчи сўзнинг ўзи ишлатилиши мумкин. “Метафорада оддий сўзнинг маъно чегарасига етамиз, шу сўз орқали белгиланган предметда (акс этувчида) моҳияти шу предметга хос, лекин акс этмаган сўз маъносини кўрамиз, англаймиз. Поэтик рамзда акс этувчи ва акс эттирувчи хусусиятлари солиштирилиши яширин тус олади. Бу эса ўқувчидан тарихий ва миллий хусусиятларни билишни, юксак мушоҳадага эга бўлишни талаб этади”¹⁰⁶. Х.Дўстмуҳаммад ижодининг ўзига хос жиҳати бўлган рамз ва метафора асосида улкан маъно-мазмунни жамлаш маҳорати адабиётшунослиқда тадқиқ ва таҳлил этилмоқда. Ёзувчи бадий концепциясини ифодалашда рамз ва метафоранинг аҳамиятини Х.Дўстмуҳаммаднинг “Оромкурси”, “Куза...” ва Н.Эшонқулнинг “Қора китоб”, “Тун

¹⁰⁴ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 279.

¹⁰⁵ Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. –Т.: Ғафур Ғулом, 1978. – Б. 53.

¹⁰⁶ Кўрсатилган манба. – Б. 52.

панжаралари” қиссаларини қиёсий-типологик таҳлил асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Оромкурси” ва “Куза...” қиссалари бадий қурилиши, мавзу янгилиги, топилмаларга бойлиги ҳамда сўз қўллашдаги ўзгачалиги билан бошқа асарларидан ажралиб туради. “Оромкурси” қиссаси воқеалари қиссанавис бош қаҳрамон Кўкламали Тонготаров тилидан ҳикоя қилинади. Қисса воқеаларини бирлаштирувчи “қизил ип” зоҳирий маънода қаҳрамон табиатига ёпишиб олган етти иқлим кўрмаган ножинс бетайин бир майл ёки дард, ботиний маънода отадан мерос бўлган амал курсиларига ошуфталик ва ошуфталикнинг ижтимоий муҳит туфайли шахсни декаданс ҳолатига олиб келиши, дейиш мумкин. Кўкламбой Тонготаров – йигирма йиллар муқаддам раҳматли бўлиб кетган отасининг обрўси орқасидан юки ерда қолмаётган, отасининг меҳнати сингган кишилар томонидан шаҳарда қийинчиликсиз ўқишга кирган, аспирантурада олиб қолишган, уч йилда фан номзоди бўлиши режалаштирилган келажаги порлоқлар сафига киритилган. “Ҳар қандай насрий-бадий асар воқеалари маълум бир макон ва замонда содир бўлади. Шу воқелик пафосига мос хронотопни адибнинг ўзи танлайди ёки ўз поэтик тафаккури орқали яратиб олади. Макон ва замон тушунчаси умумматидан ажралмаган ҳолда кўпроқ бадий асарнинг ташкилланиши, сюжет қурилиши ва динамикасига тегишли бўлади”¹⁰⁷. Қиссада сюжет воқеаларини уюштирувчи асосий хронотоп – оилалилар ётоқхонаси ва қаҳрамоннинг аспирантурада қолиши тафсилотлари. Воқеалар ривожини асосан қаҳрамоннинг хаёли ва онгида кечади. Қаҳрамон ўз-ўзи билан

¹⁰⁷ Карим Б. Рухият алифбоси. – Т.: Ғафур Ғулом, 2016. – Б. 73.

курашади, вужудидаги дарднинг сабабларини ах-таради. Дардига даво истаб шаҳарга ўқишга келди, шаҳар тафти бу дардни оловлантиради. Энди қи-шлоққа кетиб рисоладагидек ҳаёт кечирмоқчи эди. Аммо амал, обрў, эътибор инсонни ўз измига бўй-сундирса, шахслик мақоми “интизомчилар” томо-нидан синдирилиши, рисоладагидай ҳаёт тарзидан чекиниши, ором истаган исёнкор қалбларни маънан ва руҳан таназзулга олиб келишини Жанобали ва Кўкламали образларида кузатамиз. Дарднинг ил-дизини отасидан излайди, онасини сўроқ қилади ва калаванинг учини топгандай бўлади: “Отангнинг фикри-ёди идорадаги курсида эди... Қизил суянчиқ-ли оромкурсиларни сенлардан, мендан ортиқ кўрар эдилар, раҳматли...”¹⁰⁸. Отадаги иштиёқ, тийиқсиз ошуфталик фарзандга мерос қолди: “Отанинг руҳи поклари!.. Отамдаги маслак-муҳаббат!.. Мансабу мартабага мутелик!”¹⁰⁹ Отанинг фожиасини таф-тиш қилиб, отадаги иллатнинг ўзига ўтгани ва энди унинг авлодларига ўтиши мумкинлиги, келажаги-дан хавотир қаҳрамон фожиасига асос бўлади: “Амал курсисига ўтирган ундан қутулолмаган, ўз билгани-ча иш тутиб амалидан воз кечай деса, “интизом”чи-лар таъқибидан қутулолмаган икки ўт орасида қо-либ, дардини бировга очолмаган, пировардида юра-ги дош бермаган...”¹¹⁰. “Оромкурси” – инсонни ўзига ипсиз боғлаб, қул қилиш, ўзидан кечиш даражасида сеҳрлаб олувчи амал, мансаб-мартаба, обрў. Унинг ишқига тушган одам ўзлигини йўқотиши, ишлаб чиқилган қоидаларга бўйсуниб, тепанинг буйруқла-

¹⁰⁸ Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Оромкурси. – Т.: SHARQ, 2011. – Б. 127.

¹⁰⁹ Кўрсатилган манба. – Б. 127.

¹¹⁰ Кўрсатилган манба. – Б. 150.

рига итоат билан яшаши лозим. Ёзувчи оромкурси орқали умри тугаган тузум ва унинг амалдорлар ҳаётини қандай бошқарганини рамзий ифода қилди. Кўкламнинг отаси катта вилоятнинг обрўли зотларидан бўлса ҳам, у оромкурсига девоналарча меҳр қўйган, ундан кечолмаган, “Интизом”чиларнинг чизигидан чиқолмаган. Отадаги давосиз бўлган дард фарзандга мерос қолди. Кўкламали эса бу дарднинг келажак авлодни ҳам ўз измига бўйсундириши, ҳаётини издан чиқариб, девона ҳолга келтиришидан қайғуради. Оромкурси дардини енголмайди, ўзини нобуд қилади.

Ёзувчи билан суҳбатда ранг касаллиги борлиги, бу янгилик эканлиги, “Оромкурси”да шуни ёритмоқчи бўлганлигини амал, мартаба кейинги планда туришига эътибор қаратди. Қаҳрамоннинг исми, шарифи ҳам янгиликка ишора қилади. Кўклам Тонг-отаров – тонг оқлик, шунинг учун оқ рангни яхши кўради, бундан ташқари унинг тонги отадими, йўқми? Касаллик уни маҳв этди. Онага дардни айтмади, чунки онанинг фарзанддаги давосиз дардни чеккандан кўра айрилиқ дарди осонроқ кечади деб ўйлайди, дард ошкор бўлишидан хавотирга тушади, жонига қасд қилади.

Назар Эшонқул ноанъанавий йўналишда “Қора китоб”, “Тун панжаралари” каби мулоҳазага ундайдиган, ўз ҳаётини тафтишу таҳлил қиладиган қаҳрамонлар тасвирланган қиссалар яратди. Н.Эшонқул “Ижод илоҳиётга дахлдорлик” суҳбатида ижодий кредосига айланган рамзий тасвирнинг моҳиятини асослашга ҳаракат қилади. “Мифлар – инсон тафаккурининг илк бадий мевалари. Оламни рамзлар, тимсоллар орқали тасаввур қилиш бу ижоднинг бо-

шланиши эди. Инсон табиати ташқи оламни рамзлар орқали қабул қилишга мослашган. Одам ҳиссиёти ҳар қандай ҳодисанинг ўзини эмас, унинг рамзини қабул қилади. Мифлар яратилган даврда ҳиссий шуур, идрок биринчи ўринда эди ва уларнинг тили ҳам рамзлар тили бўлиб қолди. Бироқ инсоният тараққиёти ақлий идрокни биринчи ўринга олиб чиқди, шуурий, ҳиссий идрок онг ости ҳисларига айланди”¹¹¹. Лосевнинг фикрлари ҳам буни асослайди: “Мен” – уйғониш даври яратган янги миф. Унинг қаҳрамонлари ўзича мифга айланган”.

“Қора китоб” қиссаси қаҳрамони рамзга асосланган ҳозирги замоннинг миф-қаҳрамони дейишимиз мумкин. У болалиги, ўсмирлиги, йигитлиги, оталиги даврида иблис измида яшаган ва хатоларини англаб етган чоғда уларни тузатишга уринган, тавба-тазарру томон юз бурган қаҳрамон. Иблис наслини яратди: унинг ўғиллари ва қизи. Ўғиллари ўзларини иблисга қурбон қилди, ўзи вояга етказган иблис – қизини ўзи бўғиб ўлдирди. Қисса ядроси инсоннинг азалий шайтон измига бўйсунуши, Одам алайҳиссаломнинг жаннатдан қувилиши сабаби, инсон авлоди Одам алайҳиссаломдан мерос гуноҳни такрорлаши, у қилган гуноҳ оқибатида ўғли Қобилнинг ўз укасини ўлдириб, мангу жазога гирифтор бўлиши архитектура асосланади. “Қора китоб” қиссаси инсоннинг покланиши ҳақидаги асар эканини ёзувчининг ўзи ҳам алоҳида таъкидлайди. *Бу қисса ҳиссий туғён оғушида эмас, ақлий куч таъсирида ёзилган (Б.Саримсоқов – Э.А.). “Қора китоб” шайтон қутқусини ўз ҳаётига дастурул амал этиб олган ва уни ўз фарзанд-*

¹¹¹ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/nazar-eshonqul-ijod-iloheyot.html>

лари тарбиясига ҳам сингдирган ва алалоқибат ўз хатосини илғаб етган кишининг бошидан кечирганлари ҳақидаги асардир”¹¹².

Н.Эшонқулнинг “Қора китоб” қиссаси тағматнидан икки хил ҳаётий хулоса ва қарашларни илғаш мумкин. Авваламбор, Одам алайҳиссаломнинг шайтон измига бўйсуниб тақиқни бузгани ва гуноҳкор бўлгани, ерга туширилиши ҳамда синовли умрнинг берилиши. Одам алайҳиссаломнинг жаннатдан ерга туширилиши бежизга эмас. Аллоҳ Одам а.с. яратмасдан илгари Фаришталарга: “Мен ер юзида Халифа қилмоқчиман” (“Бақара” сураси, 30 оят), дейди. Аллоҳнинг мақсади олдиндан белгиланган эди. Шунинг учун Пайғамбаримизга мўминлар учун жаннат тайёрлаб қўйилганлиги хушxabари, жаннат кафолати берилган. Ер юзидаги ҳаётни ўтамагунингизча жаннатга эришмайсиз. Аллоҳнинг амри, режаси бажарилди, Одам а.с. ерга туширилди. Аллоҳ Одам а.с. ерга тушириб жазоламади, балки уни юксалтирди. Чунки Одам а.с. ўз хатосини тан олди: “Роббимиз биз ўзимизга зулм қилдик. Бу менинг айбим. Менинг ақлим чегараланган. Мен фақатгина инсон эканлигимни тан оламан. Мен хато қилдим”. Одам а.с.ни ерга туширишдан мақсад эса обрўйини тушириш эмас, улуғлаш учун эди. “Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азиз ва мукаррам қилиб қўйдик... уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик” (“Исро” сураси, 70 оят). Шайтон эса айбини рад этди. Инсонни йўлдан оздирувчи бўлди, шунга аҳд қилди: “У: Мени иғвога учирганинг сабабли, албатта, мен уларни Тўғри йўлингдан тўсиб ўтираман. Сўнгра, улар-

¹¹² Холдоров Д. Ижод моҳияти — услуб хосияти. – Т.: Turon zamin ziyo, 2017. – Б. 56.

нинг олдиларидан, орқаларидан, ўнг томонларидан ва чап томонларидан келаман. Ва уларнинг кўпларини шуқр қилувчи ҳолда топмасан” (“Аъроф” сураси, 16-17 оят). Ер юзи Иблис учун жазо жойи бўлди. Демак, инсон ҳар қадамида хушёр бўлиши, фақат эзгулик йўлини танлаши, Яратганга иймон келтириши лозим. Қисса қаҳрамони шайтон амрига бўйсунди ва умри поёнида афсус-надомат оловида қоврилди. Унга таскин бериш учун Одам алайҳиссаломнинг келиши ҳам бежизга эмас.

“Қора китоб” қиссаси юзасидан олиб борилган тадқиқотларда “қора” – салбий маънода ишлатилгани тадқиқ қилинган. Ўрганганларимизга асосланиб, қиссада биз англамаган жиҳатлар борлигига амин бўлдик. “Қора китоб” номида китоб – умр, қора – ранг. Туркий халқларда қора ранг “катта”, “қудратли”, “улуғ”, “кучли”, “мухташам” деган маъноларни англатган. “Қаҳрамонларнинг номидаги қора сифатлаши жасорат ва кучлилик синоними деб таъкидланган. Туркийларда “Қорабош туғ” (қора рангли байроқ бўлган) мард, жасур жангчилар байроғи бўлган”¹¹³. Демак, “қора китоб” – “улуғ умр”. Қаҳрамон шайтоннинг найрангларини англаб етди, унга қарши курашди, хатоларини тан олди, тавба қилди. У ёмғирли тунда Одам а.с. билан учрашди. Илоҳий китобда ёмғирнинг ёғишида ҳикмат борлигига ишора қилинади, Аллоҳнинг инсонга қилган ҳидояти ёмғирга қиёсланади. Инсон Аллоҳ буюрган амаллар асосида арзирли ҳаёт кечириши, кафолатланган жаннатга муносиб бўлмоққа ҳаракат қилиши лозим.

Қиссада иккинчи мотив бир умр эътиқод қўйган, умрини бағишлаган, ишонган тузумнинг мағзи пуч,

¹¹³ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/ibrohim-haqqul-yana-qora-rang-talqini-haqida.html>

сароб эканлигини англаб етган қаҳрамон изтироблари, дард-аламлари тасвири. Халқимиз бошидан кечирган, мутелик исканжасида яшаган тузум сиёсатининг рамзий ифодаси дейишимиз мумкин. “Қора китоб” – саробга айланган тузум. Қисса қаҳрамони: “Ёшлигимда бир китоб ўқиганман, кейин умр бўйи шу китобнинг таъсирида яшадим. Бу китоб умримни бошқарди. Умримни китоб қўлига худди товада куйдирилган пиёздек қовуриб бердим”¹¹⁴. Ўзи ишонган, эътиқод қўйган ақидаларнинг пуч, сароб эканлигини англаб етган ва ўз “мен”ини англашга интилаётган, ўз-ўзини тафтиш қилаётган, яшаб ўтган умрига баҳо бераётган қаҳрамоннинг монологларидан иборат қисса. “... раҳмоний китоблардан чекиниб, Чўққи соқол эътиқод қўйган қора китобдек иблисона дастурлар воситасида тарбияланган авлоднинг холи хароб бўлади. Шу маънода “Қора китоб” қиссаси огоҳликка даъват изҳори ҳамдир”¹¹⁵. Қиссада ўз “мен”ини тафтиш қилаётган қаҳрамон ўзига ўзи “мени ҳеч ким ўзимдек суд қилолмайди”, энг олий жазони кўнгилнинг ўзи чиқаради. Қиссада ҳикоячи мен бир вақтнинг ўзида уч хил қиёфада намоён бўлади. У жиноятчи, у жабрдийда, у ҳакам: “...кеча жиноятчи мен, жабрдийда мен ва ҳакам мен бир жойга тўпландик. Жиноятчи (ўғилларнинг маънавий ва қизининг жисмоний қотили) мен ҳар хил баҳоналар қилди... Жабрдийда (виждон азобида қолган) мен жимгина ўтирди... Ҳакам жиноятчи (ҳақиқатгўй кимса) меннинг найранглари фаш қилиб ташлади, уни олий жазога ҳукм этди... кўнглим супасида шундай луғ суд бўлиб ўтди”¹¹⁶. Ҳар қандай курашни инсон,

¹¹⁴ Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди. Қора китоб. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 200.

¹¹⁵ Карим Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Ғафур Ғулом, 2016. – Б. 8.

¹¹⁶ Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди. Қора китоб. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 195.

энг аввало, ўз дунёсини тозартиришдан бошламоғи лозим. Ёзувчи қаҳрамоннинг исёнига шундай изоҳ беради: “У адашганини англади. Камю айтганидек, бу англаниш, ўзини топиш исёнидир. Инсон ўзини англаш сари бораётган экан, тушкунлик ботқоғига ботганлардан фарқли ўлароқ, бу қаҳрамон ўзининг адашиши ва ўзининг қурбонлиги сўнгги қурбонлик, сўнгги адашув, сўнгги оғриқ тўла ҳайқирик бўлиб қолишини истаяпти”¹¹⁷.

Н.Эшонқул ижод лабораториясига хос хусусиятлардан бири қаҳрамонларга махсус ном берилмаслиги, уларнинг суратидаги муҳим хусусияти билан номланиши, номларнинг фақат бош ҳарфи берилишида кўринади. Адиб бу қиссада ҳам қаҳрамонларни Чўққисоқол, А., қизи, ўғли, хотини деб келтиради. Қиссада А. ҳаёти қолипловчи ҳикоя сифатида келтиради. А. ни ўз даврида қамадилар, сургун қилдилар, калтакладилар, асарларини ёқдилар, мамлакатдан қувғун қилдилар, лекин у умр бўйи амалдаги тузумни қоралади, инқирозини кутди, башорат қилди. Амалдаги тузум қулади-ю уни ҳеч ким эсламай қўйди. Асли тузум унинг умри эди. Қаҳрамон инсон ҳаётидан шундай хулоса чиқарган эди.

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Оромкурси” ва Н.Эшонқулнинг “Қора китоб” қиссаларида рамз ва метафорик тасвирнинг типологик хусусиятлари:

¹¹⁷<https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/suhbatlar/nazar-eshonqul-adabiyot-baribir-yangilanaveradi>

Типологик хусусиятлар	Х.Дўстмуҳаммад "Оромкурси"	Н.Эшонқулнинг "Қора китоб"
Асарнинг рамзий ном-ланиши	<p>"Оромкурси" – қаҳрамон табиатига ёпишиб олган, етти иқлим қурмаган, ножинс, бетайин бир майл ёки дард, ботиний маънода амал курсиларига, мартаба-ларга ошуфталик.</p>	<p>"Қора китоб" – инсонда тақдир ёзиғининг қоралиги, Одам Атодан мерос зулмат келтирувчи гуноҳ. Адашган, алданган, гуноҳкор банданинг иқрорлари битилган битик, умр баёни. Бир умр эътиқод қўйган тузумнинг пуч, сароб эканлигини англаган қаҳрамоннинг босиб ўтган йўли ҳам "қора китоб" битигидир.</p>
Қиссаларда рамзий тас-вирлар	<p>"Оилалилар ётоқхонаси" – темир интизом асосига қурилган, келажаги порлоқлар учун мўлжалланган, бир қолипга эга ижтимоий жамият. Бу жамиятда фақат бўйсунувчилар яшай олади, исён қилганларни сиғдирмайди. Зоҳиран шайдолари қўп, фаровон макон, ботинан инсон "эрк"нинг зиндони.</p> <p>"Интизом"чилар – шахс эркини тутқун қиладиган тузум. Инсонни қолипга солиб, ўз измидан юргизади. "Исён" қилганларни куч билан бўйсундириб мутега айлантиради ёки нобуд бўлишига олиб келади.</p>	<p>Хароба уй – илк бор қаҳрамонни ўзига сеҳрлаган иблиснинг маскани. Иблис эътиқоди битилган "Қора китоб" топилган макон. Кейинчалик ўғиллари ўзларини иблис йўлига қурбонлик қилган маскан.</p> <p>Шайтон – инсонга сажда қилмагани учун тавқи ланатга учраган, инсонни гуноҳга ботириш эвазига ўзини тикловчи. Шайтон китоб тимсолида қаҳрамон ҳаётига кириб келган ва барча нарсани ўзиники қилиб олган.</p> <p>Кундалик дафтар – яшаб ўтилган умр ва қаҳрамоннинг фожиаси.</p> <p>Мусиқа ва рассомлик – инсон гўзаллик ва ёвузлик ижодкори. Қиссада санъат ҳам шайтон (ёвузлик)га хизмат қилади.</p>

**Қахра-
монлар
номлани-
шида мета-
форадан
фойда-
ланиш**

Назирова, Ниёзовичлар – отанинг фарзандга қолдирган туҳфаси, инъоми. Назиров фамилияси асоси “назр” сўздан олинган бўлиб, савоб учун ёки бирор муддао билан Худо йўлига аталган ёки берилган нарса. Ниёзовичда эса асос “ниёз” бўлиб, маъноси ваъда, туҳфа, ҳадя.

Отадан кўп назру ниёзлар олган ва қарзни ўғлига узишни ният қилган қахрамонлар. Улар Кўккламалининг келажаги порлашига ўз улушларини кўшишга интиладилар.

Жанобали Тонготаров – нуфузли вилоятнинг катта амалдори, оромкурси (мансаб-мартаба, обрў)нинг иштиёқманди. Унинг нуфузи, обрўси вафотидан йигирма йилдан кейин ҳам ўғлининг келажаги порлашига ҳисса қўша олади.

Кўклам Тонготаров – мансаб, амалнинг тийиксиз иштиёқи касаллигига тутқун бўлган инсоннинг илк намунаси. “Кўклам” энди, яшнаётган, келажаги порлоқлиги башорат қилинаётганга ишора.

Қиссанавис асарда уч қиёфада гавдаланади: жиноятчи, жабрдийда ва ҳакам.

Жиноятчи “мен” – шайтон измига кирди, Холиқдан кечиб, умрини шайтон китоби асосига қурди.

Жабрдийда “мен” – етмиш йиллик умрини тафтиш қилиб, қилган гуноҳлари, амаллари, эътиқодидан изтироб чекди, афсус-надоматда қолди.

Ҳакам “мен” – ўзига ўзи ҳукм ўқиди. Жиноятчи “мен” учун энг олий жазо виждон жазосидир.

Одам Ато – ер юзида мукаррам қилинган зот. Шайтон кутқусига учради ва у гуноҳкорлар, тавқи лаънатга учраганлар наслини яратди. Бу дунё мукаррам қилинган ва тавқи лаънатга учраганлар ўртасида абдий кураш асосига курилди. Одам Ато биринчи тақиқни бузган, афсус, надомат ва гуноҳ тимсоли.

Чуққисоқол – инсон мукаррамлигини қабул қилмаган иблис. Инсоннинг маънавий инқирози, адашишлари асосига ўзини тиклаётган, яшаётган тавқи лаънатга учраган шайтон тимсоли. Инсонни йўлдан оздирувчи барча гуноҳ, манфур ишларнинг умумлашма тимсоли.

Ўғиллар – иблисга ўзларини қурбон қилганлар. Иккита ўғли бўрига айланди. Бўри рамзий образ сифатида очкўзлик, лақмалик ва қонхўрлик тимсоли.

Шомон – шон-шухрат йўлида қалбини шайтонга сотган, шайтон измига кирган инсон. Шомон ўзининг ўғли эди.

Қиз – шайтон наслини яратувчи.

<p>Қиссаларда метафорик тасвирлар</p>	<p><i>Касаллик</i> – қиссада ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода ишлатилади. Ўз маъносида етти иқлим кўрмаган, ножинс, бетайин ошиқлик, майл касаллиги. Метафорик маъноси обрў, амал, мансабга муккасидан кетиш, амал курсисининг қулига айланиш; <i>ҳовузга чўккан харсанг</i> – оғир, яширин ўй-хаёллар; <i>оғир тош кўчди</i> – ҳақиқат аёнлашди, ўй-хаёллар тасдиғини топди.</p>	<p><i>Умр, ҳаёт</i> – ўқиб бўлинган китоб, у китоб қора ҳам бўлиши мумкин. <i>Умр</i> – қутиш ва ўша қутиш онларидаги орзу-хаёллардан иборат. <i>Умр</i> – тузум, агар тузум қуласса, умр ҳам таназзулга юз тутади. <i>Ҳаёт</i> – заҳар бўктирилган чиройли қулча, бутун одамзод нафрат тўла қичқирик, гуноҳ ёмғирлари, гуноҳ селлари, ҳаёт шами пирпираб қолди, “умр бу осмонга тупириш, сўнг осмондан тушган тупунгингни ютишдир”.</p>
<p>Қиссаларга яқуний хулоса</p>	<p>Қиссаларда инсон табиатидаги тийиқсиз майлларга берилиш, шайтон измига бўйсунуш хатолик ва адашишларга олиб келиши рамз ва метафорик тасвирларда акс эттирилади. Шайтон васвасасига қарши “Оромқурси” қиссаси қаҳрамони курашмади, енгилди, ўзини қурбон қилди, “Қора китоб” қиссаси қаҳрамони курашди, тавба қилди, Аллоҳ иродасига бўйсунди.</p>	

Х.Дўстмуҳаммад концепцияси биринчи қиссадан бошлаб инсоннинг кузатилиш синоатини чуқурлаштиришга ҳаракат қилади. Бошқача ракурсларда кузатишлар олиб боради, қаҳрамонларини ҳар хил ҳолатларда синайди, ўзгача ёндашишга ҳаракат қилади, ўзга йўлларни қидиради, ўзга ҳолатларга олиб кириб таҳлил ва тафтиш қилади. Бу ижодий эволюция “Нигоҳ” қиссасидан бошланади. Қиссада ҳамма одам ким-кимнингдир назар-нигоҳида яшайди. Ана шу назар, нигоҳ унутилса, узилса номаъқул иш бошланади. Одамни одамнинг нигоҳи ушлаб туришини бадий асослайди. Демак, ёзувчининг концепцияси кузатилиш синоати “нигоҳ”дан бошланди. “Сўроқ” қиссасида инсондаги ички қўрқув сабабла-

рини далиллайди, инсонни ҳушёрликка чорлайди, юзи ёруғ бўлишини хоҳлайди. Қиссада энг улуғи ўзингни ўзинг сўроқ қил, ўзини сўроқ қилдими, гуноҳларини тан олдими у инсон қўрқмайди. “Чаёнгул” қиссасида Гулгуннинг қотилликка қўл уришида назар, нигоҳ узилиши юз берди. Нигоҳдан чиққан, нигоҳ қирқилган жойда қотиллик содир бўлди. Ижодий эволюциянинг ўзак моҳияти акс этган кузатувчи ва кузатилувчи яратик, кузатиш ва кузатилиш синоати ҳақида “Куза...” қиссасини яратди. Қиссада ким кузатувчи, ким кузатилувчи саволини қўяди ва жавоб қидиради. Бу синоатни ёзувчи асар номида тиниш белгилар билан кодлайди. “Куза...” – номидан кейин “...” уч нуқтанинг қўйилиши инсоннинг ўзига берилган энг муҳим, энг залворли саволи: кузатувчимисан ёки кузатилувчи, балки ҳам кузатувчи, ҳам кузатилувчисан. Кузатилиш жараёни тўрт ракурсда акс этади ва бешинчи ракурсда, моҳиятда жамланади. Жумладан: ўзини ўзи кузатади, дўстлари кузатади, оиладагилар кузатади ва атрофидагилар кузатади. Энг охирги кузатувчи бу Холиқдир. Бандаси доимо Яратувчининг саволларига тайёр бўлиши лозим.

Қиссани “онг оқими” ифода усулида эксперимент қилинган, мозаика асосига қурилган, монтаж усулидан фойдаланилган янги йўналишдаги асар дейшимиз мумкин. Ёзувчи қиссани реализмнинг ўзинини модернизм билан туташтириб соф ўзбекона қадриятларга таянган ҳолда яратди. Асар мозаика услубида битилган тўртта хронотоп жамланмасидан иборат. Шартли номланганда: дўстлар муносабати, опа лавҳалари, устоз мулоқотлари, устознинг беморлик ҳолати тасвирларини адабиётшунос олим Ш.Ризаев ўз мақоласида шундай таҳлил қилади: “...дўстлар лавҳалари – анъанавий реалистик усулда;

Опа лавҳалари – магик реализм анъаналарида; Устоз мулоқотлари – фалсафий интеллектуал реализм йўсинида; Устознинг бемор ҳолати тасвири, тафсиллари психологик реализм йўналишида ифода топади”¹¹⁸. Х.Дўстмуҳаммаднинг бу қиссадаги қўллаган барча экспериментлари реализм доирасида эканлигини кузатамиз. Қисса эпиграфида шундай дейилади: “замонавий инсон кузатилувчи инсондир”. Зеро, ҳар бир яратиб яратилувчи томонидан кузатилади. Асарда ҳар бир кузатилувчи тақдир Умид кечинмалари орқали ёритиб борилади. Тўртта маконда кечган жараёнларнинг барчасида инсонларнинг яшаш тарзи кузатиш ва кузатилиш асосига қурилганини, назар инсоннинг қонига, вужудига сингдирилган синоат эканлигини англаб борамиз. Устоз инсоннинг кузатиш ва кузатилиш сирини ўз англами, ҳаётий ақидалари, тажрибалари орқали уқтиришга интилади: “...назар-эътиборнинг минг битта мўъжизаси бор. Одамнинг иззат-обрўсини оширади, шон-шуҳратини тоширади... мартабасини, унга қўшиб давлатини зиёда қилади... Тарбиялайди, йўлга солади... Эсдан оғдиради... Юрак ўйноғи қилади... Маҳлукқа айлантиради, қаро ерга тикади...”¹¹⁹. Устоз чиқарган фалсафани асар қаҳрамонлари тақдири мисолида кузатамиз. Қиссада биринчи макон ва замон – бу асар бошланишидан охиригача давом этадиган уч дўст суҳбати, баҳс-мунозараси. Чет элдан таътилга келган Азиз болалиқдан бирга ўсган энг қадрдон дилдош дўстлари Умид ва Фарҳодга дунё кўрган одам сифатида ўз кўнглидаги, фикридаги ўй-кечинмаларини, дардларини тўкиб солади. Тезлик, шиддат авж ол-

¹¹⁸ Ризаев Ш. Яхши “Ёмон” одам ёхуд янгиланаётган реализм // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011. -№3. – Б. 162.

¹¹⁹ Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Куза... – Т: SHARQ. 2011. – Б. 463.

ган тараққиёт асрида ўзбек миллатига хос одатлар, хусусиятлар, бидъат, борди-келди таомиллар миллат оёғига кишан эканлигини таъкидлайди. Оддий “одамгарчилик” сўзига жамланган анъаналаримиз инсоннинг бутунлигини парчалайди, асосий ишидан чалғитиб, майдалаштириб юборади. Бу одатларимиз ҳақида аср бошидаёқ А.Қодирий “ошналикка қурбон бўлган халқ” дея куйинган эди. Азизнинг ташвишлари, куюнишлари ўқувчини фикрлашга даъват этади. Иккинчи макон ва замон Умиднинг оиласи, руҳий носоғлом опаси тасвири. Бу ғайришуурий ҳолатлар, тафсилотлар орқали ифода топади. “Ҳасад ва ҳавас билан қўшилган назар-нафас”нинг қурбони Опа ана шу хаёлий – рўёдаги кузатувчи назарлардан қочиб юради. Опа ҳақидаги маълумотлар, яъни унинг хушрўй аёллиги, турмушга чиқиб, сўнг она айтмоқчи “қайси суллоҳнинг тўймаган суқи” назаридан савдойи кўйга тушиб қолгач, оилавий ҳаёти бузилгани, ғалати-ғалати “қилиқлари” муштипар онанинг куюниши, ҳадик-хавотирлари гоҳи баён қилинади, гоҳи тасвирлаб берилади. Кузатилиш синоати бемор опанинг дард тутган пайтидаги ғайришуурий хатти-ҳаракатларида, интуитив кароматларида, укасини ёзғиришларида акс этади. Учинчи макон ва замон – Устоз мулоқотлари, Устознинг “кузатувчи ва кузатилувчи” ҳақидаги ноодатий саволлари, Устоз ўтказган тажрибалар: ўзига тикилган назар-нигоҳлардан қочишга йўл топиш, интеллектуал-фалсафий мушоҳадалар Устоз ва Умиднинг суҳбати, ўй-мушоҳадалари асосида берилади. Тўртинчи макон ва замон – Устознинг тўшакка михланиб қолиш ҳолати психологик мушоҳадалар асосида Умиднинг кўз-кўрими, кузатуви, ички таҳлиллари, муносабати орқали очиб берилади. Умидни устози ўз ўғлидек кўради. Қиссада

Умиднинг котибага муҳаббати ҳам акс этади. Котиба Умиднинг энг яқин инсонига айланади, ишхонада Устози билан боғлайдиган робита, ҳаётига нур бағишловчи, опасининг тузалишидан дарак берувчи самовий малак.

Тўрт макон ва замон бешинчи улуғ синов хронотопи учун замин ҳозирлайди. Қиссада Устознинг бу дунёни тарк этиши ва “Йаасийн” сурасининг берилиши инсонларни огоҳликка, уйғоқликка чорловдир.

Қисса “онг оқими” ифода усули асосига қурилгани сабабли воқеалар Умиднинг хаёл парчалари каби парча-парча бўлаклардан иборат. Парчаларни пайвандлаш, монтаж қилиш, воқеалар ўзанини бир тизимга солиш, асар моҳиятини англаш китобхондан маълум тайёргарликни – “фикрловчи-ўқувчи” бўлишни талаб қилади. “Онг оқими” – инсон ички дунёси, руҳияти, қаҳрамон онги фаолияти, тафаккур ҳаракатининг асосий тасвир майдонига кўчиши, ижодкорнинг инсон ички майл-истаклари, яширин, сирли томонларини кашф этишда ҳақ-ҳуқуқни қаҳрамоннинг ўз қўлига, ўз идроки, ўз савияси ва диёнатига топшириб ўзлари холис позицияда туриши ва натижада ташқи тасвирдан тортиб инсон тафакқурининг онгли ва онгсиз инстиктлар асосида бошқариладиган тағқатлам тасвиригача ифодаланган хатнинг яратилишидир¹²⁰. Қиссада ёзувчи холис позицияда турган холда қаҳрамонлар қиёфасини уларнинг хатти-ҳаракати, ўй-хаёллари ва туйғулари асосида ёритади. “Асар концепцияси, асарнинг бош ғояси тағмаънода яширин бўлади, у, ўз навбатида, асар тушунарсизлигини, қайта-қайта ўқиш эҳтиёжини келтириб чиқаради”¹²¹. Бундай ҳикоялаш усули-

¹²⁰ Жўраев Т. Онг оқими Модерн. – Т.: Фарғона. 2009. – Б. 47.

¹²¹ Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик. – Т.: Фил.фан.номз... дисс. автореферати. 1994. – Б. 18.

да қахрамон кузатувчи-қахрамон мақомида бўлиб, атроф муҳитни батафсил кузатади ва асосий фокус нуқталарга изоҳни монологларда ифодалайди.

Ёзувчи ижодида диний-маърифий оҳанглар ўзига хос тарзда берилади. “Муаллиф кўпда қиссалар тўнини, яъни сюжет ва композициясини Ғарб қиссачилиги, Европа насри андозалари асосида бичса-да, аслида Шарқ адабиёти, хусусан, мусулмон одами учун хос бўлган исломий маърифат, исломий дунёқараш билан бадий талқин ва тафтиш этади”¹²². “Куза” қиссасида инсоннинг доимо назоратда туриши деганда кўп нарсаларга ишора қилиб ўтади. Диний манбаларга кўра инсон зоти туғилгандан буён доимо кузатилиши, унинг ҳар бир нафаси, айтган гапи, қилган амали, ташлаган қадами ҳисоб-китобда туради. Икки фариштанинг “амал” дафтарига барча қилмишларини ёзиб боришини ҳисобга олсак, масал янаям ойдинлашади. Мусулмон ўзининг доимо кузатувда эканини билади, англайди, лекин баъзида мана шуни эсдан чиқариб қўяди. Ёзувчи эса назаримизда, мана шу “амал” дафтаридаги ёзувлар ва унинг инсон қисматига ўтказадиган таъсири ҳақида сўзлайди. Илоҳий китобда Аллоҳ инсонларнинг гуноҳ ва савоб ишларини ёзиб борувчи иккита фаришта – “Кираман Катибин” (фаросатли ёзувчи ёки нуфузли ёзувчилар) тайинлагани ҳақида айтилади. “Албатта, сизнинг устингизда қўриқчилар, олижаноб ва ғолибдирлар, нима қилаётганлигингизни биладилар” (“Инфитор” сураси, 10-12 оят). “Вақтики икки олувчи ўнгда ва чапда ўтирган ҳолларида кутиб олурлар. Бирор сўз айтмас, магар ҳузурида

¹²² Қўчқорова М. Хуршид Дўстмуҳаммад қиссачилигида метафора ва тимсолли шарҳлар // Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари. Халқаро конференция материаллари. – Т.: Тафаккур, 2020. – Б. 267.

ҳозиру нозирлар борлар” (“Қоф” сураси, 17-18 оят). Ўнг тарафдаги фаришта яхши ишларни эслатиб туради, чапдаги фаришта ёмон ишларни таъкидлайди. Аллоҳ таоло бандасининг амалларини ҳисоб-китоб қилишда бу икки фариштанинг ишига муҳтож эмас. Ўзи ҳамма нарсани комил илми ила билиб туради, ҳаттоки одамнинг хаёлидан ўтган нарсаларни ҳам билади. Мазкур фаришталарнинг ёзиб боришининг бошқа ҳикмати бор: қиёмат куни инсонга ҳужжат сифатида кўрсатиладиган номаи аъмол ушбу фаришталар ёзган ёзувлар бўлади (*Шайх Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содиқ тафсири*). Шайх Адил Ал-Ҳаққоний “Руҳий ўсиш учун қўлланма” (биринчи жилд) китобида ёзувчи фаришталар ҳақида ёзади: “Аллоҳ таоло: сизда иккита шарафли фариштангиз бор, сиз ёлғиз эмаслигингизни билишингиз керак. Эй бандаларим, сизни фаришталардан ҳам кўпроқ биламан, мен сизлар билан биргаман”. Қиссанинг “Я-си-ин-н. Вал қуръаанил ҳаки-и-м-м...” (“Йаасийн” сураси) билан тугаши ҳам бежизга эмас.

“Йаасийн”да ҳар бир кишининг қалбида сақланиши лозим бўлган масалалар ҳақида муолажа қилинади. Ҳар киши эртаю кеч эслаб туриши лозим. Расулуллоҳ Муҳаммад а.с. “Ҳар бир нарсанинг қалби бор. Қуръоннинг қалби “Йаасийн”дир. Мен унинг умматимдан ҳар бирининг қалбида бўлишини истардим”¹²³.

Ёзувчи мана шу кузатувни унутмасликни, ҳушёр бўлишни, қиладиган ҳар бир яхши ва ёмонликнинг жавоби тайин эканлигига асар қаҳрамонлари мисолида ишора қиладди. Нафақат бу қиссада, балки ёзувчининг барча асарларида мана шу эртанги кунда бўладиган сўроқ-саволларга ишора бордай. Қаҳра-

¹²³ Тафсири Ҳилол. 5-жуз. – Т.: HILOL-NASHR. 2019. – Б. 73.

монлар ўзини англаб етиши ва ўзини айбдор санаши ҳам бир ҳодиса, асарларида етакчи сюжет йўли деб баҳолаш мумкин. Инсоннинг ўзини айбдор санаши, рухий жиҳатдан янгиланишга уриниши, ўзгаришга интилиши ёзувчининг қаҳрамон талқинидаги ўзига хослигини кўрсатишга далил бўлиб хизмат қилади. Ўзини ўзи тафтиш қилиб, хатоларига иқроп бўлаётган одам бу – руҳияти ўзарган, мустақил фикрга эга шахс демакдир. Ўзининг кимлигини англаш йўлидаги умидвор одам Шахслик мақомига етишаётган, ўзлигини англаган одамдир. Ёзувчи қиссаларидаги қаҳрамонлар, айниқса, етакчи қаҳрамон мустақил, руҳи уйғоқ, масъулиятни ҳис қилувчи инсонлар.

А.Камю ёзувчининг ўзига хос услубига алоҳида эътибор қаратади. Услуб ижодкор истеъдоди, дунёқараши, изланиш ва интилишлари самараси эканлигини, унинг қонуниятларини яратиш ҳар кимга ҳам насиб этавермаслигини таъкидлайди: “Санъаткор воқелиқдан танлаб олган унсурларни бадий тил ёрдамида хаёлот билан уйғунлаштирувчи ва у яратган бадий дунёнинг тугал бўлишини таъминловчи восита услуб деб номланади. Ҳар бир санъаткор исёнкор услуб ёрдамида, гарчи бу камдан кам даҳоларга насиб этса ҳам, ўз бадий дунёсини ва унинг қонунларини ёритади”¹²⁴. Н.Эшонқул ижодий манераси ҳаётдаги тартибсизликлар, чигалликлар, инсонни қуршаб олган зулмат, яъни “хаос”ни тасвирлайди. Қаҳрамонлари адашган, ёлғон эътиқод асосига умрини совурган, афсус-надомат билан ўзини суд қилаётган, тушкунлик исқанжасида қолган, келажигидан нур қидираётган, оломон билан муро-са қилолмаётган, ўзлигига йўл қидираётган фикр-

¹²⁴ Камю А. Исён ва услуб // Жаҳон адабиёти. – Т.: 1997. – №1. – Б. 183.

ловчи инсонлар. Образлари эса тун, зулмат, хароба, ташландиқ уй, бадбўй ҳид. Ёзувчининг бадиий концепциясини ўрганиш асносида унинг Ғарб адабиётининг “катта ўқувчиси” сифатида ижодий тажрибалар қилиб, ўзбек адабиётида инқилоб яшашга интилаётганини кузатамиз. Адибнинг “Тун панжаралари” қиссаси – янгича йўналишдаги асар. Ёзувчи “Тун панжаралари” қиссаси ҳақида: “Мен ҳаётини воқеаларни шунчалик ёмон кўриб қолган эдимки, бу ҳикояларни ҳам ана шу ўта даражадаги аниқликка қарши ўзим учун ёзгандим”. Бу иқрор бадиий мулоҳаза бўлса ҳам, маълум даражада ёзувчининг ижодий концепциясини акс эттиради. “Асар қаҳрамони “хилват одам”дир. Хилватда туриб фикрлаётган, ўз дунёсига назар солаётган одам”¹²⁵.

Адиб ўз тақдирининг қора битигидан қутулолмаган, ўзининг қора ўтмишига, тун кечмишига панжара орқали боқаётган инсонлар тақдирини қаламга олади. Декаданс ҳолатига тушган қаҳрамонлар олами ёритишда тун, зулмат, хароба, арвоҳ, китоб, мусиқа, гул, эртак каби деталлардан фойдаланади. Қиссада ижтимоий муҳит туфайли турмушда рўшнолик кўрмаган, дилда ғамгинлик ҳукмрон, чексиз ўйлар гирдобида қолган қаҳрамон руҳиятини бадиий тасвирлайди. Асар воқеалари қиссанавис муаллиф нигоҳи орқали кузатилади, ҳикоя қилинади ва тасвирланади. “Қисса “организми”ни анъанавий эпик яхлитлик эмас, балки бир қарашда ўзаро мустақил, ҳатто пароканда турли-туман жойлашган бадиий унсурлар ташкил этади. Лекин улар умумий тасвир йўналиши билан биргаликда бадиий-эсте-

¹²⁵ Холдаров Д. Ижод моҳияти — услуб хосияти. – Т.: Turon zamin ziyo, 2017. – Б. 63.

тик функцияни бажаради, қисса қаҳрамони томонидан бошқарилади”¹²⁶.

Қисса қаҳрамони ўттиз бир ёшли носир, нуфузли журналлардан бирининг собиқ ходими. Унинг ҳаёт, инсон шахси, умр мазмуни, ўтмиш ва келажак ҳақидаги ҳиссий-ақлий қарашлари сюжет ўзагини ташкил этади. Қаҳрамон ижодкор, адиб ва журналист сифатида воқеликни теран кузатувчи, моҳиятни баҳоловчи ва унга холис муносабат билдирувчи шахс. Қаҳрамон тунда ўтган умрига, келажагига назар ташлайди: “...Тунда менинг бошқаларникига ўхшамайдиган умрим бошланади. Тунда мен ўтган кунларим ва келажагим билан учрашаман: улар худди сўнаётган юлдузлардай кўз олдимда бир-бир учиб ўтади”¹²⁷. Тун инсоннинг бир кечалик тарихи. Бу тун қанчалик маҳзун ва ғамгин бўлмасин, қаҳрамоннинг эзгуликка умидини сўндира олмайди. Қиссада бошқа персонажлар сахна ортида қаҳрамоннинг қистирма ҳикоялари ёки хотираси орқали тасвирланади. Қаҳрамон ўқиб бўлинган китобдай шавқсиз ҳаётидаги нур, ёрқин болалик олами ва унинг ҳаётий маслағига ҳамоҳанг “Тун эртаклари” туш ҳикояларини яратди. Биринчи ҳикояси қаҳрамоннинг тушида кўрган сирли тошнинг ўнгида пайдо бўлиб қолиши ва барчанинг бунга ишониши. Одамлари ҳар куни мўъжиза кутиб яшайдиган ўзга дунёни тасвирлайди. Иккинчи ҳикоясида бир дона гулни узган кишини суд қилишади ва қатл этишади. Учинчи ҳикояси Ҳаққулга ўқиб берган ташландиқ уй ва дераза ҳақида эди. “Ташландиқ уй” биз ҳар куни

¹²⁶ Раджапова Ф. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил. – Т.: Филол. фан. б-ча фалсафа д-ри (PhD)... дисс. автореферати. – Т.: 2018. – Б. 17.

¹²⁷ Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди. Тун панжаралари. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 163.

кўриб, билиб турган, бизга бутун олам шу, деб кўрсатишаётган нарсалар, эски ва ташландиқ жамият; очиқ дераза – орзу, келажакка йўл, умид. Инсон келиш ва кетиш оралиғидаги жараёнидан маъни излаб, моҳиятни таҳлил қилаётган бу бир умрлик курашни бир умрлик қисматга айлантирган қаҳрамон кечмишлари, чиқарган хулосалари: “Ҳаётни кашф қилганинг сайин ўзингга ўзинг панжара қуриб борасан”. Қаҳрамон болалик хотиралари туйнукларига тун панжаралари орқали боқади. Ундан келаётган бир қатим нур Робия. Тунда ўксиб йиғлаётган бола унинг болалиги, тун уни болалик олами билан юзлаштиради.

Тунга метафоралар қўллайди: тун – умр, болалик, гул, хушбўй атиргул, сиёҳранг гул, шоҳона либос кийган, қора кийган кампир, шайтонга ота-бободан мерос, шайтон салтанати, хилват бошпанаси, ёлғизлик манзили, олтин кемадаги қиз, муаллиф-қаҳрамоннинг иниси, қаҳрамоннинг умри, бир кечалик тадриж, ғаройиб қисмат, ғилай шайтон қиёфаси, қаҳрамоннинг ҳамроҳи, ёвузлик қиёфаси. Тун панжаралари орасидан ўтмиши ва келажagini тафтиш қилаётган, ўз-ўзига “исён” қилаётган қаҳрамонни кўрамиз. Н.Эшонқул қаҳрамоннинг ҳолатини куйидагича шарҳлайди: “У ўзини кашф этаётган, шафқатсизларча сўроққа тутаётган одамдир. Унинг фожиаси ҳам шунда. У ўз хулосаларини ўзининг мавжудлигини исботлашга уринаётган инсон хулосалари сифатида қарашни истайди, яъни у ўзининг мавжудлигини исботлашга уриняпти”¹²⁸. Ўз ҳаётидан, жамиятдан, ўзидан қониқмаган инсоннинг изтироблари акс этади. “Бизнинг илдизимизни кесиб

¹²⁸<https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/suhbatlar/nazar-eshonqul-adabiyot-baribir-yangilanaveradi>

қўйишган. Кесиб олишгану бошқа бир дарахтга пайванд қилишган. Вужудимизда ёт дарахтнинг қони кезади”¹²⁹. Тузум сиёсатини қоралайди. Қаҳрамон: “Хаёлимиз – ҳибсхонамиз. Бу ҳибсхоналарнинг туйнукларига умидсизлик панжаралари ўрнатилган. Худди адашган кўршапалакдек биз бу ҳибсхона деворлари аро сору сор учиб юрамиз. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бу арзиҳолимни “Тун панжаралари” деб атагандирман. Бу панжаралар метиндай мустаҳкам, миямизга тун пичоқлари қадалиб турибди”¹³⁰. Ёзувчининг бадий нияти рамзлар қатига яширинган. Қиссадаги рамзий маънони яхлитлаштирувчи калит сўзларни қаҳрамон руҳий оламининг таҳлилига кўра қўйидаги турларга бўлишимиз мумкин.

1. Қаҳрамон ўтмиш ва келажак ҳақидаги фикрларини асослайдиган рамзлар: *тун, туш, шайтон, панжара, эртак, уй, тош, водий, қора тулпор*.

2. Қаҳрамоннинг ёруғ кунларга, келажакка умиди ифодаси бўлган рамзлар: *гул, олтин елканли кема, оқ тулпор, омад араваси, очиқ дераза, хаёл*.

Ўзлигини англаш йўлида изтироб чекаётган, қисматини тафтиш қилаётган, келажакдан умид узмаган инсоннинг хаёлларига қўйилган панжарадан барча оғриқли нуқталаримизни тун қўйнида кашф қиламиз. Зеро, қисса “адабиёт инсоннинг оғриқлари” эканлигига намуна сифатида битилгандай.

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Куза...” ва Н.Эшонқулнинг “Тун панжаралари” қиссаларидаги рамз ва метафоранинг типологик хусусиятлари:

¹²⁹ Кўрсатилган манба. – Б. 192.

¹³⁰ Кўрсатилган манба. – Б. 191.

Типологик хусусиятлари	Х.Дўстмуҳаммаднинг “Куза...” қиссаси	Н.Эшонкулнинг “Тун панжаралари” қиссаси
Қиссаларнинг номланишидаги рамзийлик	<p>“Куза...” – кузатиш ва кузатилиш синоати ҳақидаги қисса. Замо-навий инсон кузати-лувчи инсон эканли-ги. Ботиний маънода ҳар бир инсон, авва-ло, яратган Холиқ ку-затувида эканлигини унутмаслиги лозим. Зоҳирий маънода ин-соннинг кузатувчи ёки кузатилувчилиги, бал-ки ҳам кузатувчи, ҳам кузатилувчи мақоми-да эканлигига ишора қилинади.</p>	<p>“Тун панжара-лари” – Тун ўтган кун ва келажак учрашадиган за-мон. Тундан ҳа-ловат излаётган, ўтган умрига на-зар ташлаш орқа-ли келажagini кўраётган, инсон руҳий оламини панжаралар ораси-дан турли ракур-сларда кузатаётган қаҳрамон кечин-малари. Мустабид давр инсоннинг зулматдаги ҳаёти-га панжара орқа-сидан қарагани, ёруғликни соғин-ган қаҳра-моннинг зулматли (тун) даги бедорликла-ри битилган.</p>

<p>Асар қаҳрамонларининг номланиши</p>	<p><i>Умид</i> – келажакка умид билан интилаётган, кузатилувчи сифатида тафтиш ўтказиб, кузатувчилик мақоми сари интилаётган қаҳрамон.</p> <p><i>Азиз</i> – инсоннинг азиз ва мукаррамлиги тимсоли. У ўз қобиғини ёриб чиқишга, ўз лигини топиш ҳаракатидаги саргардон қаҳрамон.</p> <p><i>Фарҳод</i> – дунё билан ҳамнафас, замонавий, ишбилармон ҳаракатдаги ягона қаҳрамон.</p> <p><i>Устоз</i> – инсоннинг кузатиш ва кузатилиш синоатини англашишда йўлбошчи.</p> <p><i>Опа</i> – ҳавас ва ҳасад кузатилишлардан савдони ҳолга келган, назар, нафасларнинг исканжасидаги қаҳрамон.</p> <p><i>Котиба</i> – оқлик, поклик, меҳр ва келажакка умид тимсоли.</p> <p><i>Лариса Латиповна</i> – икки миллат хислатини ўзида жамлаган қаҳрамон.</p>	<p><i>Ҳосила</i> – қаҳрамоннинг кўнгил қўйиб эришолмагани, кейинги изтиробларининг сабабчиси. Муҳаббатнинг ҳосиласи қаҳрамонни етукликка етакламади, балки тушкунликка, умидсизликка олиб келди.</p> <p><i>Робия</i> – қаҳрамон ҳаётида очилган биринчи ва охириги беғубор гул.</p> <p><i>Ҳаққул</i> – турмушдан ҳеч омади чопмаган, дунёни бошқачароқ кўриш эмас, бу дунёни ўзгартириб бўлмаслиги ҳақида ўйлайди.</p> <p><i>Сулаймон</i> – ҳаёлан хотирасида яшайдиган чин дўст тимсоли.</p> <p><i>Шомурод арқон</i> – бутун умри мағлубиятдан иборат.</p>
---	---	---

<p>Қиссаларда рамзий тасвирлар</p>	<p><i>“Уст-бошингизга қараб қўйинг, йигит...”, назар – инсоннинг қонига сингдирилган тузоқ;</i></p> <p><i>кузатиш – рамзий маънода Ўзини кузатиш асосида қалб тозалиги, виждон поклигига эришиш.</i></p>	<p><i>Тун – ўтган кун ва келажак учрашадиган замон.</i></p> <p><i>Ташландиқ уй – умри тугаб бораётган, асоси чириган, таназзулга юз тутган тузум;</i></p> <p><i>Дераза – келажакка умид, ишонч, орзулар туйнуги;</i></p>
<p>Қиссаларда метафорик тасвирлар</p>	<p><i>“Одам кузатувчи ва кузатилувчи маҳлук”, “Тикилган кўзларнинг тикони бордир”, “назар – тоғ”,</i></p> <p><i>“Кўпчиликнинг назари – милтиқнинг ўқи”, “иззат нафсига игна суқиш”, телефон “тринглади”, “минғирлади”, “нағма қилди”.</i></p>	<p><i>Тун – сиёхранг атиргул, қора кийган камшир, шайтонлар салтанати, умр, болалик, шоҳона либос кийган, олтин кемадаги қиз, бир кечалик тадриж, ёвузлик қиёфаси.</i></p> <p><i>Оқ тулпор, олтин елканли кема – болаликдаги орзулар;</i></p> <p><i>Ҳаёт – узун ва бемаъни туш;</i></p> <p><i>Омад араваси, тунда ўқиб йиғлаётган бола – унинг болалиги.</i></p>

Инсон ўз-ўзини иймон ва диёнат билан кузата олса, тафтиш қилса маънан юксалиш, руҳан покла-ниш поғонасига кўтарилади. Зеро, замонавий инсон кузатувчи, уйғоқ инсондир. Одамлари тундан ҳало-

ват изламайдиган, зулмат қўйнидан ёруғлик қидирмайдиган, кузатув остига олинмайдиган, энг яхши инсоний фазилатлар измида яшайдиган жамият барпо этиш.

Истиқлол даври қиссаларида воқеликни рамзлар, тимсоллар орқали тасвирлаш, метафорик тафаккур тарзининг етакчилик қилиши, бадий тасвир воситаларини ҳақиқий санъат даражасида қўллаш ва воқеликнинг турли ракурсларда берилиши асосий мезонга айланди.

ЗАМОНАВИЙ ҚИССА СТРУКТУРАСИДА ШАХС КОНЦЕПЦИЯСИ ТАЛҚИНИ

Композиция бадий асарнинг барча компонентларини уюштириб, унинг шаклий ва мазмуний бутунлигини таъминлайди. Аристотель композицияни қуйидагича изоҳлайди: "... воқеаларнинг қисмлари шундай жойлаштирилиши лозимки, бирон қисм алмаштирилганда ё олиб ташланганда яхлит нарса ўзгариб кетсин, ё ҳаракатга келсин, чунки мавжуд эмаслиги сезилаётган нарса бутуннинг узвий қисми бўла олмайди"¹³¹. Рус ёзувчиси Л.Н.Толстой: "Асосий нарса қисмларни фокусга муносиб равишда жойлаштира олишдадир ва улар тўғри жойлаштирилар экан, барча кераксиз, ортиқча нарсалар ўз-ўзидан тушиб қолади ва катта муваффақиятга эришилади". М.Қўшжонов "Ижод сабоқлари" китобида: "Композиция аниқ бир ғоявий мақсадга нисбатан асардаги қисмлар, образлар ва воситаларнинг ўрин олиши, уларнинг тасвир меъёри ва мувофиқлигидир"¹³² деган таърифни келтиради. М.Қўшжонов композицияни ташкиллаштирувчи асосий куч ёзувчининг бадий мақсади эканлигига алоҳида урғу беради. Лев Толстой "Анна Каренина" асарининг қурилишини иморатга ўхшатади: "...архитектураси билан фахрланаман – қуббасининг қирралари шундай яхшилаб кўтарилганки, туташ жойи – "қулф"ининг қаёқдалигини сезиб олиш ҳам қийин"¹³³. Дарҳақиқат, яхши асар композициясини мукамал қурилган иморатга ўхшатиш мумкин.

¹³¹ Аристотель. Поэтика. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 21.

¹³² Қўшжонов М. Ижод сабоқлари. – Т.: Фан, 1973, – Б. 180-181.

¹³³ Суровцев Ю. Повестнинг композицияси ҳақида // Шарқ юлдузи. 1971. № 5. – Б. 25.

Ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириш, яъни диспозицияни композицияга айлантириш ёзувчидан катта маҳорат ва меҳнат талаб қилади. Композицион шаклни яратиш лаёқати ёзувчининг туғма қобилиятдан, ижодий истеъдодидан ҳамда унинг қайдаражада амалий тажриба тўплаганидан далолат беради. Ҳар бир жанр композиция жиҳатидан ажралиб туради. Бу ҳақда Ю.Суровцев ёзувчиларнинг жанр талабига риоя қилишини бош мезон деб билади: “Жанр талаблари ёзувчи ёки рассом томонидан ҳамиша ҳам мантиқан тўғри идрок қилинмайди. Аммо жанр талаблари иш жараёнида ўзларини намоён қилиб турадилар; агар санъаткор улар билан ҳисоблашмаса, уларга ижодий ёндашмаса, эстетик бир бутун асар ўрнига “жамланмаган”, эклектик бир нарсани яратиб қўйиши мумкин”¹³⁴.

Бадиий асар сюжетини ҳам композиция таркибига киритиш лозим. Сюжет – бадиий мақсадга йўналтирилган воқеалар кетма-кетлиги ва шу воқеалар иштирокчиларнинг ўй-хаёллари, ҳис-кечинмалар ҳаракати ва ривожиди. Ёзувчининг бадиий тафаккури муайян сюжетда моддийлашади. Сюжет қаҳрамон ва воқеалар ўртасидаги муносабатни ифодалашига кўра икки турга бўлинади. Биринчи хил сюжетда қаҳрамонлар воқеалар ривожиди фаол ҳаракат қилади. Бадиият оламидаги янгиланишлар даставвал сюжетда ўзини намоён қилади. Янгиланишлар самараси сифатида иккинчи хил сюжет яратилди, унда қаҳрамонлар ҳаракати, асосан, ўй-хаёлларида акс этади, руҳиятдаги кечинмалар тасвирланади. Бундан ташқари, сюжетнинг хроникали ва концентрик турлари бор. Хроникали сюжетда асарнинг “бадиий вақт”и исталганча кенгайтирилиши мумкин: унда “параллел вақт”да кечаётган воқеаларни тасвир-

¹³⁴ Кўрсатилган манба. – Б. 20.

лаш, ретроспекция – замонда ортга қайтиш усулидан фойдаланиш имкониятлари кенг. Адабиётшунос олим Д.Қуронов ретроспекция ҳақида шундай дейди: “Гарчи сюжетнинг алоҳида тури сифатида тасниф этилмаса-да, айрим адабиётларда у сюжет композицияси нуқтаи назаридан *ретроспектив сюжет* деб фарқланади. ...бундай сюжет қахрамоннинг ўтмишда юз берган воқеаларни, баъзан ҳатто бутун умрини таҳлилий назардан ўтказиши асосига қурилади”¹³⁵. Концентрик сюжетда эса битта асосий воқеа конфликт асосида шиддат билан ривожланиб, ечимга томонга интилиши кузатилади. Қисса жанрида асар ғояси, қахрамон характерини ёритишда сюжет ва композициянинг асосий модели ҳамда вазифаси бор. Э.Аъзам ва Х.Дўстмуҳаммад қиссаларида жанрнинг бу унсурларини маҳорат билан жойлаштиради, моҳиятни акс эттиришга хизмат қилдиради.

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ёлғиз” қиссаси сўнгги давр ўзбек қиссачилигида ўзига хос ҳодиса бўлди. Адиб бу қиссани яратишдан олдин Абдулла Қодирий ижоди билан боғлиқ изланишлар олиб борди. Жумладан, “Жаҳон адабиёти” журнали саҳифасида эълон қилиниб, адабий жамоатчилик томонидан шов-шув билан кутиб олинган “Жон Мильтон ва Абдулла Қодирий: “Ареопагитика”дан “Диёри бакр”га қадар” мақоласида А.Қодирийни жаҳоний ракурсда таҳлил қилди. 1604-1674 йилларда яшаган инглиз шоири, олими ва публицисти Жон Мильтон ва 1894-1938 йилларда умр кечирган ўзбек адиби ва публицисти Абдулла Қодирий ўрталаридаги яқинлик ва ўхшаш тақдирларни илмий тадқиқ қилади. Мақолада икки халқ ижодкор зиёли инсонларининг ҳаёти ва қисматидаги яқинлик, ўхшашликларни эътироф этади. Бу

¹³⁵ Қуронов Д. Назарий қайдлар. – Т.: Akademnashr, 2018. – Б. 12.

икки миллат фарзанди ўз даврида она халқи тақдир, фаровон ҳаёт, адолатли жамият барпо этиш масалаларига бефарқ, безътибор бўлмаган, чинакам фидоий, чинакам зиёли фуқаро сифатида ўз қарашлари, нуқтаи назарини очиқ-ойдин, ошкора матбуотда кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этган. Улар ўз даври ва жамиятининг юрагига айланган. Кўрсатган маънавий жасоратлари учун Жон Мильтон таъқибга учрайди, ёзган мақола ва памфлетлари намойишкорона ўтга ташланади. Парламентда уни ҳибсга олиш, ўлимга ҳукм этиш масаласи кўрилади. Абдулла Қодирий эса ўлимга ҳукм этилади. Мақола ва қиссада ўша даврда авом халқ матбуотчи, журналист ва илғор зиёлиларни “хат битадиган, ёмон одамлар” деб қўлларини бигиз қилиб кўрсатишгани, уларни бадном қилишга, обрўсизлантиришга қасд қилишгани, пайт пойлаганлари ёритилган. А.Қодирий ўз маслагада собит, виждони асосий мезон эди. Шунинг учун ҳам суддаги нутқида: “Мен тўғрилик орқасида бош кетса, “эх” дейдирган йигит эмасман”, дейди. Ж.Мильтон: “Менинг руҳим ҳамиша танамдан қудратлироқ”, деган эди.

“Абдулла Қодирий ва унга ўхшаш замонасининг илғор зиёлилари қанақанги савобли мақсадлар билан яшаганлар, виждон амри ила фаолият юритганларига қарамай аксари омма – авом назарида “ёмон одам”лар бўлиб кўринганлар, ундайларни қўлларини бигиз қилиб, “хат битадиган одам” деб бир-бирларига кўрсатиб шивирлаганлар. Шивирлабгина қолмай, уларни бадном қилиш, обрўсизлантириш, тифғи парронга учратиш... эпини топсалар, жисмонан маҳв этиш учун пайт пойлаганлар”¹³⁶.

¹³⁶ Дўстмуҳаммад Х. Жон Мильтон ва Абдулла Қодирий: “Ареопажитика”дан “Диёри бакр”га қадар // Ёлғиз. – Т.: MASHHUR-PRESS, 2019. – Б. 187-188.

Х.Дўстмуҳаммад Абдулла Қодирий ҳаётини маслаҳати, ижоди бўйича изланишларни давом эттирди ва бу меҳнатлар самараси сифатида “Ёлғиз” қиссаси яратилди. Асарни мавзу ва муаммо жиҳатдан биографик қисса дейиш мумкин. Ирвинг Стоун ўз тадқиқотида биографик қиссанинг тарих билан боғлиқ эканлигини эътироф этади: “Биографик қиссанинг ота-оналари – биогафия ва қиссадир, лекин, айна чоқда, у ўзининг бувиси бўлмиш тарихнинг ҳам фарзандидир. Биографик қисса ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлмоғи керак ва бу ҳужжатлар синчковлик, ҳалоллик билан талқин қилинган бўлмоғи лозим”¹³⁷. Олим биографик қиссада ёзувчининг фокус нуқтаси қаратиладиган жиҳатларга эътибор қаратади. “Муаллиф ... қаҳрамони ҳаёт кечирган ва ҳаракат қилган жойларни ўз кўзи билан кўрмоғи, унинг бошидан нур сочиб турган қуёшни, у одимлаб юрган заминни кўздан кечирмоғи, қаҳрамони яшаган қишлоқ ёки шаҳарнинг қиёфаси қандай эканини билмоғи лозим”¹³⁸. “Ёлғиз” қиссасининг яратилиши ҳақида адиб шундай деган эди: “.. ёзишдан олдин Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижодига доир барча манбаларни ўрганиб чиқдим, архив маълумотлари билан танишдим. Ёзувчининг маҳбуслиқда кечирган ҳаёти ва ҳолатини юракдан ҳис қилишим учун қамоқхонага бордим, маҳбуслар билан суҳбатлашдим, оғир жиноят қилган жиноятчининг суд жараёнида қатнашдим, кузатиш ва ўрганишларим самараси қисса яратилди” (*Ёзувчи билан суҳбатдан*). Қисса воқеалари 1926 йил мартдан июнь ойи ўртасигача бўлган даврда кечади. Ёзувчининг уч ойлик аянчли,

¹³⁷ Стоун И. Биографик қисса ҳақида // Жаҳон адиблари адабий ҳақида. – Т.: Маънавият, 2010. – Б. 97.

¹³⁸ Қўрсатилган манба. – Б. 102.

ҳазин ва дилгир ҳаёти тасвирланади. Қиссани Ш.Ризаев “дардманд дил изтироблари” деб баҳолайди. Адабиётшунос қиссадаги дардга алоҳида урғу беради: “Дардки, нақ ёриламам дейди. Бу Қодирийдан ҳам кўра бугунги Хуршид Дўстмуҳаммаднинг, балки у қабиларнинг дарди, азоби, изтироби. Ёши етмишга яқинлашиб, тагига етолмаган оламшумул алами. Қайта-қайта океан ортига бориб, Оврупани, Осиёни кезиб, булардан келиб Ўзбекистонни кўриб, кузатиб, тобора “азоби минг” бўлаётган ёниқ юракнинг дарди”¹³⁹. Х.Дўстмуҳаммад доимий изланиш, интилишда бўлган, замон билан ҳамнафас, шахс сифатида жамиятда фаол, тиниб-тинчимаган илғор ёзувчилардан. Адиб билан суҳбатимизда аосий принципи асарни шунчаки ёзмаслиги, шундай асар бўлиши керакка ўқувчини ларзага солсин, уйғотсин, ўйлатсин, фикрлашга мажбур қилсин. Дард билан оғриган қаҳрамонлар ва уларнинг оғриқларини аксланган асар ёзиш эканлигини таъкидлайди.

Х.Дўстмуҳаммад А.Қодирий образини яратишда, унинг характерини очишда адибнинг публицистикасига таянади. Асарлари ортида миллатнинг жонкуяр фидойиси, сиёсий жиҳатдан саводли, ҳақ-ҳуқуқларини яхши билувчи, фаол жамият зиёлиси турганлигини ёзувчининг ижтимоий-сиёсий позициясидан билиш мумкин. Ёзувчи фақат ижод билан банд бўлмай жамият ҳаётида ҳам фаол иштирок этади ва бу унинг асарлари, қаҳрамонлари тақдирида из қолдирганлигини сезиш қийин эмас. Г.Саттарова қиссада тасвирланган воқеалар ёзувчининг бадиий ҳаёлоти, Абдулла Қодирий асарлари асосида, айни пайтда, тарихий ҳужжатлар билан мантиқий далилланганини, тарих

¹³⁹ Ризаев Ш. Дардманд дил изтироблари // Ёлғиз. – Т.: MASHHUR-PRESS, 2019. – Б. 3-7.

ва бадий хаёлотнинг ажабтовур муштараклиги асосида юзага келганини алоҳида таъкидлайди ва асарни тарихий-бадий қисса деб баҳолайди¹⁴⁰. Қиссада А.Қодирий яшаган ва фаолият юритган давр матбуоти етарли даражада шаклланмаган бўлиб, у шу даврнинг қурбонига айлангани акс эттирилган. А.Қодирий ўз маслаги миллатни уйғотиш йўлида собитқадам, тиниб-тинчимаётган, оломондан устун турувчи шахс – фард, ёлғиз одам. “... ўзи билан оломон, оломон билан ўзининг орасидаги масофа жуда-жуда узоқ, оралиқ бамисли кўз илғамас дара, тубсиз жарлик, қақраган тубсиз уммон эканлигини ҳисобга оломаётганидан жони ҳалак эди”¹⁴¹.

Ёзувчи адибнинг ички дунёси, маънавий қиёфаси ва қисматининг фожиавий асосларини рамзлар асосида ёритиб беради. Қиссанинг номи асар мазмунини очишда калит, рамзлар билан жилоланган жумлалар қаҳрамон руҳияти моҳиятини очувчи эшик вазифасини бажаради. Ўз ички “мен”ини енгиб, ғолиб яшашга қодир инсон доим ёлғизликка маҳкум. Абдулла Қодирийнинг шахс сифатидаги ёлғизлиги, буюклиги, улуғлиги ёлғиз деган тушунча фонид а акс эттирилади. Чунки А.Қодирий ўз даврида уйғоқ, тиниб-тинчимаётган, халқнинг ўзлигини танитиш дардида ёнаётган қалб эгаси эди. “... адабиёт майдонига Абдулла Қодирий Шахс сифатида шаклланиб кириб келди. Унинг дастлабки шеърларида, кичик асарларида услубий жиҳатдан тажрибасизлик сезилиб турса-да, аммо уларда ўз қарашларида собит

¹⁴⁰ Саттарова Г. Замоनावий ўзбек қиссасида Абдулла Қодирий сиймоси // Абдулла Қодирий ижодининг мустақиллик даврида ижтимоий, маънавий, маърифий аҳамияти. Конференция материаллари тўплами. – Т.: Фан, 2019. – Б. 61-62.

¹⁴¹ Дўстмуҳаммад Х. Ёлғиз. – Т.: MASHHUR-PRESS, 2019. – Б. 22.

бўлган эътиқод эгасини, имони бут улкан Рухни ҳис қилиш қийин эмас”¹⁴².

Қиссада Абдулла бозор айланади, бозор асосий хронотоп вазифасини бажаради. Халқнинг ҳаёти, яшаш тарзи ҳақида бозорга қараб хулоса чиқаради. “Йўқчилик, ночорлик абгор қилган барчани, бирдан бир халоскор – бозор. Тўғри, бозор кезган жондорнинг бугун қорни оч қолмаслиги мумкин, лекин эртага-чи, индин-чи?! Бу аҳволга қаноат қилиб умр кечириш охир-оқибат миллатни барбод этади, йўқ қилади, бир ҳовуч хас-хазонга, суприндига айлантиради, суприндига!”¹⁴³ Абдулла бозордан олади, халқнинг ўзидан олиб, халқнинг ўзига беради, ўзини ўзига кўрсатиш орқали халқни уйғоқликка чорламоқ истайди: “Бирдан бир нажот матбуотда, ягона халоскор – матбуот! Қандай бўлмасин, одамлар газит-журналга жалб этилмоғи даркор. Шу йўлда барча чоралар кўрилмоғи, ҳеч бир машаққатдан чўчимаслик керак!..”¹⁴⁴ Неча-неча эр йигитларнинг умри чойхонада зое ўтаётгани, чойхонага қурбон эл қалбида ўқишга муҳаббат уйғотиш учун ҳам кўп, рост ва қизиқ ёзишни шарт деб билади. Ўз даврида авом халқнинг ёзувчига, матбуотга муносабатини қизлар суҳбати асосида ёритади: “ – Ёмон одам бўлса керакки, тинмай ёзади!..

– Астағфируллоҳ, ўзинг асра, бундай одамлардан! Яхшиям ёзишни билмайман!.. – Ўзингга шукур, ман ҳарф ҳам танимайман...”¹⁴⁵ Гафлат уйқусидаги авом халқни уйғотувчи ҳақ гапни айтгани учун Қодирий ўз даврида қадр топмади.

¹⁴² Тўлағанова С. Бадий асар морфологияси. – Т.: Turon zamin ziyo, 2016. – Б. 21.

¹⁴³ Дўстмуҳаммад Х. Ёлғиз. – Т.: MASHHUR-PRESS, 2019. – Б. 18.

¹⁴⁴ Кўрсатилган манба. – Б. 18.

¹⁴⁵ Кўрсатилган манба. – Б. 44.

Х. Дўстмуҳаммад бош қаҳрамон тилидан ўз даври-
да миллатнинг муҳим муаммоларини санаб ўтади.
Қорин қайғусида ўтаётган, чойхоналарда зое кеча-
ётган умрлар фожиаси, афсуски, бугун ҳам учрайди.
Абдуллани қийнаган дард, қалб изтироби: “Одамлар-
ни газит-журналга жалб этишда ҳам мақсад-маслак
бўлмоғи даркор. Басират кўзларини очмоқ лозим
уларнинг. Қандоқ ҳаёт кечирмоқдалар, инсон қавми
аслида қандоқ яшамоққа лойиқ – биладими шуни
улар? Қай йўл, қай чора бирлан уйкудагиларни уй-
ғотиш мумкин? Уйкудан, мудроқликдан, танбаллик-
дан?!”¹⁴⁶ Абдулла ўзи қайғурган жамиятда – дўстлари
даврасида, ишхонада, қамоқхонада ёлғиз шахс эди.

Абдулланинг ўртоқлари олдида ёлғизлиги, улар-
дан юқори туриши суҳбатда аёнлашади: “Қуйруғи
анави эшикка сиғмайдиган думсизларни кони дейи-
шади, Масков, бошқасини қўй, шундан гапир, Аб-
ди!”¹⁴⁷

Ишхонада ёлғиз – энг яқин дўсти Ғози ҳам унга
дакки беради. Тилинг аччиқ дейди. Ғози: “Жулқун,
дўстим, ... қаламингни сиёҳга эмас, заҳар-заққумга
ботириб ёзасанми, нима бало? Ёки сиёҳдонингга
заҳар томизиб қўясанми?” Абдулла Ғозининг эъти-
розларига хаёлан жавоб беради: “... Маним мақо-
лаларим – маним дардларим... Ёзар сиёҳим – дардла-
рим, шу боис заҳар у, заҳар. Бўлак сиёҳдан қўлимга
қалам тутмайман”. “Сендек қалами пухта – сўзи ўт-
кир биродарим билан тил топишолмасам, ким қола-
ди ёнимда, ким?!”¹⁴⁸

Шахслик мақоми, шахслик аъмоли оғир юк. Бош-
қалар уни тушунмагани учун ҳам у ёлғиз; илғорлик,

¹⁴⁶ Кўрсатилган манба. – Б. 18.

¹⁴⁷ Кўрсатилган манба. – Б. 64.

¹⁴⁸ Кўрсатилган манба. – Б. 44.

пешқадамлик – ёлғизлик, танҳоликнинг ўзгинасидир. Абдулланинг руҳий изтироблари, кечинмалари асарларидаги қаҳрамонлари билан ҳамоҳангликда тасвирланади. Анҳор, ўртоқлари, Отабекнинг таҳорат учун келиши, Кумушнинг ариқ сувиға юзини ювиши, ариқ сувида “фитна” юз бериши. Кумушнинг кўзи ёриши, Раҳбарнисанинг кўзи ёриши. Қамокдаги ҳолатини мошинавори алфозда уста Олимникига бориб қолган Отабекнинг аҳволига ўхшатади. Уста Олимнинг ҳаёти забун бўлган аёлини эслаганда оғироёқ Раҳбарнисадан хавотирланади. “Ўткан кунлар” романида А.Қодирийнинг Юсуфбек ҳожига эътимоди ўзгача эди. Бўлган воқеаларни Юсуфбек ҳожи нигоҳида тафтиш қилар, баҳо берар, фикрлашар эди. Судда якка ўзи курашди, бирга ишлаган ўртоқлари гувоҳликка ҳам келишмади. Уч кун бутун воқеалар тафсилотини ўқиб берди. Суддагилар ўзларини эшитаётганга солиб ўтиришди. Унинг дарду изтиробларини тушунадиган, фикран уйғоқ англагучи одам топилмади. Қодирий адабиётда ёлғиз, “Муштум”да ачитиб сўз айтишда ёлғиз, камерада ёлғиз, қалами ўткирлиги, куюнчаклиги боис ёлғиз, “тушунадиган одамлар” тушунмайдиганлар олдида ёлғизлиги эди. Суддаги нутқида: “ – Судланувчи Қодиров! Айтинг-чи, шу вақтга қадар фирқа аъзоси эмаслигингиз сабаби нимада?

–мен бунда айблман. ...маним табиатимда фардликка мойиллик бор. Шу сабаб...”

– Фардлик? Қайси маънода?

– Ёлғизлик маъносида¹⁴⁹.

Ўша ёлғизлик мана энди буткул ўзгача тўнда унинг бошига ёпилганди, ўзини ҳимоя қилиш якка ўзига қолди. Икки йиллик қамок жазоси, матбуот

¹⁴⁹ Кўрсатилган манба. – Б. 139.

кулгуси учун кулгули жазо, тушунганнинг устидан тушунмаганларнинг ҳукми эди. Қисса ичида қолипловчи иккита ҳикоя берилади: Бири Абдулланинг қамоқдаги ҳаётидан ҳикоя қилувчи Ростгўй амаки тилидан айтилган “Ўткан кунлар” эртаги бўлса, бири Бўғма тилидан бўғзида қўйнинг қумалоғини сақлаётган вазирлар ҳақида эртак эди. Иккала эртак ҳам бугунги куннинг эртаги. Абдулла ўзининг қамалиши, ажабтовур қамоқ ҳукми ва озод этилиш воқеаларини “Жинлар базми”га ўхшатади. Ёзувчи Ўсар ака ҳолати билан Абдулланинг қамоқдаги ҳолатидан муштараклик топгандай бўлади. Қамалиш жараёнида тўққиз кун ёлғизликда сақлашди ва тўққизинчи куни буни янада исботлаш мақсадида унга ҳамхона қилиб “Индамас”ни қўйишди. Ўнинчи куни эса Абдуллани жисман мағлуб этиш мақсадида “Бўғма” (Ялангтўш, Илон)ни ҳамхона қилишади. Ялангтўшнинг эртагида унинг ҳаётий маслағига ишора бордай. “Бўғма” каззоб подшо ҳақида эртак айтиб беради. “Бўғма”нинг эртаги ўша даврдаги ҳукмрон сиёсатни фош қилади. Чунки подшо қайсики аёни гапирса уни йўқ қила бошлайди. Энди вазиру аёнлар гапирмасликни ўзларига одат қилишади. Уларнинг ичи тўла гап, лекин журъати йўқ, қўрқоқ. Подшо соқовга айланган уламоларини ўлдиришга ҳукм беради. Бошлари танидан жудо қилинган аёнларининг бўғзида тиқилиб, қўйнинг қумалоғига айланиб қолган сўзлар оёқ остига думалаб-думалаб тутдай тўкилибди. “Бўғма” тилидан Абдулланинг тақдири башорат қилинади: “Манга ўхшаш одамхўрдан кўра санга ўхшаш каллали ёзувчидан кўпроқ кўрқади маразлар”, “яхши ёзувчи экансан, эрта бўлмаса индин барибир қамашади, бунисида бўлмаса, кейингисида отади бу итлар”¹⁵⁰. Зеро, 1926 йилда оқланиб чиқади.

¹⁵⁰ Кўрсатилган манба. – Б. 106.

1937 йил тўфони уни яна ўз домига тортади. Абдулла бу тўфонда ҳукм чиқишидан бир кун олдин отилади. Абдулла Қодирийнинг 1926 йилда “Муштум” журналида босилиб чиққан “Йиғинди гаплар” мақоласи туфайли қамалиши 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин” учун қўл келди. Адабиётшунос олим Н.Каримов “Апресянга янги йил совғаси” мақоласида бу ҳолатни шундай изоҳлайди: “...НКВД ходимлари учун, энг муҳими, унинг 1926 йилда қамоққа олиниши эди. Терговчи Н.Трифулов шу воқеа муносабати билан тузилган “жиной иш”ни топтириб, ундан адибнинг қамалишига сабаб бўлган “Йиғинди гаплар” мақоласини топади. ... унинг “аксилнқилобий мақсадда тайёрланган”и тўғрисидаги қарор жумлаларидан рағбат олган ҳолда терговга киришади”¹⁵¹. Қиссада эртак, роман, ҳикоя ва реал ҳаёт қоришиқ ҳолда Абдулла ҳаёти ва ўз даврининг ШАХСга бўлган муносабатини акс эттиради. Қисса якунида ёзувчи Абдулланинг жамиятда янада ёлғизланганини рамзий маънода ифода этади. Данакни теша билан синдираман деб чап қўл кўрсаткич бармоғини эзиб қўяди. Шикаст еган бармоқ эзилди, қонади. Ёнидаги бармоқлар ундан ўзларини ҳимоя қилди. Ҳимояланувчилар Абдулланинг ёзувчи ўртоқлари эди.

Эркин Аъзам қиссаларида идеалда ва кўнгилда адашган одамлар қиёфаси ёритилган. Ёзувчи жамиятдаги ва инсонлар табиатидаги иллатларни киноявий кулгу асосида гавдалантиради. Ножўя ҳаёт йўсини, тириклик ва тирикчилик тарзи устидан кулади, унинг аянчли нуқталарини кўрсатади. “Адиб ўз ижодида инсон кўнглини бутун самимияти, беғуборлиги билан нозик ва теран тасвирлаш асносида аччиқ

¹⁵¹ Каримов Н. Адабиёт ва тарихий жараён. – Т.: Mumtoz so'z, 2013. – Б. 375.

киноявий сўзлар воситасида ҳаёт фалсафасидан баҳс юритади. Аслида, киноявий ифода адибнинг индивидуал услубига айланган”¹⁵². Киноявий тасвир услуби ҳақида М.Шералиева “Ҳозирги ўзбек насрида киноя” диссертациясида изоҳ келтиради: “Киноя шахс учун қадрли бўлган, муқаддас нарсаларга қаратиларкан, уларни мавҳум ҳолда эмас, балки муайян воқелик билан алоқада кўриб чиқиш имконини беради. Бунинг натижасида мазкур қадриятларнинг қай даражада мўрт ва омонат эканини англаш мумкин бўлади. Шу маънода киноя ҳимоя механизми вазифасини ҳам ўтайди – компенсация воситасига айланади”¹⁵³. Киноянинг муҳим жиҳати сўз ёки гапнинг ҳамма вақт икки маъноси бўлишида, ҳақиқий маънода айтилган гапнинг тескари маъноси орқали тушунилишида намоён бўлади. Аристотель кулгининг икки хилини ажратади: ҳазил ва киноя. Унинг фикрича, “киноя – эркин кулги. Киноя киноячининг ўзи учун кулги туғдиради, ҳазил эса бошқалар учун”.

Э. Аъзамовнинг “Жавоб”, “Тули гули”, “Шоирнинг тўйи”, “Чапаклар ва чалпаклар мамлакатади” қиссалари жамият муаммоларига киноявий муносабати, кўнгил ҳукмида адашган инсоннинг изтироблари, ўтган ва ўтаётган ҳаётига кўнгил армонлари орқали нигоҳ ташлаётган қаҳрамонлар янгилиги билан ажралиб туради. Ёзувчи “Шоирнинг тўйи” қиссасида қатағонга учраган ва кейин оқланган Оташқалб шоир тақдири орқали давр сиёсатини киноявий услубда бадиий ёритади. “Қиссани ўқиш жараёнида китобхонда қиёфасидан ажралган, отини йўқотган, бир-бирининг юзига қараб ёлғон гапирадиган,

¹⁵² Ашурова Н. Э.Аъзам услубининг айрим хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2012. – №5. – Б. 65.

¹⁵³ Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя. – Т.: Akademnashr, 2016. – Б. 23.

талантли фарзандларини қобилиятсизларга бемалол қурбон қилиб, уларга бўйсуниб яшайверадиган халқ бўлолмаган оломондан ёзғириш ҳисси пайдо бўлади”¹⁵⁴. Қиссадаги ёзувчи маҳоратининг муҳим жиҳати қаҳрамонларга ном берилмаслигида кузатилади: Оқсоқол шоир, Маъшуқахоним Алвастихоним, Ажойиб домла, Фан арбоби, Жиянбека, Темирйўлчи, Жасур шоир каби. Ёзувчи бутун бошли миллат, унинг зиёлилари орасидан ҳеч кимга от қўймайди. Чунки от “мен”ни ўзликни талаб қилади. “Шахслиги йўқолган одам қулга, халқ оломонга айланган жойда от эмас, сифат муҳим бўлиб қолади. Шахслигидан айрилган от – одам ўз ҳосиласи сифатга айланади”¹⁵⁵. Бу қаҳрамонларнинг тақдир йўллари тасодиқий ёки манфаатлар йўлида қатағон қилинган шоир билан боғланади. Оташқалб шоир – ҳақиқат йўлида номи қора қилиниб Сибирга сургун қилинган, ногиронга айлантирилган, ўлди деб ҳайкал ўрнатилган, энди эса оқланиб тўйи ўтказилаётган шоир. Ёзувчининг ижодий манерасида жамиятдаги иллатлар, адолатсизликлар ва бугунги кун муаммоларини, инсонлар табиатидаги қусурли томонларга муносабатни аччиқ киноя, пичинг, қочиримларга ўраб ифодалаш асосий хусусиятдир. Оташқалб шоирнинг таваллуд тўйи ҳарбий асирлар томонидан қурилган машҳур кошонада ўтяпти. Ёзувчи дастлаб бинога изоҳ беради. Қурилиши мустаҳкам, чунки иморатнинг тамал тошига улуғ доҳийнинг ўзи қўл қўйган ва кимларни жалб қилишни жуда яхши билган. Маҳбусларнинг жалб қилиниши ҳам бежизга эмас, чунки улар айб-

¹⁵⁴ Йўлдошев Қ. Самимий ҳарорат тасвири // Эркин Аъзам бадий олами. Илмий мақолалар ва суҳбатлар тўплами. – Т.: Turon zamin ziyo, 2014. – Б. 34.

¹⁵⁵ Мирзаева С., Дониёрова Ш. Истиқлол даври адабиёти. – Т.: Академнашр, 2011. – Б. 90.

дорми ёки айбсизми, маҳқумлик азобини унутиш учун ҳам жон бериб меҳнат қилади. Санъат маскани маҳбуслар қўли билан бунёд этилади. Бу кошонада нишонланаётгани ёзувчининг қатағонлик даври сиёсатига киноявий изоҳи. Муҳташам кошонани ёлғон, алдов ва адолатсизликлар асосига улуғ дохий шарофати ила бунёд этилган давр қиёфаси дейишимиз мумкин. “Оташқалб шоир – динамик характер. Қисса бошланишидаги воқеалардаёқ унинг афтода аҳволда ўз юртига келишининг ўзи фавқуллода мустаҳкам характеридан нишонандир”¹⁵⁶. Қиссада шоирни икки хил қиёфада, икки хил номлаш асносида ШАХС сифатида шаклланишини кузатамиз. Ўз юрти учун жонини беришга тайёр истеъдод, ўз юртига мусофир. Э.Аъзам Оташқалб сиймосини яратишда прототип қилиб қатағонга учраган шоирларимизни танлаган ва юртнинг асл фарзандларини қурбон қилган тузумни фош қилган.

Оташқалб фожиасига сабабчиларни фош қилиш Жасур шоир зиммасига юклатилгани бежиз эмас. Ўз навбатида, Оташқалб издошлари борлиги, ҳақиқий истеъдод ва пок виждон эгаларини маҳв этиб бўлмаслигига ишора. Жасур шоир: “...сиз билан биз Оташқалбга ўхшаган зотларнинг қора қисматга дучор бўлганида кўпинча замонни қоралаймиз. Тўғри, замон нобоп келган, носоз келган. Аммо, замон мавҳум тушунча, унинг “паррагу винтчалари” ўзимиз эдик-ку! Ахир, тўрт-беш шеърий тўплам муаллифи бўлган ёшгина шоирни Сталин ёки Ежов қаёқдан билади, тўғрими? Демак, Оташқалбни таниган-билганлар шу кўйга солган. Улардан баъзилари ҳозир барҳаёт, мана шу ерда савлат тўкиб ўтиришиб-

¹⁵⁶ Ражабова Ф. Аччиқ қисматли шахс фожиаси // Шарқ юлдузи. – Т.: 2016. – №2. – Б. 130-133.

ди”¹⁵⁷. Қиссада инсоннинг тубан қиёфасига изоҳни қуйидаги жумлаларни икки қайта такрорлашда кўрамиз: “Тирикларга барибир осон экан, тириклар бешафқат экан, ўликларга қийин, ўликлар чорасиз, улар ўзини ҳимоя қилолмайди”¹⁵⁸. Оташқалб содир бўлаётган жараёнларнинг фаол иштирокчиси эмас, балки оддий мухлис, кузатувчи сифатида қатнашди. Бутун бошли миллат маънавиятини кўтарувчи ижод аҳли тилидан “эъжод” сўзи ишлатилади. Қисса тарихга назар ташлаш орқали бугунги кунимизга шукроналик туйғусини уйғотади.

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ёлғиз” ва Э.Аъзамнинг “Шоирнинг тўйи” қиссаларида шакл ва мазмунда типологик хусусиятларни кузатдик:

Қиссаларда композиция ва сюжет типологияси: Иккала қисса ҳам ноанъанавий композицион қурилишда битилган. “Ёлғиз” қиссасида юз берган жараённи уч хронотоп (уч макон ва замон) га бўлишимиз мумкин. Биринчи хронотоп: А.Қодирийнинг қамалишдан олдинги “Муштум” журналидаги фаолияти, яъни 1926 йилдан олдинги ва шу йил воқеалари, “Йиғинди гаплар” мақоласи босилиб чиққунгача бўлган муддат дейиш мумкин. Қодирийнинг миллат тақдирига куюниш ва изтиробларини тасвирлашда бозор хронотопи асосий вазифани бажаради. Иккинчи хронотоп: Қодирийнинг қамалиши, қамоқдаги изтироблар ва очлик эълон қилиши акс этади. Бунда қамоқхона макон хронотопини бажаради. Учинчи хронотоп: Қодирийнинг қамоқдан чиқиши ва оғир кунда топилмаган дўстларининг уни йўқлаб келиши воқеалари. Бунда воқеаларни уюштирувчи боғ

¹⁵⁷ Аъзам Э. Пакананинг ошиқ кўнгли. Шоирнинг тўйи. – Т.: Маънавият, 2001. – Б. 93.

¹⁵⁸ Кўрсатилган манба. – Б. 68.

хронотопи ва қисса моҳиятини ёритувчи қолипловчи иккита эртақнинг берилиши. “Ёлғиз” қиссасида қаҳрамонлар ҳаракати асосан ўй-хаёлларида акс этади, руҳиятдаги кечинмалар тасвирланади. Асар воқеалари Қодирий қарашлари, ўй-хаёллари орқали тасвирланиб, сюжетида ретроспекция (замонда ортга қайтиш) усулидан фойдаланилган. Қодирий қамоқда ўтирганда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни хаёлда қайта ҳикоя қилади, жонлантиради. Х.Дўстмуҳаммад А.Қодирийнинг ёзувчи сифатидаги истеъдодини яна бир бора таъкидлаш мақсадида қисса моҳиятига унинг асарларини сингдиради. Қодирий юз бераётган ноҳақликлар, жараёнларга ўз асарлари (“Ўткан кунлар”, “Жинлар базми”) воқеалари ва қаҳрамонлари асосида тафтиш қилади, изоҳлайди ҳамда муносабат билдиради.

“Шоирнинг тўйи” қиссасининг композицион қурилиши ҳам уч хронотоп (уч макон ва замон)га бўлинади. Биринчи хронотоп: Асардаги эпик қолип ретроспектив сюжет асосида тасвирланади. Қисса воқеалари қаҳрамон ҳаётининг сўнгги дақиқалари, юбилей ўтаётган кошонага келиши билан бошланади. Оташқалб шоир таваллудининг саксон йиллик тўйи нишонланиши асосий қисса воқеаларини уюштирувчи марказдир. Шоирнинг тўйи маҳбуслар қўли билан барпо қилинган кошонада ўтказиляпти. Бунда кошона макон хронотопи, Сибирга сургун қилинган шоирнинг номи оқланиб тўйи ўтказиляётгани замон хронотопи вазифасини бажаради. Иккинчи хронотоп: Оташқалб шоирнинг қатағонга учраб, Сибирга сургун қилиниш сабаби ва айбдорларини фош қилиш. Шоирнинг қатағон қилинишида ҳиссаси борлар тафтиш қилинади. Жасур шоир тафтишчи, терговчи вазифасини бажаради. Бунда

замон хронотопи шоир сургун қилинган ва рамзий қабр қилинган Узоқ Сибир берилади. Учинчи хроно-топ: Оташқалб шоирни бадном қилганлар ва унинг номини оқламоқчи бўлганлар, вазиятдан фойдаланиб шуҳрат топмоқчи бўлганларнинг томошадан кейинги ҳолати, кайфияти берилади. Қисса хотимасида Оташқалб шоирнинг ўз ғанимидан қасос олиши ва шоирнинг сирли ўлими ҳикоя қилинади. Қисса сюжети анъанавий баён шаклида эмас, балки композицион қолиплаш (ҳикоя ичида ҳикоя) усулига асосланади. Бадиий қолиплаш икки йўналишда ҳаракатланади, яъни биринчи йўналиш қиссанавис (муаллиф) нутқи умумий фонда воқеалар тафсилоти ва тизгинини бошқариб турса, иккинчи йўналиш Оташқалб шоир ҳақидаги бутун тафсилотларнинг персонажлар нутқи орқали берилишида кузатамиз. Персонажлар нутқи ҳам икки тоифага ажралади. Жумладан, Оташқалбни йўқ қилиб, энди номи оқланганда ўз айбини хаспўшлаётган нафс бандалари ва шоир фожиасидаги ҳақиқатни очишга ҳаракат қилаётган персонажлар. Қисса воқеалари иккита маконда юз беради. Биринчи макон шоирнинг юрти Ўзбекистон ва шоир қатағон қилиниб сургун қилинган узоқ Сибир танланади. Қиссада воқеалар тафсилотлари, асосий сюжет қаҳрамонлар исми, нутқи ва олддиларига қўйган мақсадлари асосида ёритилади.

Қиссаларнинг ғоявий-бадиий муштараклиги: Ёзувчинини (“Ёлғиз”) оқлаш, қамоқдан озод қилишда унинг яккаш ўзи курашади, мусибатни ўзи енгиб ўтади. Қатағон қилинган (“Шоирнинг тўйи”) шоирнинг номини оқлаш, айбдорларни топиш Жасур шоир зиммасига юклатилади. Оташқалб шоир кузатувчи мақомида туради, аммо қисса хотимасида айбдорга жазони ўзи беради. Ҳар иккала қиссада миллатнинг

ҳақиқий фидойӣ, жонкуяр қаҳрамонларини тузум йўқ қилишга ҳаракат қилгани, уларни ҳам маънан, ҳам жисман қийноқларга дучор қилгани, нодир истеъдодлар, миллатнинг асл фарзандларини синдиришга ҳаракат қилинган тарихий ҳақиқат тасвирланади. “Ёлғиз” қиссасида Қодирий аччиқ ҳақиқатни ёритувчи халқона иборалар, мақоллардан келтиради. Жумладан: “Эшагига яраша тушови”, “Ит суяк чайнамаса, тиши қичийдир”, “Қорамол эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади”, “Оғилхона ахлоқ”. Қодир бобо тилидан Абдуллага насиҳат тарзидаги ҳақиқат айтилади: “Ҳақ гап бамисоли мағзи аччиқ бодом, унинг қадрига етган одам ўзи қадр топмайди, болам. Ҳаёт азал шундай...” “Шоирнинг тўйи” қиссасида бадий мазмунни бойитиш учун “Ўлдирганлар – тўйингда баковул”, “Чиллада бўрининг қорни тўқи бўлмайди” каби халқона иборалар келтирилади.

Қиссаларда бош қаҳрамон танланиши: Ҳар иккала қиссага ўз даврининг оғриқларидан изтиробга тушган, қалбан уйғоқ, миллат учун қайғураётган тарихий қаҳрамонлар танланади. “Ёлғиз”да қатағон қурбони бўлган буюк бобомиз Абдулла Қодирий асосий қаҳрамон бўлса, “Шоирнинг тўйи” қиссасига қатағон даврининг қурбони бўлган нодир истеъдодлар Чўлпон ва Усмон Носирнинг умумлашма образи Оташқалб шоир тимсолида ёритилади.

Х.Дўстмуҳаммаднинг энг яхши қиссаларидан бири “Сўроқ” деб номланади. Асарнинг “Сўроқ” деб номланишида рамзий маъно бор. Зеро, бадий асарнинг номи, шу асарга қўйилган эпиграф, воқеалар ривожини, қаҳрамонлар дунёси қиссанинг ўзига хос йўналишини белгилайди. Қисса “Ҳадис”дан олинган “Сўроққа тутилмай туриб ўзларингни ўзларинг сўроқ қилинглари” эпиграфи билан бошланади. Ёзув-

чи бу асарни яратар экан, янгича йўл тутади, яъни фантастик унсурлар воситасида асар ғоясини ифодалайди. Қиссага “учар баркашлар” деб номланган маҳлуқлар қиёфасини олиб киради. Асарда доимо кўрқув билан яшаётган кишиларнинг “ички дунёси” “учар баркаш” да келган жонзотлар билан бўлган мулоқотда ёритилади. Қисса қаҳрамони Бозорбой заводда оддий ишчи. Оддий ҳаёт кечиради. Келгинди маҳлуқлар Бозорни сўроққа тутади. Дастлаб, воқеалар шунчаки шов-шувни эслатса ҳам, асар давомида ёзувчи воқеаларга жиддий тус беради. Бу воқеа замирида жамиятдаги қинғирликлар, кўзбўямачиликлар каби кўплаб салбий ҳолатлар фош этилади. Кечаги кундан ҳикоя қилувчи бу қиссада келгиндилар ва инсонлар орасидаги савол-жавоб тасвирлангани, сўроқлар занжирининг кўпайиб кетиши ўқувчини зериктириш ҳолатида тасвирланган бўлса ҳам, бу саволлар ёзувчи бадиий ниятини ифодалашдаги занжир халқалардан бири, дейишимиз мумкин. Қиссада Раҳматов, Оқсоқол, Нарзиқул, Давлатов, Аминвой каби қаҳрамонларнинг маънавий қиёфаси “Холис” сайёрасидан келганлар савол-жавоби асосида ёритилади.

Қисса воқеалари Шабнамнинг ҳомиладорлиги ўн икки ойга чўзилгани ва бунинг муфассал тафсилоти билан бошланади. Чақалоқнинг туғилмаётгани инқирозга юз тутган жамиятнинг тугатилиши ва янги эпкин, уйғониш арафасининг яқинлигидан далолат беради. Бозор ва унинг олами, атрофдаги инсонлар тузум сиёсатининг муте инсонлари, чақалоқ янги даврнинг келишидан нишона. Бунинг учун жамиятдаги инсонлар онги, дунёқарашини ўзгартирувчи, уларни руҳан покловчи асос – бу уларга савол бериб, саволларга жавоб топишга, ўзини тафтишу

тахлил қилишга ўргатиш. Бозор ҳам муте инсон, у эндигина уйғонишга юз тутди. Учар баркашлар ўзларини “Холис сайёраси”данмиз, деб таништирди. Уларга “Холис сайёраси” номининг берилиши ҳам бежизга эмас. Таъмагирликнинг авж олиши инсонлар ўртасида холис муносабатларни заифлаштирди. Уларнинг дастлаб Бозорга йўлиқиши ҳам тасодиф эмас. Бозор пахта заводига ишга ўтганда ҳаёт қинғирликлари, инсонларнинг нафс йўлида ҳеч нарсадан қайтмасликлари ва фақат кинолардагина бўлади, деган воқеаларнинг гувоҳи бўлади. “Холис сайёраси”дан келганлар нега айнан Бозор билан савол-жавоб қилишди, Нарзикул амакидан сўрашди, заводга келишди. Жамиятда бўлаётган қинғирликлар, халқнинг ночор аҳволини ёритиш учун Бозорбой ва пахта заводи зарур эди. Қисса бошида Бозорбой заводга ишга жойлашганда пахта заводи ҳақида шундай маълумот берилади: “...оламда сиру синоат ўша ердаги пахта ғарамларидек тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётганини кўрди – кўзи мошдек очила бошлади. Йўқдан йўндириб, бирни ўн, ўнни юзга дўндирадиган, юлдузни бенарвон урадиган ишбилармонлар гавжум шаҳарларда, ажнабий юртларда яшайди, деб ўйларди Бозор, кўрсаки таниган-билган ҳамқишлоқлари орасида ҳам пихи куйруғига қайрилганлари талайгина экан”¹⁵⁹. Қиссада асосий қаҳрамон Бозорнинг адабий галлюцинацияга учраган жараёни ва саргузаштлари ифодаланган. “Галлюцинация” тиббиёт атамаси бўлиб, руҳий касалликнинг тури ҳисобланади. Галлюцинация ҳолатини кучли изтироб, ғам-алам ва кўрқув келтириб чиқаради. Адабиётшунос олима М.Қўчқорова галлюцинацияни адабий термин сифатида ўрганайди. Галлюци-

¹⁵⁹ Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Сўроқ. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 209.

нация ҳолатининг қаҳрамонда уч хил ҳолатда кечишини изоҳлаб беради. “Галлюцинация ҳолатига тушиб қолган шахс баъзида бу оғир руҳий ҳолатдан чиқиб кета олмай ўз жонига ёки ўзганинг жонига қасд этиши мумкин. Иккинчи ҳолатда эса қаҳрамон руҳий мувозанатдан чиқиб кетиб, телба бўлиб қолади. Учинчи бир ҳолатда қаҳрамон руҳий ҳолатини энгиб, соғлом ҳаёт кечиради”¹⁶⁰. “Сўроқ” қиссасида Бозорда галлюцинациянинг учинчи ҳолатини кўра-миз. Кўрқув ва изтироб ичидаги қаҳрамон бу руҳий ҳолатни энгиб, ўз келажагини тасаввур қила олади. Бозорнинг иқрорларидан эътиқод қўйгани сохта, ишонгани ёлғон эканини англаймиз: “... сен ишонган, танҳо ишончинг – суянчинг тут илдизсиз эди!.. Шу чоққа довур илдизсиз дарахтга суянганингни, илдизсиз танага ихлос қўйганингни англаб етасан... нафсониятинг, иззат-нафсинг ўртанади...”¹⁶¹

Гарчанд гап “учар баркаш” тўғрисида кетаётган бўлса-да, асосий мақсад инсоний қадр-қиммат топталган даврнинг бадиий манзарасини беришдир. Даставвал, Бозор содда ва ишонувчан, ҳамма нарасага кўникиб яшаётган қаҳрамон сифатида тасвирланса, воқеалар ривожига, у ўзгариб боради. Бозор образида ўзини танишга ҳаракат қилаётган, ўзлигини англаётган минглаб замондошларни кўриш мумкин. Бозор ҳам қуруқ шиорлар, қизил гапларга ўрганиб ўз қобиғига ўралиб олган. Бундай пайтда инсон ўзини ўзи назорат қилишдан тўхтайдди. Бозор сўнги йиллар ўзбек қиссачилигида яратилган бошқа образлардан фарқ қилади. У икки давр оралиғида яшаётган қаҳрамон. Бозор образида уйғониш ара-

¹⁶⁰ Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. – Т.: Муҳаррир, 2011. – Б. 170-171.

¹⁶¹ Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. Сўроқ. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 278.

фасида турган мудроқ кимсанинг ички изтироблари тасвирланган.

Э.Аъзамнинг “Чапаклар ёки чалпаклар мамлакати” қиссаси социализм тузумини киноявий фoш қилувчи коммунизмдан репортаж сифатида яратилган. Қисса собиқ тоталитар тузумнинг инсон эрки, шахсига нисбатан бир ёқлама муносабати Буриё мамлакати тимсолида акс эттирилган. Қиссада қиссанавис – муаллифнинг ўзи. Адабиётшунос олима М.Қўчқорова ёзувчи билан суҳбатида: “Менга, айниқса, қаттиқ таъсир қилган мамлакатлардан бошласам. Эрон билан Шимолий Қурия... Шимолий Қурияга келсак... “Чапаклар ва чалпаклар”ни ўқигансиз. Бошқа нимаям дейин? Ўша ўн кунлик сафар ҳақида шундай ҳажмдаги тағин бир китоб ёзиш мумкин... Худо у ерга қайтиб боргулик қилмасин!”¹⁶² Ёзувчи ўзи кузатган, гувоҳи бўлган воқеаларни бадий хаёлот асосида қайта суратлантиради. Хаёл пучмоқларидаги ўз юртининг ҳолатини суратлар фонига сингдиради. Буриё мамлакатадаги ҳаёт тарзи журналист Бахтиёр ва икки кишилик “делегация раҳбари” – Эркин қарашлари орқали акс эттирилади. Қиссанавис ўн кунлик саёҳат давомида ўзи кўрган, кузатган, гувоҳи бўлган воқеаларни ҳикоя қилади. Уларга товариш Як ҳамроҳлик қилади. Улар нимани кўрган ва билган бўлса, унинг назари билан кузатиши, билиши лозим эди. Товариш Яkning уйланиши унинг молиявий аҳволи, хоҳиш-истаклариларига эмас улуғ доҳийнинг хоҳиш-қарорига боғлиқ. Бу мамлакатда йигит йигирма тўққизга, қиз эса йигирма етти ёшга тўлмагунча турмуш қуриши тақиқланган. Ёшлар бу

¹⁶² Қўчқорова М. Асосий машғулоти – адабиёт, аммо омадим кинода чопди // Эркин Аъзам бадий олами. Илмий мақолалар ва суҳбатлар тўплами. – Т.: Turon zamin ziyo, 2014. – Б. 232.

ёшгача мамлакат олдида бурчини бажариши шарт. Бу шарт бажарилмаса, ватанга хиёнат даражасида баҳоланиб, ҳар иккаласи ҳам жазоланади. Тақиқ ёшида бўлган ёшлар учрашиб турганини кўришганда шу ернинг ўзида отиб ташланган. Қиссада бамисоли вакуумдаги ҳаёт тасвирланган. “Бу аломат шаҳарда туғилиш бор – ўлиш йўқ. Бунда яшариш бор – кексайиш йўқ. Бутун шаҳарни кезиб чиқсангиз ҳам бирорта мункиллаган қарияни ёки майиб-ногиронни учратолмайсиз. Намунавий социалистик жамият ҳар турли майиб-мубталолардан, жисман носоғ, норасо, бадбашара “унсур”лардан холи бўлмоғи керак”¹⁶³. Бу юрт фуқароларининг ёшини аниқлаш қийин. Афт-башара бир хил, кийим-кечак бир хил, гап-сўз бир хил. Улуғ доҳий неча йиллардан бери мамлакат аҳволдан беҳабар, халқ ҳаётига доир ҳақиқий маълумотлар ундан сир тугилади. Асосий машғулоти байраму тантаналарда нутқ сўзламоқ ва олқишу чапакларга чулғаниб юрмоқ. Қаҳрамонлар шаҳар айланиб юриб, бир ҳолатнинг гувоҳи бўлади. Доимо ялтироқ ҳаётни мақтаётган шаҳарда шундай уйларнинг гувоҳи бўлишади: на сувоқ, на пардози бор – қоп-қора яланғоч бетон, негадир биронта деразада дарпарда кўринмайди, деворга улуғ доҳий ва укасининг расми илинган, одамлар ғиж-ғиж, ҳар хил лаш-лушлар, эски-туски жандалар уюлиб ётибди. Мана, медалнинг иккинчи томони, зарбоф тўннинг авра-астари. “Эътиқод –ўлимдан кучли. Зулм эса ундан-да қудратлироқ”¹⁶⁴. Қиссанавис халқимиз бошидан кечирган 50-йиллардаги ҳаёт билан қиёслайди. “Муаллиф қуруқ чапаквозлик, ваъдаю шиорбозли-

¹⁶³ Аъзам Э. Пакананинг ошиқ кўнгли. Чапаклар ёки чалпаклар мамлакати. – Т.: Маънавият, 2001. – Б. 146.

¹⁶⁴ Кўрсатилган манба. – Б.147.

кларга асосланган куруқ жамият муқаррар инқирозга учрашини истеҳзо билан, пичинг билан, киноя билан эзоп тилида ифодалаб берган”¹⁶⁵. Қиссанинг номланиши ҳам Буриё давлатининг сиёсий тузумига изоҳ. Улуғ доҳий доимо чапаклар қуршовида юради. Чапаклар уни чалпакка айлантирган. Қиссанавис иккита сўзнинг негизини бир-бирига ўхшатмоқчи бўлади. Чалпак тушишини кутиб яшаётган муте халқ ҳаётини кўрамиз. “Улуғ доҳий чапаклар остида кириб келиб, чапакларга бурканиб чиқиб кетди. Бул зотнинг юрган йўли чапак, борган ери чапак. Узундан узоқ умри чапагу олқишлар оғушида ўтаётир”¹⁶⁶.

Инсон эрки, шахси синдирилган тузум сиёсати ҳақида жаҳон адабиётида Ж.Оруэлнинг “Молхона”, “1984”, Або Кобенинг “Яшиқ одам” каби асарлар яратилган. Ж.Оруэлнинг “1984” романининг исёнкор қаҳрамони: “Келажакка ёки ўтмишга – фикр эркин бўлган, одамлар бир-биридан фарқ қилган ва ёлғиз яшамайдиган, ҳақиқат бўлган ва ўтмиш йўққа айлантирилмайдиган замонларга! Бир туслилар давридан, ёлғизлар давридан, Катта Оға давридан, кўшфикрлик давридан – саломлар бўлсин! Фикрий жиноят ўлимга олиб келмайди: фикрий жиноятнинг ЎЗИ ўлимдир”¹⁶⁷. Тузум сиёсатининг жилоланган сурати, чиройли ниқобланган сийратини шундай фош қилади. Роман рамзий маънода шахс эрки оёқости қилинган, бўғилган, топталган давр сиёсатининг инсониятни таназзулга олиб келишини асослади. Э.Аъзам қиссаси ва “1984” романининг муштарак

¹⁶⁵ Йўлдошев Н. Характер мусаввири // Илмий мақолалар ва суҳбатлар тўплами. – Т.: Турон zamin ziyo, 2014. – Б. 56.

¹⁶⁶ Аъзам Э. Пакананинг ошиқ қўнгли. Чапаклар ёки чалпаклар мамлақати. – Т.: Маънавият, 2001. – Б. 134.

¹⁶⁷ Оруэл Ж. 1984. – Т.: НИНОЛ, 2018. – Б. 29.

жиҳатлари шундаки, бу асарлар шахслиги синдирилган инсонлар ҳаётидан ҳикоя қилади.

Қаҳрамон озодликка чиқиб, кетиш олдидан меҳмонхона деразасидан қизалоқни кўриб қолади. Меҳмонхона пастидаги ҳовлида бир ёш, ҳали дунёнинг борди-келдидан беҳабар соддагина қизалоқ – бахтиёр, қувнаб-қувнаб арғимчоқ учаётир. Қаҳрамон беихтиёр кузатган воқеаларга ечимни Абдулла Ориповнинг “Тилла балиқча” шеърідан топгандай бўлади:

*Менга алам қилар: тилла балиқча,
Шу қўлмак ҳовуз деб билар дунёни.*

Шеър асосида ёзувчи Буриё давлати ва унинг тузумига ойна тутати.

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Сўроқ” ва Э.Аъзамнинг “Чапаклар ёки чалпаклар мамлакати” қиссаларида мавзунинг танланиши, сюжет ва композиция, макон ва замон, бадиий тасвир маҳорати жиҳатидан типологик хусусиятларни кузатдик:

1. Ҳар иккала қиссанинг композицион қурилиши анъанавий, воқеалар хронологик тарзда ривожланувчи ягона сюжет чизиғига эга. “Сўроқ” қиссасида ёзувчи ўз эстетик идеалидаги тузум қобиғида ўралиб қолган қаҳрамонни янги давр нафаси билан уйғотишга интилганини Бозор образида кузатамиз. Бозор икки давр оралиғида қолган, ўзлигини танишга, саволларга дадил жавоб топишга уринаётган инсон. Учар баркашдагилар “Холис сайёра”дан эканлиги, уларнинг янги давр кишилари, миллатни, халқни уйғотишга, ҳақ-ҳуқуқини англайтиш учун келганлигини англаймиз. “Чапаклар ёки чалпаклар мамлакати” қиссасида ўзлигини унутган, чалпак

кутиб яшашга ўрганиб қолган бутун бошли миллат фожиасини фош этиш бош қаҳрамон Эркин зиммасига юклатилган. У афсонавий мамлакат тузумига қарши, ҳар бир қадамда ёлғон эътиқодни фош қилмоқчи, аммо у бундай қудратли кучга эга эмас. У ҳеч бўлмаганда Товариш Яқнинг онгида ўзгариш ясашга ҳаракат қилади.

2. Ҳар иккала қиссада асар ядроси фантастика асосига қурилган. “Сўроқ” қиссасида фақат қорин ташвиши билан, ўз фойдасини кўзлаб яшайдиган инсонларни савол-жавоб асосида фош қилиш учун “Холис” сайёрасидан келган Учар баркашлар образини яратади. “Чапаклар ёки чалпаклар мамлақати”да ёлғон эътиқод асосига қурилган усти ялтироқ, ичи қалтироқ мамлакатни Буриё шахри асосида қўрса-тиб берган.

3. “Сўроқ”да бутун воқеа ва жараён қиссанавис Бозор кузатишлари асосида берилса, “Чапаклар ёки чалпаклар мамлақати”да Буриё мамлакатининг ҳаёти делегация раҳбари қиссанавис Эркин нигоҳи орқали кузатилади, ҳикоя қилинади. Ҳар иккала қиссада шахслик мақомига эга бўлмаган қаҳрамонлар тасвирланади. Булар “Сўроқ”да Аминвой, Раҳматов, Оқсоқол, Нарзикул, Давлатов; “Чапаклар ёки чалпаклар мамлақати”да Товариш Яқ, Хон Ман Мен, Хон Мен Ман, Николай Феодорович, Саида каби. Бу қаҳрамонлар орқали ёзувчи ёлғон эътиқодлар асосида яшаган мустабид мамлакат аҳлида ўзликнинг маҳв этилиб, қиёфасизланиш жараёнини бор мураккаблиги ва фожиаси билан тасвирлайди. Инсоний қадр-қиммат топталган даврнинг бадий манзарасини яратади. “Нурафшон келажак” сари дадил бо-раётган тилсиз, забонсиз халқ, унинг маънавиятини парчалаш билан шуғулланаётган қудратли ёлғончи-

лик машинаси – мафкура қиссада киноявий усулда акс эттирилган. Қиссалар тагматнига ёзувчиларнинг ички дарди, яъни янги даврни яратиш, янгилик нафасини олиб кириш учун инсонлар онгида инқилоб яшаш, осмондан чалпак кутиб яшайдиган оломон қалбида келажак ҳақида қайғуриш, изтироб туйғуларини уйғотиш сингдирилган.

ХУЛОСА

Истиқлол даври ўзбек қиссачилиги ва Хуршид Дўстмуҳаммад қиссаларини қиёсий-типологик тадқиқ қилиш борасидаги тадқиқотимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

Эпик турнинг ўрта жанри ҳисобланган қисса табиати, генезиси, бадиий такомили бўйича жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш натижасида замонавий қиссачиликнинг тараққиёт тамойиллари белгиланди. Қиссачилиқдаги анъана ва ўзгаришлар, жанр имкониятлари ҳамда бадиий-услубий хусусиятларини текшириш жараёнида қиссанинг келиб чиқиш асоси муқаддас манба билан боғланиши, замонавий қиссалар мумтоз қиссачилик анъаналаридан озикланганлиги илмий асосланди.

Қисса жанри адабий таъсир, типология, компаративистика, қиёсий-чоғиштирувнинг муҳим компонентлари, бадиий моҳиятни ёритишдаги имкониятларини ўзбек ва жаҳон адабиётидаги мавжуд анъаналар асосида ўрганиш имконини берди. Дунё адабиёти билан танишиш, катта адабиёт орзуси бадиий ижодда поэтик ҳамда мифопоэтик талқин имкониятларининг кенгайишига олиб келди ва адабий таъсир етакчи ўринга чиқди. Х.Дўстмуҳаммад миллий қадриятлар асосида модернизм ва реализм ўзини бирлаштиришни, бадиий эксперимент қилишни, юрилмаган йўллардан юришни афзал билди.

Қиссанинг сюжет ва композицияси уч синов, яъни “борлиқни синаш, қаҳрамонни синаш ва ғояни синаш” асосига қурилади. Х.Дўстмуҳаммад қиссалари реал воқеликнинг жамият ҳаётига номувофиқлиги

(жамият синови), қахрамон тафаккурида ғалаён бошланиши (қахрамон синови), ўзлигини қидириши ва ечим топиш йўлидаги интилишлари (ғоялар синови) шаклидаги сюжет тизимига асосланади. Ёзувчининг асосий мақсади жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни танқид қилишдан кўра инсонни, унинг руҳий кечинмаларини тадқиқ этишда кўринади.

Х.Дўстмуҳаммад қиссаларини Ф.Достоевский ва И.В.Гёте романлари билан чоғиштиришда асар композициясининг мактуб шаклига қурилиши асос бўлади. Инсоннинг ички дардларига сабабчи бўлган жамият ҳамда соф, самимий ва илоҳий муҳаббат тасвирида мактубнинг қулай восита эканлиги, турли муҳитда яратилган асарларни туташтирадиган ҳис-туйғулар тасвири қиёсий ўрганилди. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ҳижроним – мингдир менинг”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз” қиссалари ғоявий-бадиий ва композиция жиҳатдан ўзбек қиссачилиги эволюциясида янги ҳодиса бўлди.

Замонавий қиссаларда жанр архитектуронаси, поэтик имкониятлари, образлар структураси, муаллиф ва қахрамон ўртасидаги параллелизм масалалари етакчи тамойилга айланди. Мазмун-моҳияти билан аввалги қиссалардан кескин фарқ қилувчи, олам ва одам манзарасини чуқур таҳлил қилувчи қиссанинг янги типи вужудга келди. Қисса шаклан воқеликнинг мактуб асосига қурилиши, мозаика, монтаж усули, онг оқими тасвир усулида янгиланган бўлса, мазмунан ўз ички “мен”и билан курашаётган, ўз дунёси сари қадам ташлаётган қахрамонларнинг қисмати етакчи ўринга чиқди.

Х.Дўстмуҳаммад ижодий услубига хос индивидуал хусусиятлар икки хил йўналишнинг синтезидан ҳосил бўлгани кузатилди: а) адиб дунёқарашида ди-

ний эътиқод, илоҳий мазмун-моҳиятга эга тушунчалар айрича аҳамият касб этиши, диний-маърифий оҳангни рамзлар воситасида асар тағматнига жойлаш. Адиб қиссаларида ўз мақсадини, айтмоқчи бўлган фикрларини Қуръон оятлари, ҳадислар билан асослайди; б) қаҳрамоннинг онг ости ҳолатини тасвирлашда ғарб адабиёти анъаналаридан озиқланиши катта адабиёт ўқувчиси эканлигини асослайди.

Х.Дўстмуҳаммад қиссаларининг мавзу ва услуб ранг-баранглиги ёзувчи жамиятнинг илғор журналисти, сиёсат оламининг билимдони, илмда олимлик мақомига етишганлиги натижасидир. Адиб ижтимоий ҳаётдаги воқеликлар орасида бўлганлигидан ўй-кечинмалари жамиятнинг асосий ўй-яралари билан банд, ўйловчи ва ўйлатувчи инсон тимсолини яратди. Сиртдан қараганда сокин кўринган қаҳрамонларни ботиний зиддият ва изтироблар қийнайди. Адиб ўзбек қиссачилигига жамиятдан ҳеч нарса даъво қилмайдиган, сабабни ўзидан қидирадиган, ўзини айблайдиган, ўзини тафтиш қилиш орқали ўзлигини англашга ҳаракат қиладиган қаҳрамонлари билан янгилик нафасини олиб кирди.

Х.Дўстмуҳаммад ва Н.Эшонқул асарларининг қиёсий-типологик таҳлили асосида қисса жанрининг ғарб адабиёти таъсирида шаклан ва мазмунан янгиланиш поғонасига кўтарилгани кузатилди. Қиссаларда воқеликни турли ракурсларда рамзлар, тимсоллар орқали тасвирлаш, метафорик тафаккур тарзининг етакчилик қилиши, махсус белгили хусусиятларни кодлар орқали талқин этиш, бадий шартлиликни ҳақиқий санъат даражасида қўллаш қиссанавислар бадий маҳоратидан дарак беради.

Истиқлол шарофати билан ўз даврида қатағонга учраган шоир ва ёзувчиларимиз, нодир истеъдодлар

ҳақида янги типдаги қиссалар яратилди. Жамият ва инсон қиёфаси рамзлар асосида тасвирланди. Рамз, киноя ва метафорик тасвир етакчи ўринга чиқди. Э.Аъзам қиссалари тагматнида ҳаёт ҳақиқати ҳақида аччиқ кулги бўлса, Х.Дўстмуҳаммад қиссаларда моҳият код ва тимсоллар билан берилади. Қисса структурасида ўзгаришлар, воқеаларда тизимнинг йўқолиши, хаёл парчаларида тасвирланиши кузатилади. Жамият қиёфаси, ижтимоий ҳаётдаги ноҳақликларни фош қилишда фантастика қўл келди. Учар баркаш, хаёлий мамлакат тимсоллари қиссачилиқда янгилиги билан ажралиб туради.

Замонавий қисса структурасида шахс концепцияси талқини, шахслик мақоми ҳамда юки сюжет, композиция ва қаҳрамон учлиги асосида ёритилади. Х.Дўстмуҳаммад ва Э.Аъзам қиссаларида даврнинг оғриқларидан изтиробга тушган, миллат учун қайғураётган, қалбан уйғоқ, дард билан оғриган қаҳрамонлар ва уларнинг оғриқлари акланган, инсоний қадр-қиммат топталган давр манзарасини рамз ва киноявий модусда “учлик асосида” тасвирланиши қиссачилиқда янгиликларнинг самараси эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илмий-назарий адабиётлар:

1. Абдулла Қодирий ижодининг мустақиллик давридаги ижтимоий-маънавий-маърифий аҳамияти // Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Т.: Фан, 2019 й. 11 04.
2. Абрамович Г.Л. Введение в литературоведение. – М.: Просвещение, 1975. – 352 с.
3. Аброров А. Ўзбек повести. – Т.: Фан, 1973. – 180 б.
4. Авазова О. Психологик таҳлил қирралари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1981. № 1. – 61-62 б.
5. Адабиёт назарияси. 1-том. – Т.: Фан, 1978. – 415 б.
6. Адабиёт назарияси. 2-том. – Т.: Фан, 1979. – 444 б.
7. Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари // Халқаро конференция материаллари. – Т.: Тафаккур, 2020. – 755 б.
8. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик: Эпос 1-жилд. – Т.: Фан, 1991. – 384 б.
9. Альбер Камю. Ўзликни англаш – исён ... Ёшлик. 1989. №1. – 57-61 б.
10. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 350 б.
11. Ашурова Н. Э. Аъзам услубининг айрим хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2012. №5. – 65 б.
12. Аъзам Э. Эрталабки хаёллар (Тузувчилар: Ш.Сўфиева, С.Ёқубов) – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 582 б.
13. Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – 502 с.
14. Бахтин М.М. Романда замон ва хронотоп шакллари (Рус тилидан У.Жўрақулов таржимаси) – Т.: Akademnashr, 2015. – 280 б.

15. Белинский В.Г. Адабий орзулар. Адабий танқидий мақолалар (таржима). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. – 264 б.
16. Белинский В.Г. Танланган асарлар. – Т.: Ўзбекистон, 1955. – 148 б.
17. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Т.: Фан, 1974. – 244 б.
18. Введение в литературоведение: Учеб. для филол. спец. ун-тов / Г.Н.Поспелов, П.А.Николаев, И.Ф.Волков и др.; Под ред. Г.Н.Поспелова. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: Высш. шк., 1988. – 441 с.
19. Введение в литературоведение: Учеб. пособие / Под ред. Л. В.Чернец. – М.: Высш. шк., 2004. – 625 б.
20. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – 406 с.
21. Виноградов В.В. О теории художественной речи. – М.: Высшая школа, 1971. – 118 б.
22. Владимирова Н. 60-йиллар ўзбек ҳикоянавислигида услубий оқимлар // Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Т.: Фан, 1983.
23. Дўстмухаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. – Т.: Mumtoz soʻz, 2011. – 313 б.
24. Дўстмухаммад Х. Озод изтироб қувончлари. – Т.: Маънавият, 2000. – 112 б.
25. Дўстмухаммад Х. Ёзувчи шахси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т.: 2001.
26. Дўстмухаммад Х. Ҳаракатдан тўхтаган жараён қиссаси // Жаҳон адабиёти. – Т.: 2004. № 2.
27. Doʻstmuhammad X. Hamdardim – adabiyot .Yoshlik. – Т.: 2015. № 1.
28. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Т.: Маънавият, 2010. – 389 б.
29. Жўраев Т. Онг оқими. – Т.: Фарғона, 2009. 204 б.

30. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Т.: Ғафур Ғулом, 2015. – 353 б.
31. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006. – 204 б.
32. Йўлдошев Қ. Бадиий асар таҳлили. – Т.: Камалак, 2016. – 461 б.
33. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 546 б.
34. Йўлдош Қ. Сўз ёлқини. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2018. – 286 б.
35. Карим Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Т.: Академнашр, 2004.
36. Карим Б. Адабиётшунослик методологияси. – Т.: Мухаррир, 2011. – 87 б.
37. Карим Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Ғафур Ғулом, 2015. – 362 б.
38. Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти манзаралари (Биринчи китоб). – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 536 б.
39. Каримов Н. Адабиёт ва тарихий жараён. Mumtoz soʻz, 2013. – 441 б.
40. Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – 544 б.
41. Каримов Н. Абдулла Қодирий замондошлари. – Т.: Akademnashr, 2020. – 316 б.
42. Каримов Ҳ. Истиқлол даври адабиёти. – Т.: Yangi nashr, 2010. – 363 б.
43. Каримов Ҳ. Истиқлол даври насри. – Т.: Zarqalam, 2007. – 95 б.
44. Қўбаев Қ. Повесть ва қисса // Тил ва адабиёт таълими. – Т.: 2005. №3. – 61-64 б.
45. Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. – 194 б.

46. Қуроноф Д., Мамажоноф З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2013. – 406 б.

47. Қуроноф Д. Назарий қайдлар. – Т.: Akademnashr, 2018. – 125 б.

48. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Т.: Akademnashr, 2018. – 476 б.

49. Қўшжоноф М. Ижод масъулияти. –Т.: Фан.1981. – 264 б.

50. Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. – Т.: Муҳаррир, 2011. – 231 б.

51. Қўчқорова М. Хуршид Дўстмуҳаммад қиссачилигида метафора ва тимсолли шарҳлар // Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари. Халқаро конференция материаллари. – Т.: Тафаккур, 2020. – 264-277 б.

52. Қўчқорова М. Ҳозирги ўзбек насрида рамз ва метафора // Шарқ юлдузи. – Т.: 2011. №2. –158-161 б.

53. Қўчқорова М. Абсурд вазият ва абсурд қаҳрамон // Бобур ва дунё. –Т.: 2020 йил, Март. №1.

54. Қўчқорова М. Киноявий образ яратишдаги бадиий шартлилик воситалари // Ўзбек адабиёти масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Т.: 2013. – 45-60 б.

55. Қўчқорова М. Киноявий наср ва бадиий шартлилик // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2013. №6. – 48-52 б.

56. Қўчқорова М. Асосий машғулоти – адабиёт, аммо омадим кинода чопди. Шарқ юлдузи. – Т.: 2014. №1.

57. Лармин О.В. Художественный метод и стиль. – М.: Изд. МГУ, 1974. – 271 с.

58. Лихачев Л.С. Неравнодушная проза. – М.: Художественная литература, 1984. – 314 с.

59. Мамажоноф С. Лирик олам, эпик кўлам. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. –334 б.

60. Мели С. Сўзу сўз. – Т.: Шарқ, 2020. – 528 б.

61. Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – 180 б.
62. Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Т.: Фан, 1969. – 314 б.
63. Мирзаева С., Дониёрова Ш. Истиқлол даври адабиёти. – Т.: Академнашр, 2011. – 156 б.
64. Мустақиллик даври адабиёти. – Т.: Ғафур Ғулом, 2016. – 288 б.
65. Норматов У. Бугунги насримиз тамойиллари // Жаҳон адабиёти. – Т.: 1997. № 3.
66. Норматов У. Ижод сеҳри. – Т.: Шарқ, 2007. – 351 б.
67. Норматов У. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. – Т.: Mumtoz so'z, 2008. – 313 б.
68. Норматов У. Қиссадан ҳиссалар // Жаҳон адабиёти. – Т.: 1999. №6. – 149-152 б.
69. Норматов У. Насримиз уфқлари. – Т.: Ғафур Ғулом, 1974. – 224 б.
70. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Т.: Маънавият, 2000. – 109 б.
71. Норматов У., Қурононов Д. Романнинг янги умри // Жаҳон адабиёти. – Т.: 2001. №3.
72. Ражабова Ф. “Тун панжаралари” рамзий-фалсафий қисса // Бадиий тафаккур ва адабий жараён. – Т.: 2008. №10. – 34-36 б.
73. Ражабова Ф. Аччиқ қисматли шахс фожиаси // Шарқ юлдузи. – Т.: 2016. №2. – 130-133 б.
74. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Т.: Шарқ, 2007. – 336 б.
75. Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб... – Т.: Маънавият, 1998. – 63 б.
76. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Т.: Фан, 2006.
77. Расулов Т. Бадиий асар қанотлари. (Образ ва образлилик. Услуб) – Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. – 174 б.

78. Расулова У. Қиссалар таҳлили//Шарқ юлдузи. – Т.: 2016. №7. –149-152 б.

79. Ризаев Ш. Яхши “Ёмон” одам ёхуд янгиланаётган реализм // Шарқ юлдузи. – Т.: 2011. №3. – 162-166 б.

80. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: EXTREMUM PRESS, 2010. – 135 б.

81. Сатторова Г. Миллий характер ва бадиий талқин. – Т.: Фан, 2007. – 118б.

82. Саттарова Г. Замоनावий ўзбек қиссасида Абдулла Қодирий сиймоси // Конференция материаллари тўплами. – Т.: Фан, 2019. – 61- 62 б.

83. Салаев Ф., Қурбониёзов Г. Адабиётшунослик аталарининг изоҳли сўзлиги. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 330 б.

84. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: 2004. – 127 б.

85. Солижонов Й. Бир йил қиссалари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –Т.: 1992. 29 май.

86. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Т.: Чўлпон, 2002. – 128 б.

87. Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. – 227 б.

88. Стоун И. Биографик қисса ҳақида // Жаҳон адабиёти. – Т.: 2000. №8. –147-156 б.

89. Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.: O‘qituvchi, 2005. – 270 б.

90. Суровцев Ю. Повестнинг композицияси ҳақида // Шарқ юлдузи. 1971. №5. – 20-25 б.

91. Тамарченко Н.Д. Теория литературы. Роды и жанры. – М.: ИМТИ РАН, 2003. – 280 с.

92. Тошпўлатов А. Назар Эшонқулнинг психологик қиссалари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 2008. №3. – 67-69 б.

93. Тўлаганова С. Бадий асар морфологияси. – Т.: Turon zamin ziyo, 2016. – 182 б.
94. Тўлаганова С. Катта адабиёт орзуси // Жаҳон адабиёти. 2012. №2.
95. Турдиева К. Асар сюжети ва композицияси ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. –Т.: 2001. №3.
96. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. –Т.: Фан, 1983. – 206 б.
97. Улуғов А. Қиссачилигимиз қирралари. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 136 б.
98. Улуғов А. Ўзгараётган адабиёт манзаралари // Шарқ юлдузи. – Т.: 1998. № 4. – 138-139 б.
99. Улуғов А. Қиссаларда қалб акси. Шарқ юлдузи. – Т.: 2011. №4
100. Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 109 б.
101. Фитрат. Танланган асарлар. 4 жилд. – Т.: Маънавият, 2006. – 334 б.
102. Фромм Э. Менинг эътиқодим // Жаҳон адабиёти. – Т.: 2003. № 10. – 147 б.
103. Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002. – 397 с.
104. Халлиева Г. Qiyosiy adabiyotshunoslik. – Т.: Akademnashr, 2020. – 158 б.
105. Холдаров Д. Қисса сюжетида услуб жилolari // Шарқ юлдузи. – Т.: 2011. №3. – 168-171 б.
106. Холдаров Д. Рухий таназзул тасвири // Шарқ юлдузи. – Т.: 2011. №3.
107. Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 199 б.
108. Ҳотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 364 б.

109. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Т.: Nilol nashr, 2019. Олти жуз.

110. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: Шарқ, 2004. – 640 б.

111. Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя. – Т.: Akademnashr, 2016. – 220 б.

112. Шофиев О. Эркин Аъзам насри бадиияти. – Т.: Qaqpus media, 2019. – 171 б.

113. Эркин Аъзам бадиий олами (Тўплаб нашрга тайёрловчилар: О.Шофиев, Н.Йўлдошев) – Т.: Turonzamin ziyo, 2014. – 304 б.

114. Эслен Ховардсхолм. Модернизм // Жаҳон адабиёти. – Т.: 2001. № 1.

115. Эшонқул Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. – Т.: Фан, 2011. – 304 б.

116. Эшонқул Н. Ижод фалсафаси. Мендан “мен”гача-2. – Т.: Akademnashr, 2018. – 413 б.

117. Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. – Т.: Akademnashr, 2014. – 505 б.

118. Эшонқул Н. Одамлар бирлашадиган макон // Тафаккур. – Т.: 1997. № 3.

119. XX аср ўзбек адабиёти масалалари. Илмий тўплам. – Т.: Фан, 2012. – 245 б.

Манбалар

120. Алишер Навоий Фарҳод ва Ширин. – Т.: Ғ. Ғулом, 2006.

121. Аъзам Э. Пакананинг ошиқ кўнгли. – Т.: Маънавият, 2001. – 205 б.

122. Аъзам Э. Ёзувчининг боғи. – Т.: MASHNUR-PRESS, 2019. – 286 б.

123. Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 129 б.

124. Достоевский Ф. Камбағаллар. – Т.: DAVR PRESS, 2011. – 159 б.
125. Дўстмухаммад Х. Қиссалар. – Т.: SHARQ, 2011. – 511 б.
126. Дўстмухаммад Х. Беозор қушнинг қарғиши. – Т.: Шарқ, 2006. – 511 б.
127. Дўстмухаммад Х. Донишманд Сизиф. – Т.: O'zbekiston, 2016. – 359 б.
128. Дўстмухаммад Х. Ёлғиз. – Т.: MASHHUR-PRESS, 2019. – 189 б.
129. Markes G.G. Oshkora qotillik qissasi. – Т.:Yangi asr avlodi, 2015. – 642 б.
130. Эшонкул Н. Ялпиз ҳиди. – Т.: Шарқ, 2008. – 398 б.
131. Пўлатов Т. Тарозий тошбақаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2019. – 525 б.
132. Пўлатов Т. Бухоро хонадонининг кечмишлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2019. – 768 б.
133. Пўлатов Т. Жалолиддиннинг сўнги суҳбатдоши // Шарқ юдузи. 1987. – №5. – 66-75 б.

Интернет материаллари:

1. <http://ziyouz.uz>
2. <http://kitob.uz>
3. <https://kh-davron.uz>
4. <https://www.natlib.uz/>
5. <http://naukarus.com>

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-------------	---

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЖАНРНИНГ СПЕЦИФИК ХУСУСИЯТИ ВА ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ЁНДАШУВ.....	6
---	----------

Жанр канонизацияси: тасниф масаласи, қиёсий-типологик усул	7
--	---

Ҳозирги ўзбек қиссаларида янги бадиий-услубий тамойиллар.....	25
---	----

Муаллиф ижодида адабий таъсир: муштараклик ва типологик чоғиштирув.....	58
---	----

Хуршид Дўстмуҳаммад ижодий эволюциясида бадиий таъсир масаласи	76
--	----

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ҚИССА ПОЭТИКАСИДА МЕТАФОРИК ТАЛҚИН ИМКОНИАТЛАРИ.....	95
---	-----------

Ёзувчи ижодида рамзий-мажозий тасвир	96
--	----

Замонавий қисса структурасида шахс концепцияси талқини.....	125
---	-----

Хулоса.....	153
-------------	-----

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	157
---------------------------------------	-----

АЙИМХАН ЭШНИЯЗОВА

**ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД:
АНЪАНА ВА УСЛУБ**

МОНОГРАФИЯ

МУҲАРРИР: О.ЖУМАБОЕВ
ТЕХНИК МУҲАРРИР: О. МУХТОРОВ
ДИЗАЙНЕР: Ҳ. САФРАЛИЕВ
САҲИФАЛОВЧИ: С. МУХТОРОВ

Нашриёт лицензияси:



4773

Нашр этишга берилди 28.12.2021.

Босишга рухсат этилди 05.01.2022.

Бичими 84x108 ¹/₃₂ . Офсет қоғози.

Офсет босма усулида босилди.

«Cambria» гарнитураси.

Шартли босма табағи 10,5,

Адади 100 нусха.

Оригинал макет «Tafakkur tomchilari»
нашриётида тайёрланди.

«Tafakkur» нашриёти босмахонасида
чоп этилди.

ISBN 978-9943-7690-7-6



9 789943 769076